

БОҒИЖОН ТЎХЛИЕВ

**ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ
ВА
ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР
ФОЛЬКЛОРИ**



ТОШКЕНТ – 2014

УДК: 811.512.154 (076)

КБК 81.2Ў36-8

T-50

Бокижон Тўхлиев.

Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги фольклор таъсирини ўрганишга бағишланган. Унда асосий эътибор асарнинг образлар тизими таҳлилига қаратилган. Мазкур китоб адабиёт тарихи мутахассисларига, қадимги туркий тил ихлосмандларига, ўқитувчилар, талаба ва аспирантларга, илмий тадқиқотчиларга мўлжалланган. Ундан қадимги туркий тил ва адабиёт муаммоларини ўрганувчи тўғараклар фаолиятида ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Монография № А-3-182 рақамли «Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори таъсирини тадқиқ этиш» ҳамда ИТД - 1-165 “Таълим босқичларида бадиий асарларни шарҳлаш ва изоҳлаш йўли билан ўрганишнинг илмий-методик асосларини тадқиқ этиш” мавзуларидаги лойиҳалар доирасида яратилган.

Масъул муҳаррир:

А.П.Қаюмов – Ўзбекистон ФА академиги.

Тақризчилар:

Ҳ.Ҳамидов – филология фанлари доктори, профессор

Н.Жабборов – филологифанлари доктори, профессор.

Монография Низомий номли Тошкент давлат педагогик университети Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

УДК: 811.512.154 (076)

КБК 81.2Ў36-8

ISBN 978-9943-4144-0-2

© «BAYOZ», 2014.

© Бокижон Тўхлиев, 2014.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
------------	---

I БОБ. ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ ТУРКИЙШУНОСЛАР БАҲСИДА.....11

1.1. Масаланинг ўрганилиш тарихига доир.....	11
1.2. Адабиёт ва фольклор муаммосига умумий бир назар..	19

II БОБ. «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» БАДИИЯТИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИ66

2.1. Синов мотиви.....	73
2.2. Тайёргарлик мотиви.....	84
2.3. Кураш мотиви.....	94
2.4. Туш мотиви.....	98
2.5. Учлантириш мотиви.....	108

III БОБ. БАДИЙ ВАРИАЦИЯ.....112

ХУЛОСА.....	134
-------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	139
---------------------------------------	-----

КИРИШ

*Ушбу китобни отам Тўхлибой Каримов ҳамда
онам Савринисо Каримоваларнинг порлоқ
хотираларига бағишлайман*

Маънавий меросни ўрганиш кечаги кун сабоқларини хотирлаш, уларнинг ўзига хос томонларидан ўрнак ва сабоқ олиш, йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариш, шу асосда эртанги куннинг аниқ ва ишонарли режаларини тузиш демакдир. Зеро, **«Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ**. Бу ҳақиқат кишилик тарихида кўп бора ўз исботини топган». Бизнинг тарихимизда эса билишимиз лозим бўлган масала ва муаммолар оз эмас. Шулар қаторида адабиётимизнинг энг қадимга даврлари билан алоқадорлари ҳам талайгина. Маънавий юксак инсонларгина тарихдаги, тарихий меросдаги муносиб жавҳарларнинг қадрига етади.

Агар гап миллат маънавиятини юксалтириш устида борар экан, табиийки, уни бой ва қадимий маданий меросимизсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун Президентимиз ўринли тарзда «Албатга, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, **маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар** энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»², – деб таъкидлашган эди.

Шукрларким, биз бундай маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликларимиз билан истаганча фахру ифтихор қила оламиз. Тарих сахнасида бунёдга келган бир қатор ёзма обидалар барча туркий халқлар учун муштараклиги билан ажралиб туради. Улар туркий халқлар адабиётларининг кейинги босқичларидаги тараққиёти учун умумий асос вазифасини адо этган. Туркийшуносликда ана шундай ёдгорликлар қаторида XI асрда яратилган икки буюк обида: Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» ҳамда Махмуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк» асарлари ҳақли равишда қайд этилади.

Каримов И. Юксак маънавият – снгилмас куч. – Тошкент, Маънавият. 2008, 4-бет.
Ўша китоб. 29-30-бетлар.

Уларда олға сурилган ғоя ва мавзулар ҳамиша ўз бадий жилоси билан кишини мафтун қилади, бадий тасвирдаги ўзига хослик киши хайратини оширади, шеърий мисралар муаллифларидаги кузатувчанлик, нозик туйғулар завқ келтиради.

Айниқса, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достони ўзининг юксак бадийяти, сеҳрли жозибаси, юксак инсоний фазилатлар тараннуми билан ажралиб туради. Достон мисраларидаги чуқур мазмун, нозик шеърий жаранг, олам ва одам ҳақидаги фавқулодда нозик ва нодир кузатишлар, киши қалбини ҳаяжонга соладиган халқона оҳанглар ўз сеҳрига тортади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Қутадғу билиг» туркий халқлар оғзаки ижоди аъъаналаридан жуда пухта озикланган дастлабки йирик ёзма адабиёт намунасидир. XI асрдаги адабиёт қадимги ва янги даврлар орасидаги ўзига хос кўприк бўлиб, янгича аъъаналарнинг бошланиш нуқтаси эди. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, бу давр бадий ижодга, унинг ижтимоий-эстетик вазифаси ва аҳамиятига қарашдаги янгича тафаккур тарзининг майдонга келиши билан характерланади.

«Қутадғу билиг» туркий ёзма адабиётнинг энг йирик қадимий обидаларидандир. Бу асар – туркий халқлари ифтихори, улар маданиятининг олий кўрсаткичларидан бири. Аммо унинг аҳамия-тини фақат туркий халқлар манфаати йўлидагина белгилаш бир ёқламалик бўлур эди. Бу хилдаги асарлар бутун инсониятга, бутун жаҳонга тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг аҳамияти умумжаҳон миқёсига моликдир. Асарни бутун жаҳон олимлари ўрганаётганлиги ҳам мана шу миқёслар билан белгиланади.

Адиб билдирган фикр-мулоҳазаларнинг бошқа бирорта ижодкорга ўхшамаган бадий ифодаси, айниқса, соф туркона сўзларнинг жаранги, улар замиридаги юксак инсоний туйғулар ифодаси дилларимизга ҳузур ва ҳаловат олиб киради. Шунда беихтиёр шоирнинг бундай даражага қай тарзда эриша олгани ҳақида ўйлашга рағбат сезилади, ана шу улкан ижоднинг қонуниятлари ҳақида фикрлар уйғонади. Буларнинг барчаси бизда ушбу асар бадийяти ҳақида махсус кузатиш олиб боришга ундаб туради.

Ундаги мавзу ва ғояларнинг кенг кўлами тасодифий эмас. Юсуф Хос Ҳожиб инсонни эзгуликка чорлайди. Ҳар бир

кишининг ёмон хислат ва хусусиятлардан қутулиб, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлиши учун даъват қилади. Бунда халқ мақолларидаги мағзи тўқ фалсафага ҳам таянади. XI асрда машҳур бўлган кўплаб мақоллар Махмуд Қошғарий эътиборига тушган эди. Шулардан бири шундай жаранглайди:

“Эзгу эр сўнггуки арир. ати қалир”- яхши одамнинг сўнгаки тупрокка чириса ҳам номи абадий қолади”. Энди бу фикрни Юсуф Хос Ҳожиб асарида кўрайлик:

Киши туғди, ўлди, сўзи қолди, кўр,

Ўзи барди йанглук, ати қалди кўр.

Инсон туғилади, ўлади, кўргин, унинг сўзи қолади,

Инсон ўзи ўлади, оти (мангу) қолади, назар сол.

Аммо инсон учун ҳар қандай номнинг эмас, балки эзгу номнинг абадийлиги мос ва муносибдир:

Тирик ўлгу ахир, тўшанур ериг,

Киши олса эзгун, кўр, ати тириг.

Тирик охири ўлади, ерга тўшанади,

Киши яхшилик билан ўлса, кўргин, оти тирик қолади.

Демак, киши ўз умрининг мазмунига эътибор бериши, бу дунёда муносиб ҳаёт тарзини танлаши ва унга мос хатти-ҳаракатларни қилиши лозим.

Ҳар бир одам қилмишига яраша мукофот ёки жазо олади. Адиб бунга мисол сифатида қоя этагидаги кишининг овоз чиқарганда келадиган акс садога эътиборни тортади:

Сэни сиз тэсалар аны сиз тэгил,

Тақы анда йеграк йанут сөзлагил.

Қайа йанкусында қуды болмағыл,

Сэни сэн тэгай-ул, аны сэн тэгил.

Сени сиз десалар, уни сиз дегин,

Ундан янада яхшироқ жавоб бергин.

Қоянинг акс садосидан қуйи бўлмагин (яъни қолишмагин),

Уни сен десанг, у ҳам сени сен дейди.

Кўриниб турганидай, «Қутадғу билиг» жуда катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга. Ундаги эзгу ғоялар, юксак инсоний фази-латлар тарғиби ва тараннуми, айниқса, уларнинг ниҳоятда нодир бадийят либосида намоён бўлиши кўнгилларга завқ ва ҳузур бера-ди. Уларни ўқиб-ўрганиш, улардан баҳраманд бўлиш эса замон-дошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг юксак

маъанавиятли шахслар бўлиб камол топишларида муносиб ҳисса бўла олади.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳаёти ва ижодини жаҳон туркийшунослиги асар яратилган пайтнинг ўзиданок бошлаб юборган бўлишига қарамасдан, адабиётшунослик илми нуқтаи назаридан жиддий ўрганиш эндигина тегишли даражасига эришиб бормоқда. Аммо у билан алоқадор бўлган масалалар шу қадар кенги, туркийшунослар, шарқшунослар бунга жиддий эътибор қаратмоқлари шарт. Хусусан, ушбу асарнинг майдонга келишига омил бўлган манбалар муаммоси атрофлича тадқиқ этишга муҳтож. Бу нарса туркий адабиётнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини белгилаш учун жуда муҳим. Демак, масаланинг шундай қўйилишининг ўзиёқ унинг долзарблигини кўрсатиб туради. Бугина эмас, асарга манба бўлган омилларни ўрганиш ёзма адабиёт ва фольклор муносабатлари, адабий алоқалар, айрим образларнинг манбаи ва тараққиёти, бадий тасвир принципларининг шаклланиши ва амалиёти, ўша даврада амал қилган бадий тафаккур тарзи каби масалаларнинг реаллашувида ҳам муҳим ўрин тутди.

Маълумки, ҳар бир адиб, ҳар бир адабиёт бошқа кишилардан, жамиятдан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий жараёнлардан ажралган ҳолда, «биқиниб олиб» яшаши мумкин эмас. Туркий ёзма адабиёт вакиллариининг қайси манбалардан қай тарзда таъсирланганини, бу алоқа ва таъсирларнинг интенсивлиги даражасини кўрсатиш улар ижодидаги асосий хусусиятларни белгилаш имконини ҳам беради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, «Қутадғу билиг» туркий халқлар оғзаки ижоди анъаналари билан ижодий озиқланган дастлабки йирик ёзма адабий ёдгорликдир. Ана шу «озикланиш»нинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш ҳам энг муҳим масалалар қаторига киради. «Алоҳида бир адабиётнинг у амал қилган муайян даврдаги поэтикаси тадқиқиғина эмас, балки бутун адабий-бадий тизимнинг тараққиётини, бадий шаклларнинг бутун адабий жараёни давомидаги ворислигини ўрганиш ҳам муҳимдир» (240,31). Бу жиҳатдан ҳам «Қутадғу билиг» ўзига хос аҳамият касб этади. Зеро, XI асрдаги адабиёт қадимги ва янги даврлар орасидаги ўзига хос кўприк бўлиб, қадимги анъаналарнинг бошланиш нуқтаси эди. Бошқача қилиб

айтадиган бўлсак, бу давр бадий ижодга карашдаги янгича тафаккур тарзининг майдонга келиши билан характерланади.

Тадкикотнинг бош мақсади XI асрдаги туркий тилдаги адабиётнинг поэтик хусусиятлари, айниқса фольклор ва адабий манбаларини аниқлашдан, шу асосда ўша давр адабиётининг тараққиёт қонуниятларини белгилашдан иборат. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- «Қутадғу билиг» бадииятидаги оғзаки адабиёт билан алоқадор бўлган хусусият ва тамойилларни ўрганиш;

- ёзма адабиёт билан туркий халқлар фольклори орасидаги боғланишларни таҳлил этиш;

- асар бадииятидаги фольклорга ҳос тасвир принципларини белгилаш;

- Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлокий-маънавий, бадий-эстетик карашларига омил бўлган манбалар доирасини муайянлаштириш.

XI аср ёдгорликларини ўрганиш бўйича қилинган ишларнинг ўзи алоҳида ўрганиш объекти бўлиши мумкин. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ёдгорликларга қизиқиш шу пайтгача ҳам катта бўлган, уларни янада кенгроқ ва жиддий тарзда тадқиқ этиш ҳозир ҳам умумжаҳон туркийшунослигидаги энг долзарб масалалардан бири сифатида экун тартибида турбди.

«Қутадғу билиг»га доир илмий ишлар бир неча йўналишда олиб борилган, биз бу ўринда тарихий, ижтимоий-гуманитар, лингвистик, умумфилологик, матншунослик, шеършунослик, этнографик, педагогик ва бошқа аспектларни қайд этишимиз мумкин. Бу борада, айниқса, Г.Вамбери, М.Купрулизода, Фитрат, А.Саъдий, Р.Р.Арат, Н.И.Ильминский, В.В.Радлов, С.Е.Малов, Н.Н.Юдахин, А.Самойлович, П.М.Мелиоранский, В.В.Бартольд, Н.А.Баскаков, Е.С.Бертельс, А.Н.Кононов, А.А.Валитова, И.В.Стеблева, Н.М.Маллаев, А.П.Қаюмов, Ғ.А.Абдурахмонов, Қ.Каримов, Қ.Содиқов ва бошқаларнинг алоҳида хизматлари бор.

Айрим ишларда асарнинг туркий халқлар фольклори билан муносабатига доир қайдлар ҳам мавжудлигини эътироф этиш жоиз. Бу йўналишни дастлаб Е.С.Бертельс бошлаб берган эди¹. Кейинроқ А.А.Валитова ҳам шу мавзуда алоҳида мақола эълон

Бертельс Е. Э. К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов. Сов. Восток. IV, М.-Л.: 1947, с 73-79; Изречение Ибрахим ибн Адхама в «Қутадғу билиг». Суфизм и суфийская литература., М.: Наука, 1965.

килган¹. Қ.Каримовнинг ҳам бу борада қимматли мулоҳазалари бор². И.В.Стеблеванинг ишларида ушбу мавзунинг айрим кирраларини ёритишга ҳисса бўладиган жиҳатлар мавжуд³. Турк олимларидан М.Купрулизода, О.Мусохоили, А.Дилачар⁴ ҳам бу йўналишга доир анча жиддий ва салмоқли кузатишларини беришган.

Шунга қарамай асар поэтик хусусиятларининг асл табиати, моҳиятини тадқиқ этишга оид қўллаб муаммоларнинг ҳалигача очик турганини ҳам эътироф этишга тўғри келади. Юсуф Хос Ҳожибнинг ўзи асари ҳақидаги фахрияларида уни “Шоҳномайи туркий” деб қайд этганини мутахассислар яхши билишади. Шунга қарамай, ҳалигача асарнинг форс-тожик адабиётига муносабати борасида ҳам махсус тадқиқотлар яратилган эмас. Масаланинг бу тарзи Фитрат, Қ.Каримовлар томонидан қисман кун тартибига қўйилган эди.

«Кутадғу билиг»нинг туркий халқлар фольклорига муносабати масалалари эса монографик пландаги махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Мана шунинг ўзи тадқиқот йўналишининг янгилигини ташкил этади. Албатта, қўйилган масаланинг ечими, биз олиб борган кузатишлар ҳамда улар асосида чиқарилган хулосалар қадимги ёдгорликларимиз борасида фикрларга тегишли тарзда янгилик қўшади деб умид қиламиз.

Ишда «Кутадғу билиг»нинг бадиий қурилиши, ундаги таксир тамойилларининг туркий халқлардаги мавжуд қадимий оғзаки ижод анъаналари билан қай тарзда боғланиши, бу боғланишнинг қонуниятлари, ўзига хос хусусиятлари, қадимги туркий анъаналарнинг ХІ аср шароитида давом этиши ва намоён бўлиш хусусиятлари биринчи маротаба монографик планда ўрганилмоқда.

Валитова А.А. К вопросу о фольклорных мотивах в поэме «Кутадгу билиг». Сов. Восток. М.: 1958, № 5, с. 88-102; Отражение легенды об Александре Македонском в эпосе «Кутадгу билиг». КСИИИ. Вып. 15, М. 1964., с 40-25.

Каримов Қ. Илк бадиий достон. – Т.: Фан, 1976.

Стеблева И. В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – М.: Наука, 1976. – 215 с.: Поэтика “Кутадгу билиг”. – СТ, 1970, № 4, с. 94-100.

Dilacar A. Kutadgu Bilig incelemesi, – Ankara, Turk Dil Kurumu yaylinlari, 1972. – 208 s.

Фольклорга хос мотивлар, мифологизм ва фольклоризмларнинг асар бадииятидаги, шунингдек, оғзаки ижодга хос бўлган тасвир принципларининг ўрни ва вазифалари ёзма адабиётдаги «ишлаш тарзи» ҳам илк бор муфассал тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқотда фольклор ва қадимги ёзма адабиёт, шунингдек, қадимги даврлардаги адабий алоқалар масаласи қўйилмоқда. Бу масалаларнинг атрофлича ўрганилиши нечоғли назарий аҳамият касб этишини асослашга ҳожат йўқ. Зеро, ёзма адабиётда оғзаки ижодга хос бўлган асосий хислат ва хусусиятларнинг ўрни, улардан фойдаланиш қонуниятлари, шунингдек, уларнинг ғоявий, бадиий-эстетик вазифаларини муайянлаштириш кейинги давр адабиётларини ўрганишда назарий асос вазифасини ўташи мумкин. Шунингдек, кейинги даврлар адабиётларининг образлар тизими, тасвир принциплари, алоҳида давр ва ижодкорларга хос бўлган айрича хусусиятларни тадқиқ этишда, уларнинг манба ва тараққиётини кузатишда ҳам ушбу иш қўл келади, деб умид қиламиз.

Амалий жиҳатдан эса ушбу иш адабиёт тарихи, адабиёт ва фольклор муносабатлари, адабий алоқалар мавзуларидаги махсус курс, махсус семинар, ўқув-методик қўлланмалари, дарсликлар яратишда ҳам асқотади.

Тадқиқот учун бош объект Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридир. Қиёсий материал сифатида туркий халқлар фольклорига тегишли бўлган нашрлардан фойдаланилди. Ёзма адабиёт соҳасида эса мумтоз адабиётга алоқадор бўлган манба ва тадқиқотларга суялинди. Зеро, худди шулар тадқиқотимизнинг махсус вазифаларига мос равишда танлаб олинган ва улар биз кўзлаган мақсадга хизмат қилиши билан ажралиб туради.

Тадқиқотнинг далилловчи материаллари «Қутадғу билиг»нинг Тошкент нашридан келтирилган. Лозим ўринларда асарнинг бошқа нашрлари ҳам тадқиқотга жалб этилди.

Қиёсий материал сифатида ўзбек ва туркий халқлар (ўрни билан жаҳондаги бошқа халқлар) адабиёти ва фольклорига оид нашрлар, шу соҳага доир манба ва тадқиқотлардан фойдаланилди.

I БОБ

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ “ҚУТАДҒУ БИЛИГ” АСАРИ ТУРКИЙШУНОСЛАР БАҲСИДА

1.1. Масаланинг ўрганилиш тарихига доир

«Қутадғу билиг» туркий ёзма адабиётнинг энг йирик қадимий обидаларидандир. Бу асар – туркий халқлари ифтихори, улар маданиятини олий кўрсаткичларидан бири. Аммо унинг аҳамиятини фақат туркий халқлар манфаати йўлидагина белгилаш бир ёқламалик бўлур эди. Бу ҳилдаги асарлар бутун инсониятга, бутун жаҳонга тегишли бўлади. Шунинг учун ҳам уларнинг аҳамияти умумжаҳон миқёсига моликдир. Асарни бутун жаҳон олимлари ўрганаётганлиги ҳам мана шу миқёслар билан белгиланади.

Маълумки, асарнинг уч қўл ёзма нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг икkitаси араб, биттаси уйғур ёзувида битилган. Ушбу нусхалар Тошкент, Қоҳира ва Вена шаҳарларида сақланади. Фан оламига дастлаб танилгани Вена нусхаси бўлди. Бундай шарафли вазифани Жобер амалга оширган эди.

XIX асрда Европа олимлари орасида асарни ўрганиш йўлида энг салмоқли ишларни амалга оширган олим Герман Вамбери бўлди. Г.Вамбери эълон қилган иш¹ Юсуф Хос Ҳожиб асарини бутун Европада машхур қилди ҳамда бу асарни ўрганишнинг кенг миқёсларда давом этиши учун кучли туртки бериб юборди.

Асарни атрофлича ўрганишда турк олимларининг алоҳида ҳиссалари бор. Уларга бу соҳада йирик туркшунос олим Муҳаммад Куприлизода қарвонбошилиқ қилади. Унинг кетидан Ризо Нур, Фаҳри Фундук ўғли, Нотик Оркин, Содик Оранларнинг ишларини қайд этиш мумкин.

«Қутадғу билиг»ни Туркияда атрофлича ўрганиш машхур олим Рашид Раҳмати Арат номи билан боғлиқ. Юсуф Хос Ҳожиб ижодининг ғоят кучли билимдони бўлган бу олим қўплаб мақолалар ёзди, Ҳирот (Вена), Қоҳира ва Наманган нусхаларининг факсимал нашри, танқидий матни, таржима ва луғатини эълон қилди².

Vamberi A. Uigurisch Sprachmonumente und das Kutadgu Bilik, Innaburk, 1870

Arat R. R. Kutadgu Bilig. I. Metin. Istanbul. Turk Dil Kurumu yayini. 1947; Kutadgu Bilig. II. Tercuma. Turk Tarih Kurumu yayini. 1959; Kutadgu Bilig. III. Indeks. 1979; Kutadgu Bilig.- Islam ansiklopidisi. 6 cilt. Istanbul. Maarif Basimevi. 1955; Kutadgu Bilig. Tupki basim, I. Viena

Асар рус шаркшунослари этиборини ҳам ўзига дарҳол жалб этди. 1861 йилда Н.И.Ильминский илк марта дoston муқаддимасидан парча ва унинг таржимасини берди¹. Бу орада, айниқса, йирик туркшунос В.В.Радловнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Олим асарни ўрганиш билан чорак аср давомида деярли узлуксиз шуғулланди. Унинг энг буюк хизмати шундаки, узок ва узлуксиз иш натижаси сифатида асарнинг янги ва нисбатан мукаммал наشري юзага келди².

Академик В.В.Бартольднинг номи ҳам асар тадқиқотчилари орасида алоҳида мактеба эга. У қорахонийлар даври, ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётини чуқур ўрганиб, бунда «Қутадғу билиг»нинг ўрни ва аҳамиятини биринчилардан бўлиб кўрсатиб берди³.

Бу борада С.Е.Малов⁴ фаолияти ҳам ибратлидир. Олим асарнинг турли нашр ва қўл ёзмаларини, айниқса, Наманган нусхасини пухта ўрганиш асосида олимларнинг асар матни юзасидан йўл қўйган катор камчиликларини тузатади. «Қутадғу билиг»нинг айрим қисмларини чоп эттирди, асарни транскрипция қилишда тамомила янгича йўл тутди ва бу соҳада жиддий ютуқларга эришди.

Асарни ўрганишда П.М.Мелиоранский, А.Самойлович, К.К.Юдахин, Н.А.Баскаков, С.Э.Бертельслар, А.Н.Кононовларнинг ҳам хизмати катта⁵¹. Улар асар матнини

nushasi. Istanbul. 1942; Kutadgu Bilig. Tupki basim, II. Fergana nushasi, Istanbul 1943; Arat R. R. Kutadgu Bilig. Tupki basim, III. Misir Nusbasi, Istanbul, 1943.

Ильминский А.И. Вступительное чтение в курс турецко-татарского языка с приложениями. – Ученые записки Казанского ун-та, за 1861. – Казань, 1962, с. 24-31.

Радлов В.В. Кутадгу билиг. Факсимила уйгурской рукописи императорской и королевской придворной библиотеки в Вене. Спб., 1990, – 220 с.; Из Сибири. Страницы дневника. – М.: Наука. 1989, – 749 с.; Радлов В.В. Турфанские тексты в лингвистическом отношении. ЗВРАО, 1911-12, т XX1., с. 15-17. Асарнинг ўрганилиши ҳақида тулиқроқ маълумот учун яна қарагил: Насилов Д.М. В.В.Радлов и изучение древнеуйгурских памятников. В кн.Тюркологический сборник 1971, Памяти акад. В.В.Радлова. – М.: Наука, 1972, – 101-104.

Бартольд В.В. Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг». Соч., т V, М., Наука, 1963; Очерк истории Семиречья. Соч., т I, М.: Наука, 1963, с. 40-47.

Малов С.Е. Из третьей рукописи «Кутадгу билиг». – Изв.АН СССР, отд. гум. наук. 1929, № 9, с. 754-754.; Мир Али Шир Навоий в истории турецких литератур и языков Средней и Центральной Азии. – Известия АНСССР. Олия. 1947, вып. 6 № 6, с. 475-480; Образцы древнетюркской письменности с предисловием и словарем. – Ташкент, 1926, – 84 с.; Кутадгу билиг. Факсимиле. – СВ, V, 1948, с. 327-328; Язык желтых уйгуров. Тексты и переводы. – М.: Наука, 1967, – 219 с.

Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. М.: Высшая школа. 1962; Роль уйгуро-карлукского литературного языка-Карахандиского государства в развитии

тўғри ўқиш, транскрипция ва тавсиф қилиш принциплари, ҳамда туркий тиллар ва туркий адабиёт тараққиётини ўрганиш борасидаги аҳамияти тўғрисида қимматли фикрлар билдиришган.

Асарни тарихий-фалсафий, филологик жиҳатдан ўрганишда О.А.Валитованинг алоҳида хизматлари бор. Олима биринчилардан бўлиб бу асарнинг тарихий-адабий манба сифатидаги аҳамиятини кўрсатиб, шу йўналишдаги ишларни бошлаб берди.

Ҳозирги замон фани ютуқлари асосида асарни илмий ўрганиш ва баҳолаш И.В.Стебелева номи билан боғланади. Асар вазни, қофияси ва бадий хусусиятларига доир олиманинг кузатишлари ўзининг чуқур илмийлиги, далилларга бойлиги, хулосаларининг чуқур мантиққа асосланиши билан диққатга сазовор².

литературных языков средневековья. Сов. Тюрк., 1970, № 4 с 13-19; Бертельс Е. Э. К вопросу о традиции в героическом эпосе тюркских народов. Сов. Восток. IV, М.-Л.: 1947, с 73-79. Изречение Ибрахим ибн Адхама в «Кутадгу билиг». Суфизм и суфийская литература., М.: Наука, 1965: Подготовка к изданию наманганской рукописи «Кутадгу билиг». – Литературная газета. 1945 10 марта: Роман об Александре. М.: Наука, 1948; «Хабат ал-хакайик» Ахмад Югнаки. Труды САГУ новач серия, вып.3 кн. 1., Самарканд. 1945, с 16; Кононов А.А. Слово о Юсуфе из Баласагуна и его поэме «Кутадгу билиг». – СТ, 1970, № 4, с. 3-12; Поэма Юсуфа Баласагунского «Благодатное знание», в кн.: Юсуф Баласагунский. Благодатное знание., издание подготовил С.Н. Иванов., – М.: Наука., 1983, с 495-517; Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках. Тюркологических сборник, 1975, – М.: Наука, 1978, с 156-179.

Валитова А.А. К вопросу о фольклорных мотивах в поэме «Кутадгу билиг». Сов. Восток. М.: 1958. № 5, с. 88-102; Типология восточной поэмы (проблемы развития жанра в процессе взаимосвязей тюркоязычных литератур).- Сов. Тюрк., 1973, № 4, с 31-32; К вопросу о классовой природе Караханийского государства. Труды Киргизского филиала АН СССР., вып.1., Фрунзе. 1942., с. 127-136; Валитова А.А. К вопросу о мировоззрении Юсуфа Баласагунского политические поучения среднеазиатского мыслителя XI века. КСИНА, вып., 71., М.: 1964, с. 99-125; К изданию критического текста и перевода «Кутадгу билиг». КСИНА., т. ХУП, М.: 1961, с. 77-88; О некоторых поэтических особенностях «Кутадгу билиг». М. Восточная литература, 1960. с. 12; О некоторых терминах «Кутадгу билиг». КСИНВ, вып. 1963. М. 1962., с. 111-123; Отражение легенды об Александре Македонском нищем шах-заде в «Кутадгу билиг». КСИНА. Вып. 15., М. 1964., с 40-25; Этнонимы в тюркоязычной памятнике XI века, «Кутадгу билиг» М., Наука., 1964, 12 с; Юсуф Баласагунский и его «Кутадгу билиг». КСИВ АН СССР. 1952, №4., с. 56-63.

Стебелева И. В. Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. - Тюркологический сборник. К 60-летию Н. А.Кононова. – М.: Наука, 1966. с. 246 -254; К вопросу о происхождении жанра туюг.- Тюркологический сборник 1970. – М.: Наука, 1970, с. 135-137; О проникновении арабо-персидских метров в тюркоязычную поэзию. - В кн.: Проблемы литературы и эстетики в странах Востока. – М. : Наука, 1964; Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. – М.: Наука, 1976. – 215 с; Поэтика "Кутадгу билиг".- СТ, 1970, № 4, с. 94-100; Развитие тюркских

«Кутадғу билиг»ни бевосита Ўзбекистоннинг ўзида ўрганиш, унинг учинчи – Наманган (Тошкент) нухасини топилиши билан бошланиб кетди. Бу ҳақда дастлаб 1923 йилда «Туркистон» газетаси хабар берди, сўнг Фитрат, А.Саъдий мақолалари босилди¹. Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари»да асарнинг шу хусусидан парчалар тегишли изоҳлар билан берилди.

Асарни ўрганиш ва уни тарғиб қилишда А.П.Қаюмов, Ғ.А.Абдурахмонов, Н.М.Маллаев каби олимларимизнинг ҳам тегишли ҳиссалари бор. Ўзбекистондаги «Кутадғу билиг»шуносликнинг янги йўналиши Қаюм Каримов номи билан алоқадор. Олим узоқ йиллар дпвомида асар устида жиддий илмий тадқиқотларни олиб борди. У кўплаб мақолалар эълон қилди. «Кутадғу билиг»да келишικ категорияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёзди. Иттифоқимизда биринчи марта асарнинг транскрипция ва ҳозирги замон ўзбек адабий тилига тавсифини эълон қилди. Асарнинг шарҳли нашрини амалга оширди².

Муҳими, олим асарни ўзбек халқига яқиндан таништириш учун ундаги асосий бадий-эстетик ғояларни оммалаштиришга ҳам эътибор берди. Унинг “Илк бадий дoston” дейилган китоби ана шу вазифани адо этди. Китобнинг битта бўлими “Кутадғу билиг” ва халқ оғзаки ижоди” деб номланган³. Олим муаллифнинг “ирсол ул-масал” санъатига айрича урғу берганлигини жуда ўринли таъкидлаган. Ҳозирги пайтда асарни лингвистик жиҳатдан ўрганиш билан Қ.Содиқов жиддий

поэтических форм в XI веке. – М.: Наука. 1963. – 100 с; Рифма в тюркоязычной поэзии XI века. – Советская тюркология, 1970, № 1, с. 93-99.

Фитрат. Кутадғу билиг. – Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000. 11-17-бетлар; Энг эски турк адабиёти намуналари. – Абдурауф Фитрат танланган асарлар. IV жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2006. 11-17-бетлар.

Каримов Қ. «Кутадғу билиг»нинг тузилиши ва вазни. – Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Т.: Фан. 1961. 152-164-б; «Кутадғу билиг»нинг топилиши ва ўрганилиши. Тарихидан. Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари. 2-китоб. – Т.: Фан. 1961. 109-116-бетлар; Юсуф Ҳос Ҳожиб ва «Шокнома». – Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1965, 8-сон. 62-бет; Каримов Қ. Некоторые вопросы композиции, метра и жанра «Кутадғу билиг». – СТ. 1973 № 2. с. 100-104; Юсуф Ҳос Ҳожиб. Кутадғу билиг (Саодатга йўлловчи билим), транскрипция ва ҳозирги узбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Т.: Фан. 1971.

Каримов Қ. Илк бадий дoston, – Тошкент, Фан. 1976. 135-143-бетлар.

шуғулланмоқда¹. Айниқса, унинг уйғур нусхаси борасидаги тадқиқотлари эҳтиромга сазовор.

Асарнинг 900 йиллиги муносабати билан «Советская тюркология» ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналларининг махсус сонлари чиққанлиги ҳам муҳим воқеа бўлди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Юсуф Хос Ҳожиб асари яратилганининг бу қутлуг санаси Ўзбекистонда кенг тантана қилинди, Фарғонада туркшуносларнинг IV конференцияси «Қутадғу билиг»га бағишланди.

Асарнинг 920 йиллиги ҳам Ўзбекистонда – Тошкент шаҳрида қайд этилди. Бу анжуман ташаббускори Ўзбекистон ФАнинг собиқ Ҳ.С.Сулаймонов номли Қўлёзмалар институти бўлган эди. Унда А.Л.Қаюмов, И.В.Стеблева, Қ.Каримов, Қ.Муниров, Қ.Содиқов, Б.Тўхлиев сингари олимлар асарнинг қўлёзма нусхалари, наشري, асар тилининг фонетик, морфологик, лексик хусусиятлари, унинг поэтикаси, шунингдек, уни ҳар томонлама ўрганишнинг илмий-маърифий аҳамияти ҳақида маъруза қилдилар. Асарнинг 940 йиллиги муносабати билан Тошкент давлат Шарқшунослик институтида Илмий анжуман бўлиб ўтди. Унинг натижалари алоҳида тўплам ҳолди нашр этилган.

Ҳозирги пайтда Юсуф Хос Ҳожиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш мактаб ва олий ўқув юртлари дастур ва дарсликларига кириб борганини ҳам таъкидламоқ керак. Айниқса, ЎзФА Тил ва адабиёт институти тайёрлаган беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг биринчи томида Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билиг» асарига махсус ўрин берилгани муҳим воқеа бўлди.

Содиқов Қ. Туркий матнавислиқ тарихидан. - А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отаҳўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. - Тошкент, Ўзвучи, 2000. - 230 бет; Эски уйғур ёзуви. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1989; «Қутадғу билиг»нинг тил хусусиятлари. Ўлмас обидалар Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар - Тошкент, Фан, 1989, 229-306-бетлар; «Қутадғу билиг» текстларида фонетик параллелизмлар. Адабий манбашунослик, Тошкент, 1987, 69-70; Қадимги туркий ёзувлар. - Тошкент, 1995; Қадимги туркий халқларнинг диний-фалсафий қарашлари, - Тошкент, 2004; (Қ.Омонов билан ҳамкорликда) Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан; «Қутадғу билиг»нинг уйғур ёзуви қўлёзмаси ва асар вариантчилиги масаласи // Адабий мерос: Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар. Илмий асарлар тўплами. - Тошкент, 1998. - № 1-2. - Б. 29-34. Туркий ҳужжатчилигимиз асослари // Жамият ва бошқарув. - Т., 1998, № 3. - Б. 30-32.;

Қаранг: «Қутадғу билиг» - буюк маънавий мерос. - Тошкент, 2010.

2009-2011 йиллар давомида асарнинг янгидан тайёрланган матни ва рус тилига таржимаси амалга оширилди. Уни академиклар А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, филология фанлари докторлари, профессорлар Ҳ.Дадабоев ва Б.Тўхлиевлар амалга оширишди¹.

Кейинги пайтларда бу асарни филологик жиҳатдан ўрганишда Ҳ.Абдуллаев², Қ.Омонов³, З.Содиқов⁴, Қ.Сидиқов⁵, педагогик жиҳатдан ўрганишда эса А.К.Ахметова⁶, Б.Абдурахмоновларнинг⁷ тадқиқотларини эътироф этиш лозим.

Асарни ўрганишда Б.Тўхлиевнинг ҳам тегишли ҳиссаси бор. У «Қутадғу билиг»нинг поэтик масалалари» мавзусида ном.одлик ва «Қутадғу билиг» ва туркий халқлар фольклори» мавзусида докторлик диссертацияларини тайёрлади, шу асосда бири неча китоблар⁸ эълон қилди, асарнинг лугатини тузди⁹,

Yusuf Has Hacıb. Qutag'u Bilig. Mas'ul muharrir A.Rustamov, nashrga tayyorlovchi G'.Abdurahmonov. A.Rustamov, B.To'xliyev, H.Dadaboyev- 1 jild. T.: O'zbekiston Milliy Kutubxonasi nashriyoti. 2010 ? II-V jildlar? T.; 2011.

Абдуллаев Ҳ. Д. Халқ мақолларининг «Қутадғу билиг» поэтикасидаги ўрни ва бадиий – эстетик функциялари, – Тошкент, 2008. Юсуф Хос Ҳожибнинг мақоллардан фойдаланиш санъати. – // Мақолалар тўплами. Низомий номидаги ТДПУ 2006: «Қутадғу билиг»те нақыл-мақаллар менен афоризмлардин өз-ара байланыс.- // Эмиўдарья 2007 жыл 2-сан; Аналогик таъкинда мақол ретроспекцияси («Қутадғу билиг» мисолида). – // Ўзбек тили адабиёти журнали. 2007 йил 2-сон

Омонов Қ.

Содиқов З. “Қутадғу билиг” таржималарининг киёсий-типологик таҳлили. – Т.: Фан, 2007. – 171 б.. “Қутадғу билиг”нинг янги таржимаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2007. 6 апрель – № 14 (3894). (Қ.Сидиқов билан бирга); Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари: Филол. фанлари номзоди дисс... – Т., 1994. – 134 б.;

Сидиқов Қ., Сидиқов Қ.А. “Қутадғу билиг” тўртликларининг инглизча бадиий таржима хусусиятлари. Филология фанлари номзоди дисс... автореф. Тошкент. 2010.

Ахметова А.К. А.К. Педагогические взгляды Юсуфа Хас Хаджиба Баласагунского (по поэме “Қутадғу билиг”). Авт. дисс. канд. пед. наук. Ташкент: 1990.

Абдурахмонова Б. Таълим босқичларида “Қутадғу билиг”ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари. Педагог. фанлари номзоди дисс...автореф. – Тошкент: 2007..

Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг “Қутадғу билиг”асари. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1991. – 64 б; Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг “Қутадғу билиг”асари. – Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig. To'rtliklar. Nashrga tayyorlovchilar B.Tuxliyev, Q.Sidiqov, S.Ibotov. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2010. – 128 б; М.Исҳоков, Н.Рахмонов. Б.Тўхлиев., Қ.Содиқов Ўлмас обидалар – Т..Фан.1989.

Қадимги туркий тил лугати. – // Тил ва адабиёт таълими, 2000 йил, 1-сон; Қадимги туркий тил лугати – // Тил ва адабиёт таълими, 2000 йил, 2-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими, 2000 йил, 4-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими, 2000 йил, 5-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими. 2000 йил, 1-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими, 2000 йил, 2-сон

Қадимги туркий тил лугати – // Тил ва адабиёт таълими, 2002 йил, 3-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими, 2002 йил, 4-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими, 2002 йил, 5-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими. 2003 йил, 1-сон; Қадимги туркий тил лугати– // Тил ва адабиёт таълими. 2003 йил, 2-сон; Қадимги

унинг ўзбек тилидаги табдилини амалга оширди¹ ва оммавий нашрини тайёрлади². “Қутадғу билиг”нинг моҳияти, бадиий-эстетик хусусиятларига доир қатор мақолаларини эълон қилди³.

туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2004 йил, 3-сон; Қадимги туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2004 йил, 4-сон; Қадимги туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2004 йил, 5-сон; Қадимги туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2004 йил, 6-сон; Қадимги туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2005 йил, 3-сон; Қадимги туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2005 йил, 5-сон; Қадимги туркий тил луғати— // Тил ва адабиёт таълими, 2005 йил, 6-сон.

«Қутадғу билиг» таржимасидан,— // Адабий мерос 1985 й № 2; «Қутадғу билиг» таржимасидан,— // Адабий мерос 1985 й № 4; «Қутадғу билиг» таржимасидан,— // Адабий мерос 1986 й № 1.

Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (“Соадатга бошловчи билим”). Ҳозирги ўзбек тилида баён қилувчи ва сўз боши муаллифи Б. Тўхлиев, — Тошкент, Юлдузча, 1990, — 192 б;

Тухлиев Б. Адабиётдаги бир тасвир принципи.— // Адабий мерос 1988 й № 4; Адолат - давлат таянчи. — // Жамият ва бошқарув. 1998 йил, 3-сон; Билим — эзулик йўли. — Тошкент, Фан, 1990, — 56 б; Зулматдан зигма.— // Шарқ юлдузи 1988 й № 10

Ирсол ул- масал.— // Адабий манбашунослик. 1987; Истиора ва унинг «Қутадғу билиг»даги роли.— // Адабий мерос 1982 й №22 4- бет; Комил инсон — фаол инсон. — // Совет мактаби 1988 й № 4; Краткий обзор изданий о древнейшем письменном памятнике.— // Библиотеки Узбекистана вып 11.1982 с 129-140; Мадавий мерос ва миллий мафкура — Миллий истиклол мафкуриси ва унинг таълим тарбиядаги ўрни.— // Республика илмий-амалий анжуманининг тезислари. II қисм, Самарканд, 1995, 30-31-бетлар; Маънавият инжулари. — // Маърифат. 1998 йил, 28-январь; Мен ёввойи сўзларни тутдим. «Камалак» адабий — танқидий йиллик тўплам. — Тошкент, “Ёш гвардия”. 1989, 57-73- бетлар;

Оламшумул ёдгорлик. — // Ўзбек адабиёти ва санъати 1989; Одобнинг боши тил. — // Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти. № 1 1991, 16-18-бетлар; Оз сўз олтин. — // Мактабда ўзбек, рус тиллари ва адабиёти. № 2 1991, 12-15-бетлар; Сўзнинг ўрни сир. — // Шарқ юлдузи, 1988, № 10, 190-192 бет; Тафаккур гавҳарлари. — // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 30.01. 1998; Туркий аруз. — // Тил ва адабиёт таълими, 1998, № 3; Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ва туркий халқлар адабиёти. — // Маънавиятнинг ҳаётбахш қудрати. Тошкент, Меҳнат, 1999, 52-59; Туркларнинг илк мутасаввуф шоири.— // Жаҳон мулкининг нигоҳбони. (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли, тарикатиға оид тезис ва мақолалар). Бухоро.1993 й 74-75 б; Уқиб сўзла сўзни. — // Тил ва адабиёт таълими, 1991, № 1; Фольклорные основы «Кутадгу билиг» Юсуф Хас Хаджиба — Тюркология -88. Тезисы докладов и Сообщений У Всесоюзной тюркологической конференции 7-9- сентября 1988. — Фрунзе, 1988; Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлокий ўғитлари.—// Шарқ-нинг улуг мутафак-кирлари меросида таълим-тарбия масалалари. — //Илмий анжуман материаллари. Тошкент 1993, 15-18 бб; Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ва турк халқларининг фольклори (Тонг сахар мотиви талқинига доир). — // Dil gergisi. Language Journal, Say 19, Mayis 1994. Istanbul, Turkoloji, 63-71-бетлар; Юсуф Хос Ҳожиб фалсафаси. — // Мулоқот. 1994 й. № 2; Юсуф Хос Ҳожиб, Ўзбек педагогикаси тарихи. Тошкент, Ўқитувчи, 1997, 60-70-бетлар; Қадимий назм ва наср ҳақида маълумот. — // Мактабда она тили ва адабиёт ўқитиш. Тошкент, 1999; «Қутадғу билиг». — // Гулистон 1981 й № 4; «Қутадғу билиг» ва туркий адабиётдаги айрим жанрлар генезисига доир. — // Адабий мерос 1982 й № 21 5 бет; “Қутадғу билиг” ва фольклор. — ЎТА. 1988, 4- сон, 51-54- бетлар; «Қутадғу билиг» да нидо.— // Адабий мерос, 1984, № 32; «Қутадғу билиг» да табиат тасвири. — // Адабий мерос 1983 й № 27, 4-бет; «Қутадғу билиг»да ташбих. // Ўзбек тили ва адабиёти 1980 й. № 3;. «Қутадғу билиг» да таъдид.— // Адабий мерос 1981 й № 4 7 бет; «Қутадғу билиг»да туш тасвири. — // Адабий мерос. 1992 й, № 4; «Қутадғу билиг»да туртки ва қадимий халқлар. — // Адабий

4-7724/17
4

Nizomiy nom!
T D P U
kutubxonasi

Кўриниб турибдики, асарни ўрганиш борасида ниҳоятда улкан ва муҳим ишлар амалга оширилган. Мана шу ишлар туфайли эндиликда «Қутадғу билиг»нинг пайдо бўлишидаги манба ва маншалар масаласини кун тартибига қўйиш имконияти ва эҳтиёжи юзага келди. Аммо бу ниҳоятда оғир ва қийин вазифадир. Зеро, XI асрдаги туркий адабиёт, жумладан, «Қутадғу билиг» ҳам ниҳоятда мураккаб тарихий, иқтисодий-сиёсий ва маданий шароитда юзага келди. Бу даврда туркий халқларнинг қадим ишонч-этиқодлари ҳам, қадимги туркий битикларга хос бўлган анъаналар ҳам, шунингдек, форс-тожик адабиётлари таъсирида кириб келган ислом маданияти ҳам ўзаро кесишиб кетган, бунинг устига оғзаки ижод анъаналарининг нуфузи ҳам кучли эди. Худди шунга кўра ҳам, асарда бир неча хил анъаналарнинг, гоҳ кучли, гоҳ сезилар-сезилмас излари кўзга ташланиб туради.

Буни С.Г.Кляшторний жуда ихчам ва тўғри таъкидлаган эди: «Қутадғу билиг»да бир қанча адабий анъаналар чаптишиб кетган. Достон бандларида гоҳ қадимги туркий марсияларнинг ҳаяжонли садолари янграйди, гоҳ форсий «панднома»ларга хос дидактика эшитилади, гоҳ саҳро қўшиқларининг акс-садоси кулоққа чалинади, гоҳ сўфийларнинг мистик символикаси сезилади»¹. Аммо уларнинг ўзаро мутаносиблиги, ҳар бирининг салмоғи ва мавқеи, бу анъаналарнинг туркий адабиёт анъаналари билан ўзаро қай даражада яхлитлашганлигини белгилаш учун махсус изланишлар тақозо этилади. Худди шу нуқталарнинг муҳимлиги ҳам бизни ушбу ишга кириш учун ундаб турди. Шу пайтгача қилинган ишларда ушбу аспектнинг айрим қирраларига эътибор тортилганини ҳам айтиб ўтмоқ керак. Жумладан, Е.Э.Бертельс асардаги оғзаки ижод элементлари ҳақида дастлабки мулоҳазаларини билдирган бўлса, О. А. Валитова «Қутадғу билиг»даги фольклор мотивлари масаласига доир»

мерос 1981 й №19; «Қутадғу билиг»да қофия.— // Адабий мерос. 1981 й № 17; «Қутадғу билиг»да қофия. — // Ўзбек тили ва адабиёти 1981 й № 4; «Қутадғу билиг» нинг вазни масаласига доир.— //Адабий мерос 1984 й № 30; «Қутадғу билиг») нашрлари ҳақида. — // Ўзбекистон кутубхоналари, № 12 Т. 1982; “Қутадғу билиг”нинг поэтикаси масалалари. М. Исмоков, Н. Раҳмонов, Қ. Содиков. Б.Тўхлиев. Ўлмас обидалар (Ўзбекистон халқларининг қадимги ёзма ёдгорликлари бўйича тадқиқотлар). —Тошкент, “Фан”, 1989. 307- 441- бетлар; «Қутадғу билиг» туркий ёзма адабиёт отаси.— // Гулистон 1991 № 7-8. 12-13 бет...

Кляшторный С.Г. Эпоха «Қутадғу билиг». — С.Т. 1970, № 4, с 82-86.

номли маколани эълон қилган эди. И. В. Стеблева тадқиқотларида эса қадимги туркий адабиётга хос бўлган айрим поэтик хусусиятларнинг «Қутадғу билиг»да намоён бўлиш шакллари тўғрисида фикрлар бор. «Қутадғу билиг»даги айрим образлар моҳияти ва уларнинг асар бадииятида тугган ўрни ҳақида Х.Мирҳайдаров ҳам айрим мулоҳазалар билдирган¹. Кўриниб турибдики, асардаги исломгача бўлган маданият билан боғлиқ архаик поэтик қатлам деярли кун тартибига кўйилган эмас. Бу масала эса ҳозирги замон илми нуқтаи назаридан жиддий ўрганилмоғи шарт.

«Қутадғу билиг»да кўп асрлик анъаналарга эга бўлган йирик бир адабиётнинг энг муҳим ҳислатлари яхлит ҳолда намоён бўлади. Табиийки, бундай ҳолнинг тасодиф бўлиши мумкин эмас. Зеро, Юсуф Хос Ҳожибдан олдин яшаб ижод этган кўплаб адиблар, улар яратган талай асарлар юзага келган бўлиши керак.

«Қутадғу билиг»дан олдинги даврларда яратилган турли жанрлардаги улкан адабиётнинг алоҳида қисмлари ҳам етиб келганки, буларнинг бир қисми ёзма адабиётнинг ўзи билан алоқадор бўлса, яна бир қисми кўпроқ оғзаки ижод намуналари билан боғлиқ. Ҳар ҳолда V-VIII асрларга оид бўлган Ўрхун-Энасой битиктошлари, «Ирқ битиги», Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғот ит-турк»ига кирган ҳамда ўз яратилиш даврига кўра фақат XI асрга эмас, балки ундан бир неча асрлар қадимга бориб туташидиган бадиий парчалар шу улкан анъана маҳсули эканлиги аниқ. Буларнинг ёнига жуда катта мавқе тугган таржима адабиётини ҳам киритмоқ керак. Айниқса, «Хуастанифт», «Олтин ёрук», «Абитаки», «Майтри Смит» каби асарларини эслаш ўринли бўлади.

1.2. Адабиёт ва фольклор муаммосига умумий бир назар

«Қутадғу билиг» ва туркий халқлар оғзаки ижоди» мавзусини ёритишдан олдин умуман фольклор ва адабиёт масаласи устида тўхташ жоиз. Зеро, ўзбек адабиётшунослигида бу масалани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўрганишга алоҳида қизиқиш қаратиляпти, бу қизиқишнинг тобора ортиб бораётганини ҳам таъкидлаш керак. Умумадабиётшунослиқда адабиёт ва фольклор мавзусининг назарий ва амалий

Мирҳайдаров Х. Поэтик образ генезисига доир. – ЎТА, 1975, № 4, 50-53-бетлар.

жиҳатларини тадқиқ этиш анча катта тарихга эга ва бу борада бой тажриба тўпланган¹.

Ўзбек замонавий адабиёти мисолида бу масала кўндан бери ўрганилиб келяпти. Айниқса, Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин ижодлари билан боғлиқ ҳолда бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Ўзбек мумтоз адабиёти билан алоқадор кузатишларда ҳам бу йўналиш кўзга ташланади. Хусусан, Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ иккита докторлик диссертациясини қайд этмоқ лозим. Уларнинг биттасида умуман Навоий ижоджининг фольклорга муносабити кўрсатиб берилган бўлса, биттасида фақат Навоийнинг лирик мероси билан фольклор муносабатлари тадқиқ этилган. Уларнинг биринчиси йирик адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маллаевга, кейингиси таниқли олим М.Ҳақимовга тегишли².

Базанов В. От фольклора к народной книге. — Л.: Наука, 1973. — 229 с; Веселовский А.Н. Историческая поэтика. — М.: Художественная литература. 1940; Госман Х. Шигър тозешле. Кэзан, Татарстан китаб нашриёти, 1975; Далгат У.Б. Литература и фольклор. Теоретические аспекты. — М.: Наука, 1981; Корогли Х. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. — М.: Наука, 1983; Кравцов Н.И. Русская проза второй половины XIX века и народное творчество. — М.: Наука, 1972; Кричинная Н.А. Русская народная историческая проза. Вопросы генезиса и структуры. — М.: Наука, 1989; Лихачев Д.С. Поэтика древнерусской литературы. — М.: Наука, изд. 3-е, 1979; Петров В.Т. Взаимодействие традиций в младописьменных литературах. Национальный фольклор и русская классика. Новосибирск, Наука, Сибирское отделение. 1987; Путилов Б.М. О некоторых проблемах фольклоризма ... литературы. — Вопросы ... литературы. — М.-Л.: 1956; Фрезер Дж.Дж. Фольклор в Ветхом завете: Пер. с англ. — 2-е изд., испр., М.: Политиздат, 1990.

Аскаров С.А. Абдулла Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари. ЎТА, 1973, № 1, 19-22-бетлар; Ауэзов М. Мысли разных лет, Алма-Ата. 1962. — 220 с; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. — Т.: Фан, 1974; Жирмуевский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. — М.: ОГИЗ, 1947; Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Мирзаев Т. Ёзма адабиётнинг ўзбек халқ дostonчилиги ижодига таъсири. Взаимодействия литературы и фольклора..., Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётда фольклор аъёналари. — Т.: Истиқлол, 2005; Раззаков Х., Т.Мирзаев, Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. — Тошкент, «Ўқитувчи», 1980; Рустамов Э. Народные элементы в узбекской поэзии первой половины XV века. — Звезда востока, 1957, № 4; Рустамов Э. Узбекская поэзия первой половине XV века. — М.: Наука, 1963; Саримсаков Б. О типологии фольклоризмов.: Фольклор, литература и история Востока Материалы III тюркологической конференции. — Ташкент, Фан, 1984, с. 270-272; Саримсаков Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир. — ЎТА, 1980, № 4, 37-45-бетлар; Собиров О. Ойбек ижодида фольклор мотиви ва образлари. — Взаимодействие литературы и фольклора. .; Собиров О. Сарчашма адиб ижодида. — Т.: Фан, 1975; Яшин ва халқ ижоди. — Тошкент, Фан, 1971; Ҳақимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди, Тошкент, : Фан, 1979.

Айрим ижодкорларнинг, хусусан, мумтоз адабиётимиз намо-яндаларининг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотларда ҳам фольклор ва адабиёт мавзусига доир қизиқарли кузатишлар кўзга ташланади.

Шуни айтиш лозимки, адабиёт ва фольклор баҳсига бағишланган кўплаб мақола, китобларда, ҳатто айрим диссертацияларда ҳам ягона қолипга тушадиган фикрлар, юзаки қайдлар устунлик қилади. Ҳатто «халқ мақолларидан усталик билан фойдаланди», «халқнинг таъбир, кўчим ва қочирмаларини қўллайди» типдаги қайдлар кўплаб илмий ишларда тақорорланишини кузатиш қийин эмас.

Ёзма адабиёт ва фольклор муносабатларини ўрганиш ҳозирги адабиётшунослик фани олдидаги жиддий муаммолардан биридир. Маълум бир халқ адабиётининг тарихий тараққиёт босқичларини муайянлаштиришда унинг фольклорга муносабати масаласини четлаб ўтиш мазкур масаланинг тўлақонли ва объектив ҳал этилишига монелик қилади. Адабиёт тарихининг қадим давлари ҳақида гап боргудек бўлса, бу масаланинг тарихий ҳам умумфилологик аҳамияти янада равшанлашади. Зеро, «сўз санъатининг бошланиши фольклордadir» (М.Горький).

Б.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар шундай ёзишган эди: «Халқ оғзаки ижоди қаторида ёзма адабиётнинг олий мумтоз намуналарини яратган маданий халқларнинг барчасида фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири – одатдаги ҳодиса. Бу ўзаро таъсир ҳар икки йўналишда ҳам намоён бўлади: мумтоз ёзма адабиёт ўзининг ҳақиқий кўтарилиш давларида халқ санъатидан чегараланмайди ҳамда халқ оғзаки ижоди анъаналаридан илҳомланади; ўз навбатида халқ адабиёти тараққиётининг муайян босқичида мумтоз адабиёт таъсирлари билан бойийди»¹.

Ўзбек адабиётшунослиги ёзма адабиёт ва фольклор муносабатларини ўрганишда тажрибасиз бўлмаса-да, энг қадимги давлардан XIII асргача бўлган адиблар ижодининг фольклор билан алоқаси бобида мустақил ва жиддий ишлар қилингани маълум эмас. Бу борада “Миф ва ёзма адабиёт” муаммосини

Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ, 1947. с. 140-142.

кўтариб чиққан биргина проф. М.Жўраев ишни кўрсатиш мумкин, холос¹.

Мазкур ҳолат туркий халқлар ёзма адабиётининг XI асрдаги йирик ёзма обидаси «Қутадғу билиг» билан фольклор муносабатларини кўриб чиқишга ундаб туради.

Асримиз бошларидаёқ академик В. В. Бартольд: «Қутадғу билиг»нинг услуб ва баён тарзига кўра туркий анъаналар билан қанчалик алоқадорлиги масаласи қолиб келмоқда», деб ёзганди.

X-XI асрлар туркий халқларнинг этник тафовутланиши (дифференциацияси) билан характерланади. Шунга кўра улардаги адабиёт ва фольклор муносабати конкрет бир халққа (Ўзбек, қозоқ, туркман, озарбайжон...) хос бўлган бадиият дурдоналарининг ўзинигина муқоясаси билан чегараланиш мумкинлигини инкор этмайди. Аммо «Қутадғу билиг» даврида этник тафовутланиш кучаяётган бўлса-да, туркий халқлар оиласига мансуб алоҳида халқларга хос этник, тил, дунёқараш ва бошқа умумийликлар ажралиб улгурмаган эди.

Шунинг учун ҳам «Қутадғу билиг»ни фольклор билан қиёслаганда уни Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқлари фольклори билангина эмас, балки бошқа ҳудудлардаги туркий халқлар фольклори билан ҳам чоғиштириш қутилган самарани бериши мумкин.

Жаҳон адабиёти тарихида шундай қонуният мавжуд. Адабиёт ва санъат асарларининг яратилиш даври қанчалик қадим бўлса, уларнинг халқ оғзаки ижоди ва этнографияси билан алоқадорлиги ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бунини грузин адабиётидаги «Йўлбарс терисини ёпинган пахлавон», форс-тожик адабиётидаги «Шоҳнома», рус адабиётидаги «Игорь жангномаси», ўзбек адабиётидаги «Хамса» ва бошқа кўплаб асарлар мисолида кўришимиз мумкин.

Туркий адабиётда эса халқ оғзаки ижодининг сўнмас булоқларидан баҳраманд бўлган ана шундай асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» достонидир. Ўз замонасининг деярли барча билим соҳаларидан хабардор бўлган Юсуф Хос Ҳожиб ижоди ўзи замондош бўлган адабий асарлардаги энг яхши анъаналарни ўзлаштиргани ҳолда ўзигача бўлган даврдаги поэтик услубига кўра мукамал, бениҳоят бой ва хилма-хил оғзаки

Жўраев М. Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

ижоднинг теран томирлари билан жуда мустаҳкам боғланиб кетган.

Фольклордан илҳомланиш, ундан ижодий фойдаланиш ва унга тақлид орасидаги жиддий фарқлар яхши маълум. Аммо уларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва баҳолаш зарурати ҳам йўқ эмас. Фольклор асарларидан ёзма адабиёт вакиллари турли мақсадларда фойдаланиши мумкин. Бунда ёзувчи (адиб)нинг дунёкараши, ижодий мақсади, умумий савияси ва бадиий маҳорати ҳам муҳим ўрин тутиши табиий. Бунинг устига муайян бир асар яратилган (ёки муаллиф яшаб ижод этган) аниқ тарихий даврнинг ҳам муҳим омиллардан эканлигини назарда тутиш лозим. Шунга қўра, XI асрдаги ёзма адабиётга тегишли бўлган асар (аниқ тарзда «Қутадғу билиг») билан кейинги асрларда, хусусан (замон) айирмасига қўра катта масофани ташкил этувчи XX асрдаги яратмалардаги фольклоризмларнинг мавқе ва вазифалари орасига тенглик аломатларини қўйиш мумкин эмас. Зеро, бундай узоқ муддат орасида бадиий ижод жараёнлари бир мунча такомил босқичларини босиб ўтади. Унинг устига, бундай катта муддат давомида ижтимоий-эстетик тафаккур ҳам сезиларли ривожланиш йўлини босиб ўтиши мумкин.

Фольклор ва адабиёт муносабатларини ўрганишда ёзма адабиётнинг қайси тараққиёт босқичида тургани ҳам кам аҳамиятсиз омиллардан эмас. Узоқ анъанага эга бўлган ёзма адабиёт ўзининг миллий тасвирлаш принципларини ишлаб чиқади ва бу адабиётнинг бутун кейинги тараққиёти ана шу принципларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Аммо дастлабки даврларда ҳар қандай адабиёт намуна сифатида бошқа манбаларга мурожаат этишга мажбурдир. Бундай манба ё қўшни халқлар адабиёти, ёки миллий фольклор бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда, бу адабиёт ўзи намуна сифатида таянган адабиётнинг таъсир доирасига тушиб қолиши ва унда узоқ муддат қолиб кетиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Кейинги ҳолда эса мустақил миллий адабиёт ривожига дастлабки тамал тоши қўйилади.

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари ниҳоятда хилма-хил кўринишларда амалга ошиши мумкин. Бу хил алоқалар жанрлар, сюжет ва мавзулар, образлар системаси, поэтик тасвир усуллари, шеър тузилиши ва бошқа аспектларда бўлиши мумкин.

Аммо шунда ҳам уларни бир-биридан ажратган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Фольклор ва адабиёт муносабатларини умумий асосларда ўрганиб бўлмаслигини ҳам айтиш лозим. Ёзма адабиётдаги ҳар бир фольклор элементининг шаклий томони ҳам, унинг функционал-семантик томонлари ҳам тўла тасаввур ва таҳлил этилсагина масалани ҳал этиш сари қадам қўйилади, холос, акс ҳолда ушбу масалани очиш учун калит топиб бўлмайди. Буни У.Б.Далгат жуда ўринли ҳолда таъкидлаган эди:

«Адабий-фольклор алоқалари таҳлили жараёнида бошқа адабий контекстда у ёки бу шакл ва маъноларда мавжуд бўлган ёки амал киладиган ўзга системага тааллуқли бўлган фольклор элементлари ҳақидаги тасаввур қанчалик зарур бўлса шунчалик реал ҳамдир. Бунинг устига тизим сифатида қараш таркибий бўлакларни ажратиш, уларнинг сифати, сонини аниқлаш функцияларини муайянлаштиришни ҳам тақозо этади»¹.

В.Н.Путиловнинг кўрсатишича, халқ ҳаётининг бошқа томонлари билан бир қаторда фольклор бўлажак ёзувчининг онги ва хотирасига китоблардан олдин, аммо китоб кучидан ҳам устун-роқ тарзда кириб боради, ҳамда халқ ижоди ёзувчининг қарашлари, эстетик идеал ва талабларига, дидига кучли таъсир кўрсатади². Бу мутлақо тўғри фикрдир. Шунинг учун ҳам П.С.Виходцев шундай ёзган эди: «Фольклоризм адабиётдаги халқчиллик ва миллий ўзига хосликнинг бўлаги сифатида доимо ҳақиқий истеъдоднинг ажралмас хусусияти бўлган ва шундай бўлиб қолади, унинг миллий тарих ва маданият билан алоқаси чуқурдир».

В.Т.Петров фольклор ва адабиёт муносабати ҳақида алоҳида тўхталиб, ушбу йўналишдаги иккита асосий камчиликни кўрсатиб берди:

«Фольклор ва адабиётнинг ғоявий боғланиши масаласини ўрганишдаги асосий камчилик кўпинча конкрет-тарихий ёндашув принципита риоя этмаслик деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу масалани ўрганишдаги бошқа камчилик конкрет мисоллар билан таъминланмаган хулосалардаги мавҳумлик, умумийликдир»³.

Далгат У.Б. Литература и фольклор. Теоретические аспекты. – М.: Наука, 1981. – с.10.

Путилов Б.М. О некоторых проблемах фольклоризма ... литературы. – Вопросы ... литературы. – М.-Л.: 1956, т. 4. с.14.

Петров В.Т. Взаимодействие традиций в младописьменных литературах. Национальный фольклор и русская классика. Новосибирск. Наука, Сибирское отделение. 1987. – с.5.

Энг аввало шуни таъкидлаш жоизки, адабиёт ва фольклор мавзусидаги ёндашувларнинг кўпинча бир ёклама бўлишининг реал асослари мавжуд. Буларнинг дастлабки ва энг муҳими, назаримизда, ўзбек адабиётшунослигида шу йўналишга алоқадор бўлган махсус методиканинг ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ. Шунинг учун бўлса керак, айрим ишларда тўғридан-тўғри «фалон адиб халқ оғзаки ижодидан фалон нарсани олди» қабiliдаги қайдларга тез-тез дуч келиш мумкин. Ахир бу ижод этикасига ҳам, ижодкор психологиясига ҳам сингишадиган ҳолат эмас-ку! Янада очiqроқ айтиладиган бўлса, бир ижодкорнинг бошқа бир ижодкордан, ёхуд оғзаки ижоддан тўғридан-тўғри «олиши» плагиатлик бўлмайдами? Мавжуд тадқиқотларнинг кўпини ўқиб беихтиёр йирик-йирик сўз санъаткорларининг плагиат деган ном олишлари ҳеч гап эмас, деб ўйлаб кетасан киши. Аслида-чи? Аслида ҳам шунаками? Мутлақо!

Адабиёт ва фольклор мавзусини ўрганган У.Б.Далгат икки тизим орасидаги боғланишларни «онгли» ва «онгсиз» муносабат тарзида иккига бўлади (73-15). Муаллиф «ривожланган адабиётда фольклор воситалари ва образларга мурожаат онгли равишда қўлланадиган усул» деб баҳолайди ва «уларнинг фольклоризмлар деб аталиши қабул қилинган»лигини кўрсатади.

Фольклоризмларнинг типларига келганда эса, уларнинг у ёки бу сўз санъаткорларининг ижодий манераси, метод ва йўналиши, унинг хусусий индивидуал услубига, шунингдек у ёки бу асарнинг баён услуби, поэтик тилига ва яна қўплаб бошқа сабабларга боғлиқ эканини кўрсатади.

Ўзбек фольклоршунослигида бу масала дастлаб Б. Саримсоқов томонидан бошлаб берилди. Олим адабиёт ва фольклор муносабат-лари ҳақида тўхталиб, уларни икки гуруҳга ажратади:

«Биринчи тип – адабиёт ва фольклорнинг генетик алоқадорлигидан иборат. «Генетик алоқалар» тушунчаси остида биз адабиётнинг пайдо бўлиши, инсон бадий тафаккурининг тарихий тараққиёти жараёнида ундаги жанрларнинг шаклланиши ҳамда нутқ шаклларининг ривожини тушунамиз.

«Иккинчи тип – «иккиламчи шакллар» (К. В. Чистов), яъни адабиётнинг фольклор билан фольклоризмлар воситасида боғланишидир»¹.

Ушбу ишида олим фольклоризмларни оддий ва мураккаб турларга ажратар экан, оддий типни: мақол ва маталлар, қанотли сўзлар ҳамда индивидуал ижодкор томонидан қўлланган ифодалар ташкил этишини ҳам кўрсатиб ўтади, ҳамда мураккаб фольклоризмларни аналитик, синтезлашган ва стилизациялашган турларга бўлади.

Олимнинг бошқа ишларида ҳам ушбу фикрлар янада ривожлантирилган². Ўзбек замонавий адабиётида намоён бўладиган ранг-баранг фольклоризмлар масаласи И. Ёрматов томонидан ҳам батафсил тадқиқ этилган³. Аммо мумтоз адабиётимиздаги, хусусан, қадимги туркий адабиёт билан боғлиқ фольклоризмлар мутлақо тадқиқ этилган эмас.

«Кутадғу билиг»даги фольклоризмларни ҳам юқоридаги тасниф асосида ўрганиш самаралидир. Аммо фольклоризмларнинг ҳар бири алоҳида асарда ўзига хос хусусият касб этишини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Ушбу мулоҳазалардан келиб чикиб, биз туркий халқлар фольклори билан Юсуф Хос Ҳожиб асари орасидаги боғланишларни фольклор мотивлари, образлар системаси ва бадий тасвир принциплари даражасида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Бадий тасвирда ҳайвонот образининг иштироки

«Кутадғу билиг»да ҳайвонот образларининг катта мавқе тутишида туркий халқларнинг ҳаёт тарзи, ижтимоий-маданий ҳаётдаги ҳайвонот мавқеи, ниҳоят, бевосита фольклор асарларида давом этиб келаётган адабий анъаналар билан изоҳланади. «Кутадғу билиг»даги ҳайвонлар образи ўз генезисига кўра қадимги мифологик, тотемистик тасаввурларга ва фольклор асарларидаги айни образларнинг қадимий анъаналарига

Саримсаков Б. О типологии фольклоризмов.: Фольклор, литература и история Востока Материалы III тюркологической конференции. – Ташкент. Фан, 1984, с 271.

Саримсаков Б. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир. – ЎТА, 1980, № 4, 37-45-бетлар

Ёрматов И. Стилизация характеридаги фольклоризмлар. – ЎТА, 1984, № 3, 31-35-б.: Ҳозирги ўзбек лирикасидаги синтезлашган фольклоризмлар хусусида. – ЎТА, 1985, №2, 35-39-бетлар; Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. – ЎТА, 1982, № 2, 54-59-бетлар.

боғланади. Аммо шу алоқадорликнинг даражалари турли ҳайвонларда турли-тумандир.

Айрим ҳайвон образларида қадимий мифологик тасаввур ва кулътлар билан боғланиш очиқ сезилса (бўри, сиғун) айримларида бу алоқадорликнинг жуда хира изларигина қолган холос. Баъзи ҳайвон образлари эса XI асрга келиб ўзларининг мифологик қатламлари билан алоқани узиб ултурган ҳамда «Қутадғу билиг» матнида бадий образ сифатида эстетик функциянигина адо этган, холос.

Юсуф Хос Ҳожиб турли ҳайвонот образларида ўзининг хилма-хил поэтик мақсадлари йўлида усталик билан фойдаланади. Уларнинг жуда кўпи шоирнинг ахлоқий-эстетик қарашларининг реалликка айланишида муҳим восита вазифасини адо этади.

«Қутадғу билиг»да айрим ҳайвонлар номининг кулът даражасида бадий образ ҳолатига ўтиш жараёнинг якунлаши босқичларини кузатиш имкони бор. От, айиқ, бўри, сиғун (кийик), уд (хўкиз, умуман ҳайвон) образлари шулар жумласига мансуб.

Кўпгина ҳайвон образлари фольклор эстетикасига мувофиқ бинар оппозиция ташкил қилган ҳолда кўринади. Ит – бўри, бўри - қўй, арслон – ит... в.б. Айни ҳолат туркий фольклорда кенг ёйилган ва жуда қадимий тасаввурлар билан боғлиқдир.

Асардаги ҳайвонот образлари тасвирида кучли анъанавийлик ҳам, Юсуф Хос Ҳожибнинг индивидуал ижодкорлиги ҳам деярли тенг макега эга. Анъанавийлик шоирнинг индивидуал ёндошувига халакит берган эмас, аксинча индивидуаллик анъанавийликдаги миллий тафаккур тарзи оқими билан омукта бўлиб кетган.

Ҳайвонот образлари кишининг ташқи кўриниши ўхшашликларига урғу берилиши билан боғлиқ. Унинг ички олами, рухий кечинмалари тасвири онда-сондагина учрайди. Аслида, инсон учун ички оламини тасвирлаш, унинг рухий кечинмалари тасвирига нечоғли ўрин ажратиш бадий тафаккур тараққиётининг даражасига боғлиқ. Инсонни табиатнинг бир бўлаги деб тасаввур қилинган пайтларда бу мумкин бўлмаган ҳолдир. «Қутадғу билиг» ана шу жараёни бошлаб берган дастлабки йирик асар сифатида ҳам муҳимдир.

Ўн биринчи асрда реал бориқнинг умумий қонуниятларини англаш сари анча дадил қадамлар қўйилаётган, фалсафий категориялар асосида фикрлаш куч олаётган пайт эди. Биз буни қасида фақат Шарқдагина эмас, бутун дунёдаги оламшумул кашфиётлар яратган буюк мутафаккирлармиз мисолида яхши биламиз. Бу оқимга Юсуф Хос Ҳожиб ижоди ҳам энг тоза ва покиза бир ирмоқ сифатида қўшилиб борди. Албутга, Юсуф Хос Ҳожиб кўпинча мантикий тафаккур йўли билан эмас, образли фикрлаш йўлидан, ассоциациялар йўлидан боради. Ассоциация унинг образли, бадий фикрлашининг етакчи шарт ва принципи бўлиб юзага чиқади.

Юсуф Хос Ҳожиб фойдаланган образлар тизими ниҳоятда рангҳбаранг шакл ва кўринишларда (айримлари куртак ҳолида) олдинги даврлар адабиёти: Ўрхун-Енисей обидалари, “Ҳуастанифт”, “Олтун ёрук”, «Ирк битиги», «Девону луғот ит-турк»да, шунингдек, фольклор асарларида аллақачон мавжуд эди.

Бу образларнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида инсоннинг табиат билан ниҳоятда мустаҳкам алоқаси (эҳтимол яхлитлиги) белгиловчи функцияни адо этади. Юсуф Хос Ҳожибни қуршаб турган табиат унинг ижоди учун битмас-туганмас манба, энг муҳим «қурилиш материали» бўлди. Юсуф Хос Ҳожибнинг бутун ижоди мана шу материал асосига қурилади. Ора-сира кўзга ташланиб турадиган ўзга анъаналарнинг излари, хусусан, араб ва форс адабиётига яқинлик асар образлар системасига ҳам, уларнинг шаклланиш жараёни ва қўлланиш хусусиятларига ҳам кучли таъсир ўтказган эмас.

«Қутадғу билиг»даги ҳайвонот образлари тасвири XI аср адабиётида конкрет тасаввур қилинадиган образларнинг етакчи мавқе тутишини кўрсатади. Асар бадий тафаккур тараққиётининг нисбатан қуйи, соддароқ поғоналаридан юқорига, анча такомиллашган ва ривожланган босқичига ўсиб ўтаётганини кўрсатувчи, ушбу жараённинг шу қисмини муайян даражада яқинловчи асар сифатида ҳам аҳамиятлидир.

Бу даврда сўзларни истиоравий қўллаш манбалари билан ёнма-ён турамиз. XI асрдаги, хусусан, «Қутадғу билиг»даги истиораларнинг кўпчилиги ўша давр учун истиорадан кўра кўпроқ мифологик образдир.

Буларнинг ҳаммаси «Қутадғу билиг»нинг образлар системасининг генезиси, унинг тараққиёти фольклорнинг кўз

илғамас даражадаги қадим (архаик) катламлари билан боғлиқ бўлиб, бевосита миллий-бадий тафаккур тарзи билан алоқадор ҳолда юзага келганини кўрсатади. Айни пайтда улар бадий тафаккурнинг ҳам нисбатан юқори поғонага ўсиб ўтаётганининг ўзига хос кўрсаткичи бўла олади.

Асарда ҳайвонларнинг оддий саноғи ҳам учрайди. Бунда улар табиатнинг гўзал бир яратиғи, олам яхлитлигининг таркибий бўлаги сифатида қайд этилади:

Қаз өрдәк қуғу қыл қалықығ туды
Қақылайу қайнар йуқару куды (71).

Ғоз, ўрдақ, оққуш, қил қуйруқлар осмонни тўлдириб,
Қағиллашиб юқори ва қуйини тўлдириб учмоқда.

Аксари ҳолларда ҳайвонот олами муайян образларни яратишда ўхшатиш омили сиратид иштирок этади:

Көкис турна көкдө үнүн йаңқулар
Тизилмиш тәтир-тәг учар йәлгүрәр (72).

Мағрур турна кўқда овоз чиқариб сайрамоқда,
Тизилган туя карвондек учмоқда, қанот қоқмоқда.

Ўхшатиш ҳақида фикр юритган мутахассислар ўхшатиш ва ўхшатишмиш орасидаги маъновий-мантиқий яқинлик қанча узоқ бўлса, уларнинг таъсир кучи шунчалик юқори бўлишини таъкидлашади. Юқоридаги ўхшатишда осмондаги қуш (турна) билан ердаги ҳайвон (туя) ўзаро қиёсланмоқда. Турналарнинг бир саф бўлиб учиши ерда юрган туялар карвонига нисбат берилмоқда. Албатта, бундай ўхшатиш гўзал ва таъсирлидир. Қуйидаги таъсир эса “улар” деган қушга бағишланган. Агар юқорида қушнинг ҳайвонга ўхшатилиши кузатилса, бу ерда қушнинг инсон билан ўхшаш жиҳатиға эътибор тортилади:

Улар қуш үнин түзди үндәр эшин'
Силиг қыз оқыр-тәг көңүл бәрмишин (73).

Уларқуш² овозини сөзлади, ўз эшини чакирмоқда,
Ғўё гўзал қиз ўз кўнгил берганини чорлагани каби.

Қуйидаги байт эса алоҳида олинган қуш – какликнинг гўзаллигини кўрсатишга йўналтирилган. Шоир какликнинг бошқа қушлардан ажратиб кўрсатадиган узвларига назар солади. Унинг тумшуғи қон рангига қиёсланади ва қошларининг қоралиги таъкидланади.

Ҳини үтти көклик куләр қатғура
Қызыл ағзы қан-тәг қашы қап-қара (74).

Каклик ёқимли овоз билан сайради, ках-қаҳлаб кулмокда,
(Унинг) кизил оғзи кон каби, қоши эса қоп-қорадир.

Адиб қушнинг товуши билан эрка қиз овози орасида ҳам
яинликлар кўради.

Қара чумғук ўтти сута тумшуқу

Ўни оғлағу қиз ўнитэг тақу (75).

Қора зоғ тумшуғини кўпиртириб қағиллади,

(Унинг) овози (дод солиб йиғлаётган) эрка қиз овози кабидир.

Ниҳоят, гал булбулга келади. Унинг сайрашидаги гўзаллик илохий
қудрат касб этган Исрофил сурнайига нисбат берилади:

Чэчэкликдэ санвач ўтэр мың ўнўн

Оқыр суры ыбыры тўнўн ҳам кўнўн (76).

Гулзорда булбул минг овоз билан сайрамокда,

Туну кун (тинмасдан) сури ибри чалмокда.

Айрим хайвонлар деярли бирор сифатлаш ва ўхшатиш
қўшимчаларисиз тасвирланади. Бундай ҳолатларда улар
оламнинг, хусусан, табиатнинг гўзаллигини кўрсатиб беришдаги
воситалардан бирига айланади.

77 Илик кўлмиз ойнар чэчэклар ўзэ,

Сығун муйғақ ойнар йурыр таб кэзэ (77).

Илик – кўлмиз чечаклар устида ўйнамокда,

Сығун-муйғоқ бот кезиб ўйнамокда.

Аммо асосий ўринларда улар бадий тасвирнинг мақсад ва
вазифаларига бўйсундирилган ҳолда, асосан, соф бадий образ
мавқеида келади:

Кулан йа тағы тут тақы көк тэка,

Тутуб кэддүрүрлар сэна, эй бөга. (5262)

Кулон ёки тоғи (от), ёинки ёввойи така бўлсин.

Сенга тутиб келтирадилар, эй баҳодир.

Ушбу мисраларда мамлакат фуқаросининг ўз ҳукмдориға
бўлган ҳурмат ва садоқатининг ифодаси сифатида кўпчилик
уддасидан чиқиши мумкин бўлмаган ишларни ҳам амалға
ошириш учун астойдил ҳаракат қилиши, ҳатто чўл ва тоғлардаги
учкур хайвонларни ҳам тутиб (ёки отиб) олиб келиш билан
намоён қилишлари тасвирға оинланган. Бу ерда улардан кўра
янада муҳимроқ бошқа бир образ мавжуд. Бу мурожаат (нидо)
тарзида қўлланган “эй бөга” сўзидир. Гарчи ўзбекча табдилда у
“эй баҳодир” тарзида берилаётган бўлса-да, унинг асл луғавий

маъноси “катта, узун илон”, яъни аждардир¹. Демак, у “баҳодир”нинг истиоравий шаклидир. Бу типдаги образларнинг халқ оғзаки ижоди анъаналари билан мустаҳкам алоқаси борлигини алоҳида таъкидлашнинг зарурияти йўқ.

Ҳайвонот образи инсон табиатидаги ўзига хосликларни кўрсатишда восита, касб ва амал номларининг ифодаси, табиат ва жамият орасидаги боғланишлар кўрсаткичи, ўрни-ўрни билан эса инсоннинг бойлиги, кучи, қудратини кўрсатиш омили вазифасини адо этади:

Кайусы алур хайл болур хайл башы

Кайусы ат адғыр узе эл иши (3967)

Баъзиси хайл олади, хайл боши бўлади,

Баъзиси от, айғир узра (миниб) эл иши (ни) олади.

Аслида булар туркий халқларнинг қадимий машғулоти: овчилик ва чорвачиликнинг ўзига хос қайдлари сифатида ҳам иштирок этади. Демак, отчилик (йилқичилик)нинг ижтимоий аҳамияти бекорга қайд этилаётгани йўқ. Уларнинг мамлакатнинг иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-этник, маданий (спорт, тўй...) соҳалардаги ўрни ва аҳамияти назарда тутилаётир. Айниқса, қуйидаги мисралар бу фикрни янада аниқлаштиради:

Йэгү кэдгү мингү ат айғир сүлүг

Булардын чықар ҳам йүдүргү күлүг (4337)

Ейишли, кийишли, минишли ахта от(лар), айғирлар, байталлар ҳамда юк ортиладиган ҳайвон (туя, от) улардан чиқади.

Мана бу ерда уларнинг бевосита амалий вазифаси ва аҳамияти янада аниқлаштирилади. От ва бошқа ҳайвонлар жамиятнинг моддий бойлиги белгиси вазифасини ҳам адо этади:

Бу кул күң ат адғыр бу йэр сув камуғ

Элигдин тэгиб ачты давлат қапуғ (5655)

Бу кул. жория(лар), от, айғир, ер-сув ҳаммаси

Элигдан (сенга) тегиб, давлат эшик очди.

“Ат адғыр” от ва айғирларнинг алоҳида-алоҳида саноғигина эмас, балки уларнинг биргаликда қўлланиши натижасида жуфт сўз шаклидаги истеъмолини ҳам инкор этмайди. Бу ҳолда улар

умумлаштирувчи бир тушунчани акс эттиради ва умуман кенг маънода барча ҳайвонларнинг умумлашма номини англатади¹.

Учуғлы йурығлы сув ичра балық
Қутулмас сәниндин айа сарп кылык.
Ажун тэзгинүр элдә арқыш йурыб
Ағы жуз тиник кэш алыр-сә тэриб
Қасаб түзи руми ажун таңсуқы
Сэңә кэлсә толмас ағы казнақы
Кәвәл тазы бөгтәл тағы арқуны
Ақур толды толмас бу суклук каны
Тэрилди түмән мин талу көп тэтир
Йазыда қалын йунд ақурда қатыр
Йазы тағ йэриг түб йурыр қой сурут
Йа кул күң тапуғчы э кылқы өрүг
Йа күздә йурығлы қалын көп қотуз
Йа түздә йурығлы уд эңәк өкүз
Қайада йурығлы бу ымға тәкә
Қутулмас сәниндин эй эрсиг бөгә
Сығун муйғақ эрсә соқақ йа ывық
Сэңә йәм түгәмәс эй эдгү қылык
Кулан йа тағы бу¹³⁷ тут тақы көк тәкә
Тутуб кәлдүрүрләр сэңә эй бекә
Бөри тилкү арслан адығ йа тоңуз
Сәниндин кутулмас өлүр авда түз
Қуғу қордай эрсә йа турна йуғак
Йа туй тут йа йүгдик йа тудлич йа қақ
Қалықда учуғлы қара қуш йоры
Сәниндин кэчумәс айа көк бөри
Учарығ учурмас сәниң қушларын
Йурырығ йурытмас күр асрын ытын (5253-5266)
Учадиган, югурадиганлар, сув ичидаги балиқ(лар).
Сендан (қочиб) кутулмайди, эй феъли қаттик.
Карвон(ларинг) элда юриб олам кезади(лар).
Шойи, ипак(ликлар)ни, түйин, сувсар (мүйналари)ни териб
оласан.
Румий нафис кимхоб(лар), дунёнинг тансиқ (нарсалар)и
Сенга келгани билан ипаклик(лар) хазиnasi тўлмайди.

Қараңг: Древнетюркский словарь. – Л.:Наука. 1969, С.65. Arat R/R/ Rutadgu bilig. III, Indeks, Istanbul, 1979, s.32.

Кавал този, бўтгал, тоғи, арқуни
Оғилга тўлган, (лекин) суқлик хирси тўлмайди.
Туман минг сара, кўп туя(лар) йиғилган,
Яйлов(ларинг)да беҳисоб от(лар), оғил(ларинг)да
хачир(лар йиғилган).

Водий, тоғ, ер(лар)ни қоплаб қўй, пода(ларинг) юради,
Ё кул(ларинг), жория(ларинг), хизматчи(ларинг), эй
Феъли равшан.

Ё тоғнинг кун тушмас томонларида юрувчи беҳисоб кўп
қўтос(лар),

Ё текислик(лар)да юрувчи бука, сигир, хўкиз(лар).

Қоя(лар)да юрувчи бу серка, така(лар)

Сендан (қочиб) қутулмайди, эй мард баҳодир.

Сигун, муйғок, сўқоқ ёки ивик бўлса (хам),

Сенга емиш етмайди, эй эзгу феълли.

Қулон ёки тоғи (от), ёинки ёввойи така бўлсин,

Сенга тутиб келтирадилар, эй баҳодир.

Бўри, тулки, арслон, айиқ ёки тўнғиз

Сендан қутулолмайди, барчаси овда ўлади.

Оққуш, соқақуш, ё турна, юғок бўлсин,

Ё туй, ё югдик, ё тудлич ёки қоқ (бўлсин).

Хавода учадиган кирғай, жўр (бари бирдек),

Сендан (қутулиб) ўтолмайди, эй кўк (ёл) бўри [яъни қари
бўри, тажрибакор].

Сенинг қушларинг [яъни лочин кишиларинг]

учадиганларни,

Ботир қоплон(лар)инг, ит(лар)инг юрадиганларни

юритмайди.

Жаҳон халқлари фольклорини ўрганган мутахассисларнинг
аксарияти ҳайвонот образининг ўз даврида бойлик, фаровонлик,
мўл-кўлчилик рамзи бўлганлигини қайд этишади.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам мазкур усулдан фойдаланади. Фақат
бундаги ўринларда у яна ўзининг фалсафий, ахлоқий-дидактик
йўналишлардаги ақидаларини ифодалашни кўзда тутлади.

Бу парчаларнинг барчаси Ўзғурмиш нуткидан олинган. У
Кунтуғди элига мурожаат этиб, унга ўғитлар берар экан. бунда
хукмдорнинг чексиз куч-қудратига, бойликка, улар воситасида
эса ниҳоятда катта обрў-эътиборга эгалигини таъкидлайди.

Айни пайтда инсон умрининг бундай хою-хаваслар ичида ўтиб кетиш хавфини ҳам эслатади. Мазкур силсилада бевосита элигнинг ўзига қилинган мурожаатларда ҳам ҳайвон номларининг метафорик қўлланилиши назарга тушади.

Табиат ва жамият орасидаги ўхшашликларнинг қайд этилишига таянадиган ритмик-синтактик параллелизмларни дратинда ҳам ҳайвонот образлари асосий ўринни тутати:

230 Миң эрдәм кэрәк бу жахан тутғука

Кур арслан кэрәк бу кулан басғука

Жаҳонни қўлга киритиш учун минглаб ҳунар керак,

Кулон босиш учун ботир арслон (бўлиш) керак

Ҳайвонот образи асарда ўхшатишларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади:

160 Тил арслан турур көр эшикдә йәтур

Айа эвлүг арсық башыңны йәйүр

Тил ҳовлида [яъни қафасда] ётган арслон кабидир,

Эй, уй эгаси, қафасдаги (маккор) ваҳший бошингни ейди.

769 Кур арсланка охшар бу бәгләр өзи

Бушурса кәсәр баш э билги йарук

Беглар — бу юракли арслонга ўхшайди,

Уларни ғазабга келтирсанг, бош кесади, эй равшан фикрли.

Айникса, ҳайвонот образи мисолила фольклор эстетикасига хос бўлган бинар оппозициянинг асар матнида кўплаб учраши адибнинг бу аъаналарни ниҳоятда пухта ўзлаштирганига жуда очик далил бўла олади:

Кими қодты эрса, эй эрсиг уры,

Кэрәк болсуны ыт кэрәк кок бөри. (6068)

(Худо) кимни ташлаб қўядиган бўлса, эй жасур ўғлон,

Хоҳ (у) ит бўлсин, хоҳ кўк бўри бўлсин (бари бир).

Буларнинг барчаси Юсуф Хос Ҳожибнинг туркий халқлар оғзаки ижодига хос бўлган қадимий аъаналарни ниҳоятда назик дид ва хассослик билан ўрганганини, ўз асарида улардан юксак маҳорат билан фойдалана олганини, бу аъаналарнинг ёзма адабиётда тамомила янгича руҳ билан намоён бўлишига йўл очиб берганини кўрсатиб турибди.

Бадий тасвир принциплари

Юсуф Хос Ҳожиб оғзаки ижод анъаналарини кузатиш асосида уларнинг тасвирлаш принципларига ҳам эътибор бергани табиий. Биз ушбу йўналишда адибнинг сўзга, бадий сўзга муносабати борасидагина мулоҳазаларимизни баён этиш билан чегараланамиз. Бунинг учун эса Юсуф Хос Ҳожибнинг умуман сўз, сўзлаш (нутқ одоби) борасидаги фикрларини ҳамда эпитетлардан фойдаланиш усулларини кузатамиз. Зеро, ана шулар сўз санъати соҳасидаги анъана ва адиб кашфиётларининг моҳиятини тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради.

Сўз ва нутқ одоби масалалари

Юсуф Хос Ҳожиб замонасининг ниҳоятда йирик мутафаккири бўлган. У кўплаб фанларни пухта ўзлаштирган. Кўп вақтлар саёҳатларда бўлган. Одамлар орасида бўлиб, донолар сўзини тўплаган.

Юсуф Хос Ҳожиб асарида замонамиз учун муҳим бўлган кўпгина масалалар қамраб олинган. Асарнинг биз учун муҳим томонларидан бири ҳам мана шунда. Биргина тил одоби масаласини кўриб чиқайлик.

Юсуф Хос Ҳожиб тил одоби борасида ниҳоятда қимматли фикрлар баён этган. Улар бутун асар бўйлаб қизил ил бўлиб ўтади. Китоб мукаддимасидаги боблардан бири «Тил эрдамин, асгин, мунларин сўзлайур» («Тилнинг фазилати, фойда-зарарлари ҳақида сўзлайди») деб номланган.

Тил, укув-идрок билимнинг тилмочи, таржимонидир, дейди шоир. Киши тили туфайли у қадрсизланиши, бошини ёриши ҳам мумкин.

Айытмаста ашну сөзуң сөзлэсэ

Көни сөзлэди ким э йылқы тэсэ

Тақы тэлвэ мундуз киши бу билин

Айытмады бэглэркэ ачса тилин

Дастлабки мисолда тил, яъни инсоннинг нутқидаги куч, қудрат, унинг бошқариб бўлмаслигига арслон тимсолида кўрсатиб берилган. Ёввойи ва йиртқич хайвон қафасдан бўшалиб кетса, табиийки, биринчи навбатда, эгасининг бошига етади.

Кейинги ҳолатда ҳам арслон яна ўхшатиш асосини ташкил этади. Фақат энди бу ерда бунга қаҳрга кирган беклар-хукмдорлар ўхшатилади.

Демак, инсон ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришдан олдин бунга эҳтиёж, ҳаётий зарурат бор-йўқлигини англаб етиши керак. Бунга англамаган кишини инсонлар қаторида санаш мумкин эмас. Улар ҳайвон қаторидадир. Агар бошлиқ – бек сўрамасдан олдин у валдирай бошласа, демак, у соғлом руҳият эгаси эмасдир. Уни ақлдан озган, телба деб баҳолаш жоиз.

Қызыл тил қылуր қысға йашлығ сэни

Эсэшлик тилэсэ катығ ба аны

Нэку тэр эшитгил өзин қысған эр

Эсэ тирлуր инчин өзин басған эр

Қара баш йағысы қызыл тил турур

Нэчэ баш йэди бу тақы ма йэйур

Башыңны тилэсэ тилиңни көдэз

Тилиң тэкмэ кундэ башыңны йэйур (948-953)

Сўрамасдан олдин сўзларини сўзласа,

Уни ким, эй йилки, деса, тўгри айтган бўлади,

Яна телба, тентак киши шуки, билгин,

(Сўз) сўрамаган бекларга сўзга тил очса,

Қизил тил сени киска ёшли қилади,

Эсон бўлайин десанг, сен уни қаттиқ боғла,

Ўзини тутган эл нима дейди, эшитгин,

Ўзини тутган киши фароғатда эсон-омон яшайди,

Қора бошинг ёғи қизил тилдир,

У қанчадан-қанча бошларни еди, яна ҳам ейди,

Бошим омон бўлсин, десанг, тилингни эҳтиёт қил,

Тилинг истаган бир кунда бошингни ейди.

Инсондаги тил ўзаро мулоқот учун берилган. Юсуф Хос Ҳожиб назарида тилдан икки тоифа одам фойдалана олмайди: биринчиси туғма соқовлар, кейингиси эса билимсиз кишилар. Билимли кишилар тили билан ўз билимларини бошқаларга юктиради. Шу ўринда адиб ниҳоятда ўринли, ҳаётий ўхшатиш топади. Билимлининг сўзи гўёки оқиб турган зилол сув кабидир. Сув окизилса, ерда анвойи неъматлар униб чиқади. Оқар сув қанчалик оққани билан тугамайди. Билимдон одам гапирганида ҳам эзгу хис-туйғулар шаклланади.

Бошқа бир ўхшатиш янада таъсирли: билимлининг кўнгли чим ўсадиган ерга, билимсизнинг кўнгли курук кумга ўхшайди. Биринчи ҳолда, каерга оёқ қўйилса, ўша ердан сув чиқиб келади. Курук кумга дарё окизилса ҳам наф йўқ: у йўқ бўлиб кетаверади.

Демак, сўзни ҳар кимга сўзлаш маъқул эмас, тинглайдиган одам ҳам билимдон бўлиши шарт.

Ёмон – яроксиз сўзларни қўллаш – нодонлар иши. Одам сўз туфайли азоб чекиши ёки ундан наф олиши мумкин. Одамнинг тани учун озиқ оғиз (бўғиз) киради. Киши руҳининг озиғи сўздир. У қулоқдан киради.

Табийки, дунёда сўз кўп. Уларнинг қай бирини ишлатиб, қай бирини биридан тийилишининг йўл-йўриқлари қандай бўлади.

Қадимдан Шарқ халқларида сўзга алоҳида эътибор билан қараш ҳукм сурган. Сўзга муқаддас ҳодиса, сеҳрли мўъжиза сифатида қаралган. Юсуф Хос Ҳожибнинг «сўзнинг ўрни – сир» дейишида ҳам шу ақида таъсирини кўрамиз. Мутафаккир тилдаги барча сўзлар ўн гуруҳдан иборат дейди. Аммо улардан тўққиз хиссаси мутлақо тийиб туриладиган ва фақат бир хиссасигина тилга чиқариладиганидир.

Агар сўз ўз ўрнида қўлланилар экан, у сўзловчига саодат келтиради. Уни «бўз» ердан яшил кўкка кўтаради». Аксинча бўлса, сўздан усталик билан ўз ўрнида фойдаланишнинг устидан чиқмаса, кишининг кадри пасаяди, бундай сўз кишини «яшил кўкдан ерга индиради».

Инсонда шундай ҳис бўлиши лозимки, у оз ва кўп сўзнинг айирмасини туйсин. Бу фикр исботи сифатида Юсуф Хос Ҳожиб шундай тўртликни келтиради:

Сөзүг йақшы сөзла, эди сакну үз.

Айытуқта сөзла йана тэркин үз.

Өкүш сөз эшитгил, тэлим сөзлама,

Укуш бирлэ сөзла, билиг бирлэ түз.

Ўзинг жуда ўйлаб сўзни яхши сўзла,

Сўраганда сўзла, яна тезликда тамом кил,

Сўзни кўп эшитгин, лекин ортик сўзлама,

Идрок билан сўзла, билим билан андазала.

Тўртликда “сўз” ҳар битта мисрада такрорланган. Биринчи ва учинчи мисраларда эса у ҳатто икки мартадан қўлланган. Бу фикр объектининг алоҳида мантикий урғу остида бўлишини таъминлаган.

Сўз одоби билан боғлиқ бўлган яна бир ҳолат бор. Бу сўзни кимдан эшитиш муаммосидир. Юсуф Хос Ҳожиб Ойтўлди тилидан шундай мулоҳаза юритади:

– Сўзни донодан эшитиб, нодонга тушунтириш лозим. Улуғлар сўзини тинглаб, кичикларга етказиш керак. Албатта, кўпроқ кулок тутиб, озроқ гапиришга ҳаракат қилинса, яхши бўлади. Чунки кўп сўзлаш ҳеч кимни доно қилган эмас, аммо кўп тинглаш билан кўпчиликка бош бўлиш мумкин. Камгап одам билимдон бўлади, аммо сергап, эзма одамларнинг билим олишга қўли тегмайди. Донолар сўзи – билимсизлар кўзидир.

Донишманд, билагон одамларнинг сўзламаслиги уларнинг билим ва имкониятларини яширин қолдиради. Шоир назарида бу ҳам яхши эмас, гилни сўкиб бўлмайди, унинг мактовли томонлари кўп. Умуман, тирик жон кўнгил ва тили туфайлигина муҳтарам ва азиздир. Кўнгил ва сўз бир-бирига боғлиқ. Агар сўз эгри бўлса, у кўнгилни қуйдиради, уни ўртайди. Эгри сўз мукофоти сўкиш ва ҳақорат бўлади. Тўғри сўз эса кишига наф келтиради. Шунинг учун ҳам сўз тўғри бўлса сўзланмоғи, аксинча, эгри бўлса, пинҳона қолгани маъқул.

Умуман сўзлашдан кўра эшитмоқ афзал. Чунки сўзловчи танини қойитади. Тингловчи эса ҳузур олади. Эшитиш туфайли киши доно бўлади. Сўзлаш туфайли киши бошидан ҳам айрилиши мумкин. сўзланмаган сўз – олтин. Тилдан чиққани эса – мисс.

Кўриниб турибдики. Юсуф Хос Ҳожибнинг тил одоби билан алоқадор бўлган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган эмас. Уларни атрофлича ўрганиш, мактаб ўқувчиларига, ёш авлодга уларни етказиш муомала маданиятимиз ривожига, таълим-тарбия ишларига яқиндан ёрдам беради. Бунга шубҳа йўқ.

«Қутадғу билиг»да эпитетлар

И.В.Стеблева қадимги туркий обидалардаги бир қатор доимий эпитетларни қайд этган эди. Булар орасида қўк (тангри), йағиз (йер), сучук (саб), сариғ (алтин), ўрунг (кумуш), қара (киш), қизил (қан), кўрур (кўзум) кабилар мавжуд¹. Ушбу эпитетларнинг «Қутадғу билиг»да ҳам айнан қўлланиши характерлидир:

Кими қодты эрсә, эй эрсиг уры,

Кэрәк болсуны ыт кэрәк көк бери. (6068)

Стеблева И. В. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформацию в раннеклассический период. - М.: Наука, 1976. с.44.

(Худо) кимни ташлаб, қўядиган бўлса, эй жасур ўғлон,
Хоҳ (у) ит бўлсин, хоҳ кўк бўри бўлсин (бари бир).

Қулан йа тағы тут такы көк тэкэ,
Тутуб кэлдүрүрләр сэнэ, эй бөкэ. (5262)
Қулон ёки тоғи (от), ёинки ёввойи така бўлсин,
Сенга тутиб келтирадилар, эй баҳодир.

Йағыз йэр бақыр болмағынча қызыл,
Йа от, йа чэчак үнмэгинчэ йашыл. (116)
Бўз ер мисдайин қизил бўлмагунча,
Ёки яшил ўт ё гул(лар) унмагунча.

Окүш йэгли йалнук, көр, игчил болур,
Сарык мэнзи қовдак аты ил болур. (4568)
Кўп еювчи одам дардманд бўлади,
Юзи сариқ (яъни ранги заъфараон), ўзи рангпар,
оти пасткаш бўлади.

Қопа кэлди өрлэб сата қалқаны,
Ажун мэнзи болды өрүң эрдани. (3757)
Маржон шодаси юқорилаб кўтарила келди,
Жахон юзи марварид (каби) бўлди.

Сатығчы йоқ эрса ажун кэзгүчи,
Қачан кэдгэй эрди қара кэш ичи. (4321)
Оламни кезувчи савдогар(лар) бўлмаганда эди,
Қора сувсар терисини қачон кийган бўлар эдинг.

Некү ал бодудуң қызыл мэнзини,
Некү бэрди дунйа сэнэ өз өни. (6103)
Нечук қизил юзинг ол (яъни заъфарон) билан бўядинг,
Нима учун дунё сенга ўз рангини берди (яъни ўтказди).

Нэкүкэ ынандың айа муңлуғ өз,
Қайуқа тайандың көрар көз көр-а. (6404)
Нимага ишонган эдинг, эй мунгли жон (яъни киши),
Нимага таянган эдинг, эй кўрувчи кўз, назар сол.

Бу эпитетларнинг туркий адабиётга шу даража сингиб кетганини таржима адабиёти мисолида ҳам кўриш мумкин, ҳатто будда ёдгорликлари таржимасида ҳам ушбу эпитетларнинг ўзгаришсиз қўллангани кузатилади¹.

Ўзбек халқ эпоси учун хос хусусиятлардан бири шундаки, бу ерда баходирни характерлаш учун махсус эпитетлар комплекси амал қилади. В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар алп, пахлавон, йигит, эр сингари бир қатор эпитетларни махсус таъкидлаб кўрсатишган эди². Айни эпитетларнинг «Қутадғу билиг» матни учун ҳам хос эканлигини қайд этиш лозим. Айникса, уларнинг бевосита ҳарбий иш билан боғлиқ ҳолда учраши ҳам мутлақо тасодифий эмас:

Кичик ёшли йигитлар (аскарлар) жуда тез бўлади(лар)

(Лекин) агар улар (ёвга) юзлансалар, ўт(лар)ини сўндирадилар (яъни ўзларини йўқотиб қўядилар)

Халқ эпоси учун йигит сўзининг «ёш аскар» маъносига эга эканлигини эслаш ўринлидир. (90. 305)

Албатта, «Қутадғу билиг»даги эпитетлар юқоридагилар билан чегараланмайди. Дастлаб, уларнинг асар олдиға қўйилган ғоявий-бадий мақсадлар билан уйғун ҳолда юзага келгани ва қўлланганини таъкидлаш ўринлидир. Асарда дидактик йўналиш етакчи бўлгани учун ҳам, эпитетларнинг асосий қисми ахлоқий-маънавий хусусиятлар билан боғланиб кетган.

Капуғда тэрилди қамуғ ач бери,

Эй элиг, қапуғ кэд кёдазиб йуры (1398).

Саройда талай оч бўрилар йиғилган,

Эй элиг, саройни жуда авайлаб сақлаб юр.

Саройдаги бўри — сарой амалдорларидир. Аммо бу истиоранинг ўзи канчалик аниқ ва кучли таъсир қувватига эга бўлмасин, шоирни қаноатлантирмайди. Шунинг учун ҳам у «ач» эпитети билан бирга қўлланади. Бу ҳолат эмоционал муносабат ифодалаши билан ҳам характерлидир. «Бўри» сўзининг ушбу конструкциядаги маъноси мутлақо аниқ ва бошқа ҳолатлардан тўла ажратиб ҳам туради. Масалан, асарда қўлланган «кўк» эпитети билан бирга қўлланган «бўри» тамомила бошқадир.

Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил, Тошкент, Ўқитувчи. 1982., 148-163-бетлар.

Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. М.: ОГИЗ, 1947. с. 304-305.

Биринчиси ахлокий-маънавий тушунчалар билан, кейингиси эса ранг билан боғланиб кетаётганлиги аён.

Умуман, асардаги эпитетларни мавзусига кўра икки катта гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ранг, материал, ҳажм, шакл, ёш ва бошқа объектларнинг реал ташқи белгиларига таянадиган эпитетлар.

2. Ахлокий-маънавий, эстетик, эмоционал йўналишдаги эпитетлар. Биринчи туркумини таъкидловчи, кейингисини баҳоловчи эпитетлар деб аташ мумкин.

Р а н г билан боғлиқ эпитетларнинг асосийлари қуйидагилар: ўрун¹, қара, кизил, йағиз, кўк, йашил, сарик¹.

«Орун» сўзи реал оқ ранг маъносини (орун баш, орун сут, орун куш...) англатишдан ташқари кенг маънодаги «эзгулик», адолат ва ҳақиқат муқаддаслик, поклик, тозалик билан боғланган.

Қирғизларда «уй» билан бирикиб келган «оқ» сўзи бойлик, бадавлатлик, катта мансаб эгаси эканлигини англатиши «Манас»дан кўриниб туради². «Ўрун баш» ифодасининг «катта ёшли киши» маъносини англатиши ҳам характерли. «Ўрун кирғил» ҳам шу маънода (А 2372-72).

Унинг қарама-қарши маънолари «қара» сўзидан ифодаланган. У: 1. Нарсаларнинг оддий рангини билдиради:

Сатығчы йок эрса ажун кэзгүчи,

Қачан кэдгэй эрди қара кэш ичи. (4321)

Оламни кезувчи савдогар(лар) бўлмаганда эди,

Қора сувсар терисини қачон кийган бўлар эдинг.

Өрүн болды эрса қара сач, сақал,

Анунгу пусугчы өлүмкө түгэл. (1089)

Қора соч, соқол оқаргудек бўлса,

Ногаҳоний ўлимга тугал тайёр бўлиш керак.

2. Айрим куш номлари ва уларнинг ташқи кўринишини акс эттиради:

Түман йилда бару тул эрдим түлас,

Бу тул тоны сүчлүб өрүн кэтдим ас. (31)

¹ Туркий халқлардаги ранг символикаси ҳақида қаранг: Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках. Тюркологический сборник, 1975, М.: Наука, 1978, с 156-179.

² Манас, 1 китеп, Сатимбек Оразбек улукун варианты боюнче. Экинча басылиши, Фрунзе, «Киргизстан», 1984. 441-бет.

Туман йилдан бери маънос тул эдим,
(Энди) бу туллик кийимини ечиб, оқ либос кийдим.

Ушбу эпитетнинг «йэр» сўзи билан қўлланиши ўзига хосдир. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, «қора йэр» бирикмасида бу эпитет ернинг рангини ифодаламайди. Чунки ер қора эмас. Бундай ҳолатда у кўпроқ қоронғилик, янада аниқроқ айтсак, ер ости (зулмат) олами билан алоқалантирилади. Ернинг ранги маъносида эса «Қутадғу билиг»да йағыз сўзи мавжуд. «Қара» қўлланган ўринларнинг бирортасида ҳам ер юзасининг ранги назарда тутилган эмас:

Сүзүг жан капи бу қара йэр тугы,
Қара йэр кап өртнүр, э қылқы ағы. (5309)

Беғубор жоннинг (оқибат киядиган) либоси қора
ер тупроғидир

Қора ер либосига бурканувчи, эй хулқи покиза.

«Қора» сўзи – эпитет бу бирикмада ҳар доим ер ости билан, яъни ўлим билан боғланиб кетади:

Өзүм қалса йаңлуз қара йэр катын,
Мэңэр ыдғыл анда өкүш раҳматын. (388)

Қора ер қатида ўзим ёлғиз қолсам,
Унда менга талай раҳматларингни ёғдиргин.

Сарай, қаршы этма, эй элиг куты,
Анунды сэнэ эв қара йер каты. (1404)

Сарой, қаср бино қилма, эй бахтиёр элиг,
Қора ер қаъри сен учун уй қилиб хозирланган.

Нэча күр күвазлар бир иг игламас,
Қара йэркэ кирди, қаны, тэбрэмэс. (4621)

Бирор бир дард билан оғримаган неча-неча шижоатли,
мағрур кишилар,

(Уни) ёруғ кун (ҳали) ёритади, эй эзгу жўра.

Асарда оқ ва қора орасида кучли айирма, икки қарама-қарши кутбни кўриш мумкин. Ҳар қандай оқ нарса (орун) яхши, чиройли, гўзал ва фойдалидир. Қора эса унинг тамомила акси. Ҳатто «уларсиз иш битмаслигини» таъкидлаб туриб ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ёзади:

Қара кылқы барча болур қаб қара,
Қара кылма өзни, көдөзү тур-а. (4219)

Қора (авом) хулки мутлақо қора бўлади,

Ўзингни қора қилма, сақланиб тургин.

Шу асосда қораликка мойиллиги бор нарсалар ҳам ёмонлик,
ёвузлик рамзи бўлади, «Қутадғу билиг»да бундай образ
«тутун»дир:

Йана бир арығсыз бу кылқы отун

Кишиләр эвиндә бу копрур түтүн. (335)

Яна бир ярамас нарса бу тубан хулқилик,

Одамлар уйида бу (пасткашлик) тутун қўпоради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг қизил ранга алоҳида муносабатини
кузатиш мумкин. Ҳатто қизил қонга нисбат берилганида ҳам
гўзаллик оттенкаси сезилади:

Унин ўтти кәклик, күләр қатғура.

Қызыл ағзы қантәг, қашы қап қара. (74)

Каклик ёкимли овоз билан сайради, қаҳ-қаҳлаб кулмоқда

(Унинг) қизил оғзи қон қаби, қоши эса қоп-қора.

«Қизил»нинг иссиқлик, олов билан алоқалантирилиши
мавжуд:

Йағыз йәр бақыр болмағынча қызыл,

Йа от, йа чәчәк үнмәгинчә йашыл. (116)

Бўз ер мисдайин қизил бўлмагунча,

Ёки яшил ўт ё гул(лар) унмагунча.

Унинг тўғридан-тўғри «ўт» – олов билан муносабатга
кириши ҳам шундан:

Қара түн йарук күнгә йакмас йағук,

Йашыл сув қызыл отқа болмас қонук. (2215)

Қора тун ёруғ кунга якин келмайди,

Яшил сув қизил оловга қўноқ бўлмайди.

Қизил (юз) мифологик тасаввурларга кўра ой билан
алоқалантирилади. «Қутадғу билиг»да унинг қуёшга нисбат
берилгани кузатилади:

Қызыл йүз өңи өңди, болды сариг

Ажун болды алтун өңитәг арығ. (4855)

Қизил юз (яъни қуёш) ранги ўзгаради, сариқ бўлади,

Жаҳон олтин рангидек мусаффо бўлади.

Умуман, Шарқда қизилнинг Қуёш билан алоқалантирилиши кенг талкалган ходиса. Уни япон, корейс, хитой мифологияси ва адабиётида ҳам кузатиш мумкин¹.

Шарқда қизиллик унинг гўзаллик мезонларидан бири бўлгани бежиз эмас. Шунга кўра «Қутадғу билиг»да унинг «эн» сўзига эпитет бўлиши табиийдир:

Билиг бэлгүси, көр, эки нән турур.

Е, экки била эр қызыл эн урур. (978)

Билимнинг белгиси икки нарсадир, кўр.

Бу икки (наrsa) билан кишининг юзи ёруғ бўлади.

Қизил юз соғлик ва саломатликнинг, демакки, хотиржамлик, тўкинлик, бахтиёрликнинг ифодаси сифатида майдонга чиқади.

«Қизил тил» ибораси ҳам «Қутадғу билиг» учун характерлидир. Бу ердаги қизил семантик чегараларини аниқлаш ҳам қизиқарли кўринади. Татарларда «Қыз авызында қызыл тел, деган мақол ҳам бор². У ҳам, назаримизда бир қирраси билан «иссик» оттенкасига алоқадор. «Иссик» эса ёқимлилик оттенкасига эга. Ёқимлиликдан ширинликни келтириб чиқариш унчалик қийин эмас. Ширин (сўз) - алдов билан боғланади. Ҳар ҳолда «Қызыл тил қилур қысга йашлығ сени» мисрасидаги қизил тил ҳар қандай сўзни эмас, фақат ёлғон ва алдовли (яъники, номуносиб) сўзни назарда тутаётгани маълум. Агар тахминларимиз тўғри бўлса, асардаги «қизил тилку»даги қизил фақат рангни билдирибгина қолмасдан, тулкининг тулкилигини очиб бериш вазифасини ҳам адо этипти:

Йэма алчы болса қызыл тилкүтэг,

Тэтир буғрасытэг, көр, өч сүрсэ кэг. (2276)

Яна қизил тулки каби хийлачи бўлса,

Туя эркагидек узоқ ўч сақласа кўр.

Умуман, қизилнинг кенг маънодаги ҳаёт, тириклик, мавжудлик билан алоқадор эканлигини кузатиш мумкин. Махмуд Қошғарий келтирган мақоллар орасида қизил ранг символикасининг XI асрдаги маъносини очишга ёрдам берадиган бир намунаси бор:

Қаранг: Никитина М.И. Древняя корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом. –

М.:Наука,

1982, с.86.

Татар халык мәкаләре, өч томда, 2- том, жьпочсы. том тезүчесе Н. Исанбат. Казан. Татаристон китөп нашриягы. 1963, – 14-бет.

Кілну билсә кѣзил кизәр,
Јараңу билсә јашїл кизәр.

Хотинлар эри билан сухбат истаганда қизил ипакли кияди, ялиниш ва хушомадгўйлик вақтида яшил кийим кияди. Хотинлар ҳақидаги бу мақол мақсадга эришиш, ёқимли муомалада бўлишни эслатиш мақсадида ишлатилади»¹.

Ушбу мисол қизил рангнинг эротик символика билан чамбарчас боғлиқ эканлигини жуда очиқ кўрсатиб турибди. Эҳтимол «қизнинг кўзи қизилда» мақоли остида ҳам шу символика мавжуддир.

Айни ҳолатнинг мўғул эпосида ҳам мавжудлиги характерлидир. С.Ю.Неклюдов ҳамда Ж.Тумурцерен «Гесер» ҳақидаги қуйидаги парчани келтиради:

«Мана! Гилбан Шар

Онасини учратиб,

Ўз «қалампир қўзоғи» билан таъзим бажо қилди.

Она – мангус-ку,

Ўз «қизил қўзоғи» билан (таъзимни) қабул қилди»².

Олим қўштирноққа олинган сўзларни шундай изохлашади: «Кўк ва қизил қалампир номлари эвфемизм бўлиб, жинсий олатларни (мувофиқ равишда аёл ва эркекларники) ифодалаш учун қўлланади. Сумбудашанинг сўзига қараганда, Гилбан Шар қизнинг таъзим қилиши ва лама – устоз томонидан бу таъзимнинг қабул қилиниши саҳнаси очиқ сексуал-мотив асосига қурилган»³. Назаримизда, «қизил»нинг ҳаёт, тириклик рамзига айланишида ана шу маъно асос бўлган. «Қутадғу билиг»да мазкур фикрни тасдиқлайдиган мисоллар кўп:

А) ёшлик, навқиронлик:

Бэли болса йылмық, йана йарны кэн,

Өрүң болса қыртыш. қызыл, қырғу эн. (2876)

Бели хипча, яна яғрини кенг бўлса,

Бадан ранги ок, юзи қизил-қизғиш бўлса.

Б) кўнгил осудалиги, хотиржамлик:

Қалы кулса - сэн тутчы мэнзиң қызыл,

Көни бол, кутулдуң сэн инчин тирил. (4192)

Қошғарий Махмуд. Туркий сўзлар дегони. Девону луғонт турк, уч томлик, 1-том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Т.: ЎзФан, 1960, 499-бет.

Неклюдов С.Ю. Гумурцерен Ж. Монгольские сказания о Гесере Новие записи. М.: Наука, 1982, с. 246.

Ўша китоб, 286-287-бетлар.

Агар сен доим юзинг ёруғ бўлишини истасанг,
Тўғри бўл, бебок бўласан, сен тинч яша(йсан).

В) шодмонлик, хурсандчилик:

Ким иш кылса тэркин адар бэргү нэн,
Ошул наң билэ эр кызыл кылсу эн. (2362)

Ким иш кўрсатса, дарҳол унга нарса (инъом) бериш керак,
Токи ўша нарса билан киши юзини қизартирсин
(яъни миннатдор бўлсин)

Ў көрклүг кулуғлы, муны қулмағыл,
Қызыл мэнзини сэн сарығ қылмағыл. (4381)
Эй чиройлини истовчи, буни истамагин,
Қизил юзингни сен сарик қилмагин.

Юқорида «қизил»нинг қорага қарши қўйилганини кузатган эдик, ҳозирги мисолимизда бундай қаршилантириш «сарик» билан бўляпти. Шунингдек, у «яшил» билан ҳам қаршилантирилиши мумкин.

Қара түн йаруқ күнгэ йақмас йағук,
Йашыл сув қызыл отқа болмас қонук. (2215)
Қора тун ёруғ кунга яқин келмайди,
Яшил сув қизил оловга қўноқ бўлмайди.

Бу ердаги қаршилантириш фақат қизил-яшил орасидагина эмас. Асосий урғу ўт билан сувга қаратилган. Ўтнинг қуёш, яъни осмон ва сувнинг ер (мифологик тасаввурларга кўра ер ости) билан алоқадорлигини тасаввур қилсак, уларнинг ўзаро бинар оппозиция ташкил қилаётганини пайқай оламиз. «Йашил» ер билан, қизил осмон билан боғланади. Яшил ерга боғланишида ўт-ўлан, дарахт, сув восита бўлса, қизилнинг осмон билан боғланишида бу вазифани ой, қуёш, юлдузлар бажаради.

Ат ўстам йарықлар болур қыб-қызыл,
Қызыл қызғу энлар болур йаб-йашил. (2349)
От, жабдук, совут ва қалқонлар қип-қизил бўлади,
Қизил, қизгин юзлар ям-яшил бўлади.

Бу ердаги биринчи «қизил» қон билан, кейингиси юз билан алоқадор. Чунки гап ёв билан қурашиш устида боряпти. Сал олдинроқ қизил юзнинг сарик бўлиши фразеологик бирлик сифатида севинчининг қайғуга айланишини ифодалаётгани ҳақида тўхтаган эдик. Бу ўринда эса қизилнинг яшилга айланиши ҳақида

гап бормоқда. Яшиллик, одатда, айниқса, ҳозирги замон тасаввурларида баҳор, янгиланиш, ҳаёт ва тириклик билан боғлаб тасаввур этилади. Шундай бўлгач, мисра мазмунини қандай тушуномқоқ керак?

Шу ўринда Н.Н.Рубцовнинг бир фикрини эслаш жоиз. У ёзади:

«Символ – бу битмас-туғанмас потенциал теранлиқдир... Символ - бу ҳамма пайт образ, у ҳеч қачон муайян биргина маъно билан тенглаштирилиши мумкин эмас, у ҳаммавақт имкониятлар, маънолар истиқболнинг елпиғичидир. Символнинг бундай имкониятлар елпиғичи кўпинча парадоксал тарзда қарама-қарши томонларни боғлайди: айти бир символ вазиятга қараб қиёфасини ўзгартиради – ўз табиатига кўра мутлақо бошқача булган ҳодисаларни ифодалай бошлайди»¹.

Демак, яшил ранг символикасидаги юқоридаги зиддият ҳам тасодифий эмас, балки сўз санъати тарихий тараққиётидаги қонуний жанрлар силсиласига мансуб ҳолдир. Шунга қарамай, унинг маъно доираларини белгилаш зарурати бор. У:

1) яшил, яъни барг ёки майса ранги, сабза ранг маъносида:

Йағыз йэр шашыл торқу йўзкэ бады

Хытай арқышы йадты тавғач иди (67)

Бўз ер юзига яшил парда тортди.

(Гўё) Тавғач олий ҳазрат олийлари Хитой карвонини (ҳар томонга) тарқатди.

2) кўк, яъни тиниқ осмон рангидаги, мовий, зангори маъносида:

Йашыл көк төрүтти, көтүрди адыз

Күн ай бирлө йулдуз бэзэди бэдиз (3659)

Яшил осмонни яратди, юқори кўтарди.

Кун, ой, юлдуз билан сурат(ини) безади.

«Яшил»нинг сув учун ҳам доимий эпитет эканлигини (3660) ҳам таъкидлаш лозим.

Ана энди юқоридаги мисралар мазмунига қайтайлик. Шундай қилиб қизил юзнинг яшил бўлиши нимани англатади? Шоир нега «қизил»нинг зидди сифатида айнан «яшил»ни танлапти?

Рубцов Н.Н. Символ в искусстве и жизни. Философский размышления. М.:Наука , 1991,

Юкорида кизил юз Шарқда соғлом ва ва бақувватликнинг, гўзаллик, кенгроқ қараладиган бўлса, тирикликнинг, ҳаётнинг рамзи эканлигини кўрдик. Демак, унинг зидди «ўлим» маъносига якин бўлиши тақозо этилади. Мисраларнинг юкоридаги ҳолатида шу маъно ифодаланганми? Ҳа, тўла ифодаланган. Фақат, бизга, XX аср кишиларига бу маъно бирданига сезилмаслиги мумкин. шунга кўра, «яшил»нинг нима учун «ўлим» маъноси билан алоқалантирилишини кўриб чиқайлик.

Бизнинг назаримизда яшиллик уйғониш, баҳор, ҳаракат, эзгулик билан алоқадор ҳолда тасаввур этилади. Ҳатто кишларга узоқ умр, тириклик бахш этадиган Хизр ҳам яшил кийимда тасаввур этилиши яхши маълум. Аммо буларнинг ҳаммаси «яшил» символининг бир қиррасини ташкил этади холос. Унинг бошқа бир қирраси эса янада мураккаброк ва қадимийроқ тасаввурлар билан боғланган. Бундай тасаввурлардан бири, назаримизда, «нариги дунё» билан боғлиқ. Биз бу ердаги «нариги дунё» билан боғлиқ бўлган мифопозитик асарларнинг барча кўринишлари устида тўтамасдан (бу мавзу алоҳида ва жиддий тадқиқот объекти бўлиши мумкин) унинг фақат бир шакли – ер ости қоронғилик дунёси билан алоқадор хили ҳақидагина фикр юритиш билан кифояланамиз. Бунинг учун эса В.М.Жирмунскийнинг бир кузатишига эътиборни тортайлик:

«Манас» сафдошлари орасида Эр Туштук энг қадимги афсонавий—мифологик қатламга мансуб бўлиб, Манасга бўйсунувчи хоналардан биридир. У эпосга мустақил айтилувчи дostonлардан киритилган образдир. Эр Туштук қозоқ халқ афсоналарида ҳамда Сибирдаги туркий халқларда машхур. Қирғиз эпоси у ҳақда каттагина дostonни саклаб қолган. Уни Радлов ёхиб олган эди ҳамда манасчи Қаралаев версиясида иккинчи марта нашр эттирган. Радлов дostonдаги Эр туштук номли қаҳрамонни сибир эртақларидаги шу қаҳрамон номига мувофиқ «ер - Тушлук» - «ер ости қаҳрамони» («ер остига тушган») деб талқин қилади». «Манас»да Эр Туштукнинг ер ости саргузаштлари бир неча марта эслатилади. У Эломон бойнинг тўққиз ўғли орасида энг севимлиси. «Менинг ер отига тушганимга етти йил бўлди ва у ердан ер юзига чиққанимга ҳаммаси бўлиб етти кун бўлди», - дейди ўзи ҳақда Эр Туштук. Ўразбеков вариантда, - Менинг ҳаммаси бўлиб бир қошиқ

қоним қолди, танам эса кўкариб кетди», (назаримизда, қахрамоннинг ўликлари подшоҳлигида бўлганига ишора¹).

Демак, юзнинг кўкариш билан ўлим ўртасидаги боғланиш фақат физиологик жараёнгина эмас, балки туркий халқларда ўз мифологик илдишларига ҳам эга. Шунга кўра, биз юқоридаги мисраларда кучли мифологизм мавжуд дея оламиз. Мазкур байт реал ситуациядан ажратиб олингани учун ҳам бирданига тасаввурни тўла ёрита олмаслиги мумкин, аммо олдинги мисраларни кузатсак, гапнинг жанг – уруш ва демакки, ҳаёт ва ўлим ҳақида кетаётгани аниқланади:

Йағи көрсә алп эр қызартур мәңиз,

Қарышса бодулур қызыл ҳам йағыз. (2348)

Ботир мард ёв кўрса, юзини қизартиради,

У жангга кирса, қизил ва бўз (ранглар) бўялади
(яъни ер қонга бўялади).

Бу ўринда туркий адабиётдаги қилич (ёки унга ўхшаш кескир қурол)нинг кўк (яшил) рангга бўлган монандлигини таъкидлашга мойилликни ҳам қайд этмок керак. Демак, шу ҳолатда ҳам унинг қоронғилик дунёси - ўликлар олами билан алоқадорлиги рамзий ифода орқали намоён бўлади. Юсуф Хос Ҳожибнинг қилични «яшинтек темур» дейилишида ҳам қадим туркий эпосдаги мазкур анъана ўз инерциясини сақлаган кўринади.

Күр алп эр көтүрса йашын-тэг тэмүр,

Азығлығ эранларда тэшлүр тамур. (3002)

Кўрқмас ботир эр яшин каби темир кўтарса (яъни қилич солса), Озиқлик баҳодирларнинг томири тешилади.

Бу рангнинг ўликлар олами билан алоқалантирилиши борасидаги тасаввурлар кейинги асрларда ҳам давом этган. Жумла-дан, буюк Алишер Навоий «Хамса»сида ушбу анъана сақланган. Бу филология фанлари доктори С.Ҳасанов шоҳ Баҳром «умрининг фожиавий якунланиши билан боғлиқ» деб таъкидлаган эди².

Кўришиб турибдики, Юсуф Хос Ҳожиб тасвирда оғзаки ижод анъаналарини давом эттириб келган. Булар филология

Жирмунский В.М. Тюркиски героический эпос. Л.: Наука. 1974, с.79-80

Хасанов С. Роман о Бахраме. – Ташкент, изд-во ли-ры и искусства им. Г. Гуляма, 1988, с.147.

фанлари доктори, профессор А.Ҳайитметовнинг куйидаги фикрлари жуда тўғри айтилганини яна бир марта далиллайди: «Демак, бундан биз туркий халқларнинг ёзма адабиёти кадимда халқ оғзаки ижоди билан жуда ҳамовоз бўлиб, унинг анъаналарини ўзига хос фикрлаш хусусиятларини ўзлаштиргач, халқчиллик ва реалистик тасвирнинг кўзга ёрқин ташланиб турган белгиларини ифодалаган деб хулоса чиқара оламиз»¹.

Сариқ ранг билан боғлиқ эпитетлар ҳам «Қутадғу билиг»да анчагина. Дастлаб у барг рангларида бири сифатида учрайди:

Қурымъш ййғачлар тонанды йашыл,

Бээзанди йалун ал, сарығ, кок, қызыл. (66)

Япрогини тўккан дарахтлар (яна) яшил кийинди,

Ол. сариқ, кўк, кизил ранглар билан безанди.

«Қутадғу билиг»да сарикликнинг турли даражалари ажратилади. Хусусан, табиат манзаралари тасвирида, айниқса, тун ва тонг тасвирида ана шундай хилма-хилликларни кузатиш мумкин. Тун манзарасида:

Қызыл йүз өңи өңди, болды сарығ,

Ажун болды алтун өңи-тэг арығ. (4855)

Йашық торти йүзқа сарығ заъфарон,

Озин қылды мэйна они-тэг жаҳан. (4856)

Кизил юз (яъни қуёш) ранги ўзгаради, сариқ бўлади,
жаҳон олтин рангидек мусаффо бўлди.

Қуёш юзига сариқ заъфарон тортди,

Жаҳон ўзини(нг рангини) майна рангидек қилди.

Тонг отарда:

Сарығ сандвач үтти, үнүн сайрады,

Бәлиңләб удунды усы кәлмәди. (4859)

Сариқ булбул наво қилди, овоз билан сайради,

(Ўғдулмиш) чўчиб уйғонди, уйкуси келмади.

Тонгнинг ўзи ҳам тўғридан-тўғри сариқ дейилади: Сарығ танг ата кәлди... (5846). Буларнинг барчаси сариқ ранг диапазонининг нақадар кенглигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамай, асарда бу рангнинг ҳам рухий-маънавий ходисалар тасвиридаги фаоллигини алоҳида таъкидлаш жоиз кўринади.

Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. – Тошкент: Г. Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти. 1974. 141-бет.

Ҳажм-шакл маъносидаги эпитетлар ҳам кўп маъноликка эга. Ҳажмнинг катталиги ўша предметнинг табиий шаклинигина эмас, аҳамият ва мавқеини ҳам таъкидлайди. Одатда «кент беги» лавозимидаги киши анча баланд мартаба ҳисобланади. Лекин унинг нуфуз ва мавқеи ҳисобга олинганидан у «улуғ кент беги» (5241) дейилади. Элигнинг қўлидаги пичок ҳам оддий эмас, у «бэдуг» (757). Катталик, улуғликнинг табиий равишда баланд ва кенглиги уларнинг кўчма тарзида маънавий-руҳий ҳодисалари ҳам тадбиқ этилишини таъминлаган. Шу асосда кенгли бэдуг, йўраки бэдуг, билги бэдуг ифодалари юзага келган.

Кэн сўзи одатда сатҳ, юза билан боғлиқ. У чегара нуктаи назаридан катталикни англатади.

Адиз, кэн бэдизлиг сарайын қалыб,
Қаранку йэр, эвдэ йатыр сэн улыб. (А. 1419)

Баланд, кенг, накшли саройинг қолиб,
Қоронғи ер, уйда (қабрда) улиб ётасан.

Бу кэн дунёи өзкэ кучин қылма тар,
Йазуқлуғ қулынға байат фазлы бар. (3590)

Бу кенг дунёни ўзингга зўр билан тор қилма,
Гуноҳкор қулига Худонинг фазли бор.

Бу сўз инсон тана аъзоларининг айримларига кўшилиб, уларнинг катталигини эмас, балки муайян ижобий сифатини англатади. Кэн элиг – саҳоватли, саҳий, очик қўл;

Кэн көнүл - ҳимматли, саҳоватли;

Кэн йүрэк – ботир, қўркмас.

Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, таъкидловчи эпитетлар муайян ҳолатлардагина ўз маъносида қўлланади холос. Улар кўпинча қаҳрамон ёки у билан боғлиқ бўлган предметни идеаллаштириш учун ишлатилади. Қолаверса, уларнинг татбиқ қилинадиган объектнинг ортиб бориши, ушбу эпитетларнинг фольклордаги қўлланиш доирасини кенгайтириб юборади. Бу бора-бора унинг дефольклоризациялашувига ҳам олиб келиши мумкин.

«Қутадғу билиг»да ёш ва жинсни англатувчи сифатлар ҳам анча.

Авучга, йигит, ўғил, ўғлон, ури, чал, қари; аёл, тиши, кунг, қуртга, қиз шулар жумласидан. Аммо асардаги энг катта мавкени баҳоловчи эпитетлар эгаллайди. Уларни шундай гуруҳлантириш мумкин:

а) ахлоқий-маънавий баҳога эга бўлган эпитетлар, улар асардаги эпик қаҳрамонларга хос бўлган муайян фазилат ва нуксонларни очиб беради;

б) сўз бораётган объект (инсон, предмет)ни шоир кўзлаган мезон нуктаи назаридан ҳамда эстетик жиҳатдан баҳоловчи эпитетлар;

в) эмоционал-таъсирчанлик жиҳатидан баҳоловчи эпитетлар (бу туркумга инсон ҳис-туйғуларини ифодаловчи кўркүв, ажабланиш, хайрат, мухаббат ва бошқалар киради).

Асардаги эпик характеристикалар Юсуф Хос Ҳожибнинг оғзаки ижод анъаналарига бўлган муносабатини жуда очиқ кўрсатади. Маълумки, асар қаҳрамонларининг барчаси ҳам донишманд кишилар. Шунинг учун ҳам уларда ақл-идрок, билим, заковат, олийҳимматлик билан боғлиқ эпитетларнинг учраши табиий. бироқ, айрим эпитетларни қаҳрамонлик эпоси анъаналари билан боғланиб кетганини ҳам ҳис этиш қийин эмас.

Кўр, алт, тоңа кабилар шу туркумга мансуб. Эр Тўнга (Афросиёб) сингари қаҳрамонлик достонига алоқадор кишилар тўғрисида гап борганида алп эпитети унинг доимий ва табиий сифатини англатади. Ёки лашкарбоши ва жангчи учун ҳам бу сифат мутлақо табиийдир. «Кутадғу билиг»да бу сифат донишманд эпик қаҳрамон учун қўлланади:

Мунар мэнзэтү айды алп эр ачук,

Аның маънысы, көр, бу сөзкә танук. (677)

Ботир киши бунга ўхшатиб жуда очиқ қилиб сўз айтган, кўрган, унинг маъноси бу (юқорида айтилган) сўзга исботидир.

Кўр кўркмас, ботир, жасур маъноларига эга. У кўпинча алп сўзи билан ёнма-ён қўлланади.

Бу сўзнинг пайғамбар саҳобаларидан Алига нисбатан ҳам қўллаган (561). Унинг Кунтуғдига нисбат берилгани ҳам кузатилади:

Йана кўр, күвэз эрди қылқы көни.

Кўнингә көтүрди бу қылқы аны. (402)

Яна баҳодир, гурурли, килмишлари рост эди.

Бу феъл-рафторлари уни кундан кун юксалтирди.

Хар икки эпитетнинг ҳарбий мавзулар билан алоқадор ҳолатлардан тез-тез учрашини таъкидлаш лозим.

Нэку тэр, эшитгил йағычы күр эр,

Бу саклык била өз йағысын урар. (1985)

Ботир жангчи киши нима дейди, эшитгин,

Хушёрлик билан ўз душманига зарба берувчи киши

«Су башлар исфаҳсалар» лашкарбоши ҳақидаги бобда бу эпитетнинг бир неча ўринда (2251, 2262, 2301, 2343, 2344) тақрорланиши бежиз эмас.

“Төңа сифати ҳам шу қаторда туради. Тўнга – «йўлбарс жинсидан бўлган бир хил ҳайвон. У филнинг кушандасидир. Бу сўзнинг асосий маъноси шудир. Лекин бу сўз туркларда маъноси ўзгарган ҳолда қўлланади. Бу сўз кўпинча одамларга лақаб ўрнида ишлатилади»¹.

Асардаги барча қаҳрамонларнинг бир-бирларига мурожаатида бу эпитет жуда кенг қўлланган (1345, 1395, 1874, 2778, 2901, 2787, 3086, 3238, 3353, 3437, 3624, 3625, 4025...)

Бугина эмас, асардаги бош қаҳрамонларнинг деярли барчаси билга сифатига эга. Унинг билиглиг, бөгү (баъзан билга), вариантлари ҳам мавжуд.

Кунтуғди ҳақида:

Бэг эрди ажунда бөгү, билгэ баш,

Бу бэглик үзэлэ ажун болды йаш. (398)

Жаҳонда билағон, доно, саркар бек бўлган эди,

Бу(нинг) беклиг(и) даврида олам яшариб кетди.

Нэку тэр, эшитгил, э билга, күлүг,

Бу сөздин көтүргил өзүнгэ үлүг. (1439)

Доно ва машхур киши нима дейди, эшитгин,

Бу сўздан ўзингга тегишли ҳисса ол.

Ойтўлди ҳақида:

Өзинга кэрэкини қылды этиг,

Элигкэ йүз урды бу билга, тэтиг. (465)

Қошғарий Маҳмуд. Туркий сўзлар девони. Девону луғонт турк, уч томлик, 1-том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. Т.: ЎзФан, 1960, 379-бет.

Ўзига керакли (нарсалар)ни ҳозирлади,
Бу доно, идрокли (киши) элиг томон жўнади.

Нәкү эрсә барму олүмкә этиг,

Аны отру тутғыл, э билгә тәтиг. (1174)

Қанақа бўлмасин, ўлимга (қарши) бирор тадбир борми?

Уни ўз ўлимингга туттин, эй билимли, идрокли.

Ўзғурмиш ҳақида:

Тилин сөзлагил ҳам битгил битиг,

Элигга йанайы, э билгә тәтиг. (3649)

Тилинг билан сўзлагин ҳам мактуб ёзгин,

Элиг (ҳузурига) қайтайин, эй доно. тетик.

Битидин, битигга йануты битиг,

Мэна бэр бэрайин, эй билгә тәтиг. (3740)

Мактубга жавоб мактуби ёздинг,

Менга бер, (олиб бериб) берайин, эй доно, тетик.

Ўғдулмиш ҳақида:

Валгәкан тириглик булур-мән тәгү,

Муны билгү ашну, э билгә бөгү. (4578)

Ва лекин тириклик топаман деган (киши).

Аввал бу (қуйидагилар)ни билиш керак, эй билимли доно.

Бу эпитетларнинг лирик тингловчига қўлланган ҳолатлари ҳам оз эмас. (188, 283...)

Асар қаҳрамонларининг акы, амул, ариғ, бағырсак, жавлуғ, сақынук, сәримлуғ, сүзүг, уқушлуғ, уз... сингари сифатларга эга эканлигини кўриш мумкин. Буларнинг ҳаммаси идеал гўзаллик тушунчаси билан боғланиб кетган. Айни пайтда улар эзгуликни ҳам англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, буларнинг бирортаси ҳам алоҳида қаҳрамонларнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятни ифодаламайди, балки бу хусусиятлар барча қаҳрамонларга бирдек хосдир. Бу нарса қадимги туркий адабиётда типикликнинг индивидуаллик устидан ҳоким вазиятда бўлганини кўрсатади. Буни айрим мисолларда кўриб ўтайлик. Фикримизни айрим амал-мартаба эгаларига қўйилган талаблар ифодаланган боблар мисолида кузатайлик:

Бек ҳақида:

Бу бәгликка ашну түб аслы кәрәк,

Атым, алп, қатығ курс йана төң йүрәк. (1915)

Укушлуғ кэрэк ҳам билиглиг кэрэк,
Ақылык кэрэк ҳам силиглиг кэрэк. (1917)

Сакинуқ кэрэк бэг нэ қылкы арығ,
Ариғлық тилэр тутчы арығ. (1951)

Ақылык кэрэк бегкэ қускы көңүл,
Бу қускы көңүл бирлә қылкы амул. (2015)

Билиглиг, укушлуғ, будунқа талу,
Ақы ҳам көзи тоқ нэ көңли толу. (1930)

Йүзи көрки көрклүг кэрэк, баг йүлүг,
Боды орту болса нэ жавлуғ күлүг. (2049)

Тили чин кэрэк болса көңли кони,
Будунқа асығ кылса туғса күни. (1976)

Тили рост, кўнгли тўғри бўлиши керак,
(Токи) халққа манфаат келтирса, (Ўзининг ҳам
куни туғса).

Бу алчақ кэрэк болса көңли ачуқ,
Йазуқлуғ кишидин кэчүрсэ йазуқ. (2088)

Инсинүр эт эр тэрк бағырсақ болур,
Бағырсақ кишилар тапуғсақ болур. (2809).

Бек мулойим ва очик кўнғил бўлса,
У гуноҳкор кишиларнинг гуноҳини кечирса,

Унга баданнинг (кишиларнинг) муҳаббати ортади,
сўнг эса кишилар унга садоқатли бўлади,
Садоқатли кишилар эса хизматга шай бўлади.

Вазир ҳақида:

Удуғлуқ кэрэк ҳам сақынуқ көни,
Көнилик ўза кэчсэ өтрү күни. (2152)

Зийраклик лозим, тадбиркор ва тўғри бўлиши керак,
Токи кунлари тўғрилиқ билан (бежавотир) кечсин.

Укушлуғ кэрэк ҳам билиглиг кэрэк,
 Тэтиглиг кэрэк ҳам силиглиг кэрэк. (2154)
 Заковатли ҳамда билимли бўлиши керак,
 Зеҳни ўткир ҳамда илтифотли бўлиши керак.
 Йўзи кәрки кәрклүг кэрэк ҳам йүлүг,
 Қылынчи кәни тэгсә халкка үлүг. (2174)
 Юзи кўрки чиройли ҳамда хушчехра бўлиш керак.
 Тутган ишлари тўғри бўлиши керак, токи халкка
 ундан баҳр тегсин.
 Сақышчы кэрэк болса билга, тэтиг,
 Билиг бирлә билсә бу түрлүг битиг. (2184)
 Ҳисоб-китобга уста, доно тетик бўлса,
 Илм билан турли ёзувлардан хабардор бўлса.
 Вазирликка артуқ бүтүн эр кэрэк,
 Оқығлы, битигли, кад оглүг кэрэк. (2199)
 Тили кәңли бир ҳам қылынчы кәни,
 Овутлүг бағырсақ кишидә чыны.
 Кәзи тоқ, удутсақ, билигли ишиг,
 Адырқан йарағлығ йарағсыз кишиг. (2201)
 Вазирликка жуда ҳам етук киши керак,
 Ўқимишли, ёзувни билувчи жуда ақли (киши) керак.
 Тил ва дили бир ҳамда ишлари тўғри,
 Номусли, меҳрибон, одамларнинг энг чини (бўлиши керак)
 Кўзи тўқ, хушёр, ишбилармон,
 Ярокли ва яроксиз кишини ажрата оладиган
 (бўлиши керак)
 Су башлар исфаҳсалар (лашкарбоши ҳақида):
 Бу ишкә эди қурч, катығ эр кэрэк,
 Башиндә кәчүрмиш түгәл, төң йүрәк. (2235)
 Бу ишга жуда пишиқ, чидамли эр керак,
 Бошидан (кўп иш) кечирган мутлак ботир юракли
 (киши керак).
 Талу эр кэрэк, сақ бу ишкә удут,
 Анар тэгмаса бир осалын йудут. (2237)
 Ақы алп атым болса алчақ кәңүл,
 Түзи этмаки кәң нә қылқы амул. (2238)

Бу ишга етук, зийрак, камтар ва осойишта киши керак,
(Токи) унга ғофилликдан заррача ташвиш етмасин.

Очик қўл, ботир, мерган, мулойим кўнгил бўлса,
Тузи, нони (дастурхони) кенг ва хулқи баркарор
(бўлса)

Кўр эрсиг кэрэк болса қашығ йўлуғ,
Йадылса аты болса жавлуғ, кўлуғ. (2262)

Ботир, мард, садоқатли, хушрўй бўлиш керак,
Токи унинг номи тарқалса, донғи кетган машхур бўлса.

Исиг сөз, кўләр йўз билә бэргү нәң,
Бу уч нан кишикә болур эдгү йан. (2369)

Илик сўз, очик юз билан наrsa (инъом) бериш керак,
Бу уч наrsa киши учун (жуда) эзгу сифатдир.

Қапуг башлар эр кәд бағырсақ кэрәк,
Таны жаны бирлә тапуғсақ кэрәк. (2990)

Дарвозабонлар боши киши жуда меҳрли (бўлиши) керак
Тани ва жони билан хизматга берилган (бўлиши) керак.

Тили бирлә йумшак сүчиг тутғу сөз,
Көнүл тутса алчак, йарук тутсә йўз. (2537)

Тилини юмшоқ, сўзини ширин тутиш керак,
Кўнглини тавозели, юзини очик тутса.

Бүтүн, чын, сәвүтли, бағырсақ киши,
Йақын йортса бэгка кодазса башы. (2546)

Ишончли, чиндан севувчи, содиқ киши(лар),
Бекка яқин юрса, (унинг) бошини муҳофаза қилса.

Йалавич (элчи) ҳақида:

Уқушлуғ кэрәк кад йалавач оғуғ,
Билиглик кэрәк көзка билга йорүг. (2561)

Элчи жуда заковатли, хотиржам (бўлиши) керак,
Билимли, сўзга доно, тадбиркор (бўлиши) керак.

Бағырсақ кэрәк ҳам көзи, көнли тоқ,
Бүтүн, чын қылығы көни бөлса-оқ. (2568)

Садоқатли ҳамда кўзи, кўнгли тўқ (бўлиши) керак,
Ишончли, чин қиладиган ишлари фақат тўғри
(бўлиши керак)

Тили уз кэрәк ҳам көңүллүг кэрәк,
Сөзи уз кэрәк ҳам кәб өглүг кэрәк. (2621)

Тили ширин ҳам(да) кўнгли очик (бўлиши) керак,

Сўзи ёкимли ҳам(да) жуда аклли (бўлиши) керак.

Йўзи кәрки кәрклүг кәрәк ҳам боды,

Йўлүг болса бол сын кишидә кәди. (2624)

Юз кўрки чиройли бўлиши керак ҳамда бўй (яъни

кадди-қомати)

Келишилган бўлса, қадди-қомати келишган (киши)

одамлар орасида яхши бўлади.

Битигчи ылымға (ёзувчи-котиб) ҳақида:

Бу ич сөз тутуғлы, бүтүн, чын кәрәк,

Бүтүнлүкка артуқ бүтүн дин кәрәк. (2636)

Ич сўзларни сакловчи, ишончли чин (бўлиши) керак,

Ишончлиликка (эса) ниҳоятда комил ямони (бўлиши)

керак.

Битигчи билиглиг, уқушлүг кәрәк,

Хаты уз балағат тақы эдгүрак (2653).

Котиб билимли, заковатли (бўлиши) керак,

Хати чиройли, сўзга уста, эзгу фол (бўлиши) керак.

Көзи ток кәрәк чын ҳам өзи умдусуз,

Бағырсақ кәрәк чын өзи қултғусуз. (2681)

Ўзи кўзи тўқ ҳам тамасиз (бўлиши) керак,

Ўзи садоқатли, самимий, таламайдиган (бўлиши) керак.

Ағычы (ҳазиначи) ҳақида:

Энди чын, бүтүн кәд кәрәк эр көни,

Көңүл йаймаса өтрү тутса муны. (2704)

Жуда чин, ишончли, яхши, тўғри киши керак,

Кўнгли паришон бўлмаса, сўнг уни (ҳазиначи килиб) тутса
(бўлади).

Көзи ток кәрәк ҳам қылынчы бүтүн,

Бары артә барса күнингә қутун. (2710)

Кўзи тўқ ҳамда тутган ишлари тўғри (бўлиши) керак.

(Токи) саодат билан кундан-кунга тобора улуғлаша берса.

Бағырсақ кәрәк ҳам удуг, сақ, тәтиг,

Тәтиглиг билә эр қылуր мин этиг. (2721)

Марҳаматли ҳамда хушёр, сөк, тетик (бўлиши) керак,

Тетиклиг билан киши минглаб тадбирләрни амалга

оширади.

Билиглик уқушлүг кәрәк қылқы түз,

Уқушлүг кишиләр иши барча уз. (2748)

Билимли, заковатли (бўлади) феъли тўғри (бўлиши) керак,
Заковатли кишиларнинг ҳамма ишлари манзурдир.

Бу ердаги эпик қаҳрамонларнинг доимий тавсифлари очик кўриниб турибди. Чамаси, худди мана шу XI аср адабиётидаги ахлокий-маънавий критерийларни белгилаб берган. П.А.Гренцер «Махабхарат» мисолида қаҳрамон тасвиридаги қаҳрамонлик ва ахлокий-фалсафий йўналишларни ажратган эди. Шу асосда С.Л.Невелева ёзади:

«Эпик қаҳрамонларнинг асосий белгиларидаги очик иккиёклама характер - ҳарбий киши фазилатлари (қаҳрамонлик, жасурлик, қудрат, шухрат), шунингдек ўзига хос, қаҳрамонлик билан бевосита боғланмаган (донолик, тўғрилиқ, раҳмдиллик, сўзамоллик) хусусиятлар – тадқиқотчининг бу фикрлари тўғри эканлигини тасдиқлайди»¹.

Салбий маъно ташийдиган эпитетларнинг асардаги тўрт асосий қаҳрамонга нисбатан деярли қўлланмаслиги характерлидир. Бундай эпитетлар асарда, одатда ижобий маънолар муқобилидагина қўлланади. Бу қаторда арқуқ (кыпынч), бушы, вафасыз, ириг (сөз), йавуз, йарағсыз, йэниг (куруғлук), йўраксиз, күчкай, саран, эваклиг, эсиз, түгүг (йүз), овутсуз, осал, отун... Улар қаҳрамон ёки муаллифнинг салбий туйғулари (қаҳр-ғазаб, норозилик ва бошқа)ни тасвирловчи ўринларда кўзга ташланади:

Йана - оқ бушуб айды элиг сөзи,

Айур эй билигсиз, киши мундузи.

Элиг яна ҳам ғазабга келиб сўз бошлади,

Деди: Эй нодон, кишиларнинг ақлдан озгани.

Айрим эпитетларнинг предметларнинг табиий белгиси сифатида юзага келганини айтиш лозим.

Кўйар от (640), соғық сув, кокчин сақал (653), ақар сув (655), эски наң (673), йарумыш күн (682), күр арслан (769), устун мэнэ (1804), қаранку эв (1808), олүг тан (1828), ағын тил (1828), сақынук киши (1952), өрүң куш (2020), ағыр йук (2032), ачығ сув (3568), қуруғ кум (3569), йарақ йэр (3643) ва бошқалар шулар жумласига киради. Аммо йайығ (номуким) қут (627), эдгү иш (702), күлар йүз (704), исиг йүзлүг (1321), сынамыш богү (1879),

¹ Невелева С.Л. Вопросы поэтики древнеиндийского эпоса. Эпитет и сравнение. М.: Наука, 1979, с.16-17.

устаг алиг (1914), төн йүрэк (1915), көзи ток (1930), элги узун (1931), элиг акы (2039), бир орлам йэр (3644) каби эпитетлар поэтик мушохада махсулидир.

«Кутадгу билиг»даги эпитетлар орасида «юзи сувлуғ» бирикмаси ҳам мавжуд:

Нэчэ қызгу энлиг, йүзи сувлуғ эр,
Тишилэрдэ өтрү йүзи болды йэр.
Нечалаб юзи ёруғ, обрўли киши(лар),
Хотинлар туфайлидан (юз)лари ерга қараган.

Кўриниб турибдики, «юзи сувлуғ», «обрўли» демакдир. Асарда тўғридан тўғри «йўз суви»нинг «обрў» билан тенг келиши кўп учрайди:

Байуса, бэдүсэ, йадылса жавы,
Кэтэр-ман, аниндин кэтэр йўз сувы. (1722)
У киши(лар) бойиса, улғайса, шухрати-овозаси ёйилса,
Сўнг ундан кетаман (мен билан) унинг обрў-эйтибори
(ҳам) кетади.

Ёки:

Уларда бириси тилар йўз сувы,
Анар йўз сувы қылғу қанса қывы. (5399)
Улардан бири юз суви (яъни обрў) истайди.
Унга обрў кўрсатиш керак, (токи) унинг ўпкони
(яъни обрўга бўлган иштиёқи) қонса.

Келтирилган мисолларда «йўз суви» форс-тожик тилидаги «обрў» (оби рўй) билан тенг келади ва биринчи қарашда айни шу сўздан калька йўли билан олинган эмасмикан деган мулоҳазани туғдиради. Гарчи уларнинг маъно ва тузилиши шу фикрга ундаб турса-да, биз бошқачароқ фикрдамиз. Назаримизда, ушбу сўз бирикмасининг пайдо бўлиши ва туркий тилдаги истеъмоли анча қадимий тасаввурлар билан алоқадор. Ҳар ҳолда “сув”нинг кўплаб бирикмаларидаги лексик-семантик маъно қамровларининг жуда кенглиги шу мулоҳазаларга асос беради:

Оқуш сөзлама сөз, сэрин, тил кодаз,
Оқуш сөзламиш сөз сувы қалды аз. (4228)
Сўзни кўп сўзлама, ўйла, тилни сакла,
Кўз сўзлаган сўзнинг суви (яъни таъсири) оз қолади.
Тилим тыднумады, тэлим сөзлади,
Сөзүм эксүмади, сувы эксүди. (5323)

Тилим тийина олмади, талай сўзлади,

Сўзим камаймади, суви камайди.

Өкүш сөзлэдин, сөз сувы бармасу,

Өкүш сөзкә йалкар бу йанлук ира. (6390)

Сўзни кўп сўзладинг, (унинг) шираси кетмасин,

Инсон кўп (яъни ортикча) сўздан зерикиб безади.

Юкорида сувнинг қадимий эътиқод ва тасаввурлар билан боғланиб кетишини айтдик. Сув образининг пайдо бўлиши ва кейинчалик бадий адабиётда муайян такомил йўлини босиб ўтишида туркий халқларнинг реал ҳаёт шароитлари ҳам ўз таъсирини кўрсатганига шубҳа йўқ. Сув кўчманчи халқ ҳаётида ҳам, ўтроқ ҳаёт кечирувчилар учун ҳам бирдек аҳамиятли бўлган. Шунинг учун ҳам суви кўп бўлган жойлар алоҳида эътиборда бўлган. Шунга кўра лашкарбоши ҳақидаги бобда «лашкарни ўт-суви кўп бўлган жойга тушириш» ҳақида махсус эслатма (2313) ҳам бор.

Бойлик аломатлари саналганида «сув»нинг «йер» билан бирга қўлланиши ҳам эътиборни тортади:

Сарай, қаршы, йэр, сув сэни бирлэ йок,

Ат ўстам, қыз оғлан қыны бирлэ йок. (3394)

Сарой, каср, ер, сув сенда йўқдир,

От, зийнат, киз, ўғил (барча) ташвишлари билан йўқдир.

«Сув» берилган инъомлар «рўйхатида» ҳам мавжуд:

Бу қул, ат, адғыр, буй эр сув қамуғ,

Элигдин тэгиб ачты давлат қапуғ. (5655)

Бу қул. жория(лар), от, айғир, ер-сув ҳаммаси,

Элигдан (сенга) тегиб, давлат эшик очди.

Дунёнинг яратилишидаги тўрт унсурлардан бири сув эканлигини эслаш ҳам ўринлидир. Бу мифологик қарашга «Қутадғу билиг»нинг ўзида ҳам ишора мавжуд:

Үчи от, үчи сув, үчи болды йэл,

Үчи болды тупроқ ажун болды, эл. (139)

Учтаси ўт, учтаси сув, учтаси ҳаво бўлди,

Учтаси тупроқ бўлди, олам (ва) эл (шулардан) пайдо бўлди.

Шундай қарашлар (табнийки, бу қарашлар жуда қадим замонларга бориб тақалади) тизими сувнинг бадий образ сифатида ҳаёт манбаи, яшаш, яшариш рамзи сифатида шаклланишида омил бўлган. XI асрда эса у халқ тасаввур ва

этикодлар оламидан бадиний адабиётга кўчиб ўтган ва бу соҳада ҳам бир қатор анъаналарнинг яралишига сабаб бўлган.

Ҳар ҳолда Юсуф Хос Ҳожибда сув билан боғлиқ бўлган ниҳоятда хилма-хил образларни кўриш мумкин. Мана ҳозирги фикрга ҳамоҳанг мисралар. Уларда ҳам сув яшаш, тириклик, мавжудлик рамзи сифатида намоён бўлади:

Киши көңли бағ-тағ, йашарғу суви,

Бу бэғлар сочи-ул, кодазғу савы. (1776)

Қайу бағқа тэгса сув эксүмадин,

Чэчак йазлүр анда туман тү йыдын. (1777)

Киши кўнгли боғ кабидир, уни яшнатувчи суви (эса),

Беклар сўзидир, бу сўзни жуда эҳтиётлаш, кадрлаш керак.

Қайси бокқа ҳеч камаймасдан сув тегса,

Унда турли-туман ҳидлар билан гуллар очилади.

Сув-ўт қаршилиги асосида ҳам адиб бир қатор образларни яратади. Айниқса, асардаги асосий ғоя-адолат талқинида бу образлар фавкуллодда ёрқинлиги билан ажралиб туради:

Күйәр от турур күч йағуса күйар,

Төрү сув турур ақса нэъмәт үнар. (1998).

Зулм ёниб турган ўт (каби)дир, яқинлашса куйдиради,

Адолат (эса) сув (каби)дир, у оқса неъмат унади.

Ана шундай қаршилантириш бошқа бир қатор ходисалар тасвирида ҳам етакчи мавкени тутган:

Ағыздын ара от, ара сув чыкар,

Бириси йапуглы, биричи йыкар. (2646)

Оғиздан гоҳо ўт, гоҳо сув чиқади,

Бири тузади, бири бузади.

Табиийки, бу ерда ўт – йўқотиш, бузиш рамзи сифатида келаётган бўлса, сув тузиш, тирилтириш, яшатиш ва яшнатиш тимсолидир. Айни образлар бек образини очиш учун ҳам ниҳоятда ўринли қўлланган:

Ара от болур, кор, ара сув болур,

Ара күлдүрүр, кор, ара йығлатур. (3996)

(Улар) гоҳо ўт бўлади, кўр, гоҳо сув бўлади,

Гоҳо кулдиради, кўр, гоҳо йиғлатади.

Умуман асардаги кўп ўринларда сув ижобий маънолар комплекси билан боғланиб кетган. Сувсаган, ташнаган киши сув ичса, унинг бадани яйраб, ўзи қанот ҳосил қилиши табиий ҳолдир. Ана шу табиий лаҳза Юсуф Хос Ҳожиб учун поэтик

истиора яратиш имконини берган. Бу ерда фақат сувни... «кўз ичади»:

Эди эдгү нэң, бу киши көрки йүз,
Бу йүз көркинга сув ичэр эки көз. (2429)
Кишининг кўрки (бўлган) юз жуда яхши нараса,
Бу юз кўркидан икки кўз сув ичади.
Йағыз йэр йашыл сув йарашты билэ,
Ара мин чэчаклэр йазылды дўла.
Қора ер, яшил сув ярашгани туфайли,
Ўртада минг (турли) чечаклар кулиб очилди.

Юқоридаги кузатишлар асардаги яна бир нуктага аниқлик киритади. Маълумки, Ўзғурмиш ҳаёти охирида ўз умрига боғлиқ бўлган туш кўради. Ана шу тушдаги сув детали ҳам характерлидир. Ўзғурмиш тушида бир нарвон кўради. У эллик поғонали эди. У нарвондан бир-бир босиб, унинг охириги поғонасига ҳам оёқ қўйиб чиқади. Шунда:

Башында бир атчы мэнэ сув бэрүр,
Алыр-ма түгатү ичиб өз канур. (5910)
(Нарвоннинг) бошида бир отлик менга сув берди,
(Уни) олиб, тугатиб ичиб, ўзим қондим.
Тушдаги бу детални Ўгдулмиш шундай таъбир қилади:

Ыдышлығ сувуғ сэн алыб ичтүкүн,
Тириглик узун болға йылдыз кокүң. (5920)
Идишдаги сувни сен олиб ичганлигинг(нинг оқибати),
Тириклик илдизинг: негизинг узун бўлади.
Демак, сув – тириклик деган тушунча шу ерда ҳам мавжуд.
Уни Ўзғурмиш нутки орқали янада аниқроқ тасаввур этиш мумкин:

Тириглик болур сув сэн аймыш-тэг өг,
Йарым ичса қалса йарымы үлүг. (5933)
Йарым сув ичиб қодтум эрса йарым,
Йарым қалғай эрди тиригликларим.
Ыдышлығ сувуғ ичтим эмди түгал,
Түгаттим тириглик эсан эдгү қал.
Махмуд Қошғарий сув билан боғлиқ бўлган айрим мақолаларни ёзиб қолдирган.

Усуқмиша сақиг қамуғ сув коруну - чанқаган кишига ҳар бир сароб сув бўлиб кўринади;

Эшйак айур башим болса,

Сундурида сув ичкайман.

Эшак айтади: бошим омон бўлса, денгиздан сув ичаман.

Сув култи билан боғлиқ бўлган фольклор-этнографик қарашларнинг тўла комплекси Б.Саримсоқов томонидан ўрганилган¹, шунинг учун ҳам биз ана шу мулоҳазалар билан чегараланамиз.

«Қутадғу билиг»даги эпитетлар мажмуини киёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш қуйидагича хулосалар чиқариш имконини беради:

«Қутадғу билиг»даги бадиий тасвир моя (принцип)лари қадимги туркий адабиёт ҳамда туркий адабиёт анъаналари орқали етиб келган умумий қонуниятларга бўйсунди, унга амал қилади ва маълум даражада бу қонуниятларни бойитишга ҳисса қўшади.

Асардаги эпитетлар анъанага муносабати жиҳатидан иккига ажралади:

а) анъанавий эпитетлар:

б) янги (индивидуал) эпитетлар.

Биринчи турдаги эпитетлар қадимий дунёқараш, тасаввур ва эътиқодлар мажмуи (комплекси) билан зич алоқадорлигини ёзма адабиёт соҳаларида ҳам тўла сақлаб қолганлиги билан характерланади. Кейинги туркум эпитетларда ёзувчи (Юсуф Хос Ҳожибнинг) индивидуал ижодкорлиги, оламни бадиий идрок этишдаги ўзига хослиги намоён бўлган. Аммо ана шу ўзига хосликнинг кўп жиҳатдан миллий адабий-фольклор анъаналари заминидан ўсиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юсуф Хос Ҳожибнинг қадимги адабий-фольклор анъаналарига муносабатини белгилашда эпитетлар ўзига хос ўрин тутаяди. Улар орқали биз Юсуф Хос Ҳожибнинг қадимги адабий-фольклор анъаналарининг изчил давомчисигина эмас, аynи пайтда ана шу анъаналарни янги тарихий шароитда янада юксак поғонага олиб чиққан адиб сифатида ҳам тасаввур қилиш имконига эга бўламиз.

Асар эпитетлари, бир томондан, қадимги мифологик тасаввур ва қарашлар билан, иккинчи томондан, фольклор асарларида асарлар давомида шаклланган адабий этикет билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлган. Хусусан, ранглар билан

Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори – Т.: 1986. – 57-60-бетлар.

боғлиқ эпитетларнинг «Қутадғу билиг» бадий тўқимасидаги ўрни ва вазифалари ана шундай хулоса чиқаришга тўла-тўқис имкон беради.

«Қутадғу билиг»да қахрамонлик эпосининг кучли таъсири ҳам очиқ ойдин намоён бўлган. Бу ҳол айрим мавзуларнинг (масалан, лашкарбоши) ишланишидагина эмас, асардаги эпитетларнинг қўлланиши ва семантикасида ҳам ўз ифодасини топган. Эр, йигит, алп каби эпитетлар шулар жумласидандир.

Мавзу нуктаи назаридан асардаги эпитетларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ранг, материал, ҳажм-шакл ва умуман, объектларнинг ташқи белгиларига таянадиган эпитетлар;

2. Ахлокий-маънавий, эстетик, эмоционал йўналишдаги эпитетлар. Биринчи туркумни таъкидловчи, кейинги туркумни баҳоловчи эпитетлар деб айтиш мумкин.

«Қутадғу билиг»даги ранг билан боғлиқ эпитетлар пайдо бўлганидан XI асрга қадар жуда узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Бу йўлнинг бошланғич нуктасида турк-мўғул халқларининг қадимий ишонч-эътиқодлари, оламни мифо-поэтик идрок этишининг дастлабки ўзига хос белгилари бор.

«Қутадғу билиг» айрим эпитетларнинг миф-метафора-бадий образ силсиласидаги узлуксиз жараён босқичларини бевосита кузатиш имконини ҳам беради. Ана шу жараён Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари туфайли янада яқинроқ тасаввур этилади.

II БОБ «ҚУТАДҒУ БИЛИГ» БАДИИЯТИДА ФОЛЬКЛОР МОТИВЛАРИ

«Қутадғу билиг»нинг сюжети ҳамда ундаги мотивларнинг ривожланиш тарихи. уларнинг юзага келишидаги ижтимоий-бадий шароит ва пайдо бўлиш хусусиятлари, бу сюжет ва мотивларнинг ижтимоий-эстетик илдизлари, ҳеч шубҳасиз, бизда катта кизиқиш уйғотади. Аммо буларнинг ҳаммасини очиб бериш ҳаддан ташқари қийин ва масъулиятли вазифадир. Бунинг устига асар яратилган пайт билан бизнинг замонамиз орасидаги жуда катта хронологик айирма ҳам бизни баъзи масалалар моҳиятини ёритишда имконсиз қолдиради. Шунга қарамадан, дадил айтиш мумкинки, киёсий-типологик кузатишлар асосида юзага чиқадиган кўплаб ҳулосалар, асарда акс этган тарихий шароитнинг ўзига хос ифодаси, дунёни идрок этиш, асарга хос бўлган бадий қурилиш, асар орқали намоён бўладиган бадий-эстетик тафаккур тарзи XI асрдаги мустақил ва ўзига хос туркий ёзма адабиётнинг юксак намуналари мавжудлигидан далолат бериб туради.

Биз адабиётнинг сўз санъати эканлигини яхши биламиз. Аммо бу мутлақо абстракт, ҳаддан ташқари умумлашган тушунча эмас. Адабиёт – миллий анъаналарга таянадиган сўз санъати. Ундаги руҳият, эътиқод, урф-одатлар, тасаввур ва руҳий қарашларнинг ўзига хос ифодаси, миллий хусусиятларга йўғирилганлиги билан ажралиб туради. Бу нарса ҳатто адабий алоқаларнинг ҳар қандай даражасида ҳам тўла сақланади. Албатта, гап юксак даражадаги адабиёт ҳақида бормоқда.

«Бошқа адабиётлар билан, умумжаҳон сўз санъати билан ўзаро алоқаларда адабиётнинг умумий ўзига хослиги энг муҳим омил бўлиб қолаверади. Ҳар бир халқнинг сўз ижодкорлиги ўз миллий хусусиятларини сақлаб қолади. Бунинг йўқотиш мумкин ҳам эмас. Акс ҳолда миллий адабиётлар қизиқарли бўлмай қолади. Уларнинг ҳаммаси бир хил киёфали, гўё ўзининг табиий заминидан узилган гулларга ўхшаб қолади. Ўз ранги ва ҳидини сақлаб қолиши учун эса, гулларга зарар етмаган илдиз системаси зарур».

Ана шу илдиз системаларини тўла тасаввур этишда оғзаки ижодга хос бўлган айрим мотивларнинг асар бадиияти билан

муносабатларини белгилаш алоҳида ўрин тутди. В. В. Веселовский асар сюжетини айрим мотивлар комплексидан иборат деб тушунган ва тушунтирган эди. «Параллелизм асосига қурилган лирик услуб формуласи ўзининг у ёки бу қисмини ривожлантириб, кенгайтиргани сингари мотив сюжетиға ўсиб ўтади»¹.

В. Я. Пропп мотив ҳақида тўхтаб уни шундай изоҳлайди: «Қаҳрамоннинг сифати («икки ақлли ва бир аҳмоқ») ва сони («уч ака-ука»), қаҳрамонлар хатти-ҳаракати («ўлимидан кейин қабрини пойлаш ҳақида ота васияти ва унинг аҳмоқ ўғил томонидан бажарилиши»), предметлар («товуқ оёқли уйча»), талисманлар ва бошқалар мотив ҳисобланади»².

Юсуф Хос Ҳожиб асаридаги фольклор мотивлари ва умуман оғзаки ижод аъёналарини белгилаш бирмунча мураккабликларға эга. Зеро, фольклор асарларининг барчаси, уларнинг умумтуркий ёки алоҳида бир туркий қавмға мансублигидан қатъий назар, ёзиб олинган вақтиға кўра нисбатан кейинги даврларға тегишлидир. Шунга қарамай, халқ оғзаки ижодига тегишли бўлган асарлар таркиби ва тузилиши ҳақидаги тасаввурлар у ёки бу мотивларнинг турли шакл кўринишлари тараққиётини белгилаш имконини беради. Иккинчидан, «мотивларнинг нисбатан қадимги вариантлари кейин ёзиб олинган (матнлар) асосида палеонтологик ўрганиш йўли билан ҳам реконструкция қилинади. «Палеонтологик таҳлилнинг вазифаси — берилган дунёқараш ёки сюжет қурилишидаги олдинги даврлардан ўзлаштирилган элементларни, сюжетнинг шаклланиш жараёнини изоҳлаш мақсадида ҳамда ўша даврлардаги ёзма манбалар бўлганлиги туфайли бевосита адабий далолатларға эга бўлмаганимиз тафаккур ва қарашларнинг ривожланиш босқичларини реконструкция қилишдан иборатдир».

«Қутадғу билиг»даги сюжет тузилиши ва композицион элементлар ҳақида гапиришдан олдин И.В.Стебелеванинг қадимги туркий битиг тошларидаги ҳикоялаш усуллариға доир айрим кузатишларни эслаш ўринли бўлади. У ёзади: «Ҳар бир ҳикоя циклини юзаға келтирувчи уч ҳикоялаш унсурларини баёндаги қулайлик учун шундай айтиш мумкин: 1) бошланма

Веселовский А.Н. Историческая поэтика. — М.: Художественная литература. 1940, — с.495.

Пропп Б.Я. Морфология сказки. Издание 2-е. — М.: Наука, 1969, — с.20.

(зачин); 2) цикл мазмунини ривожлантириш; 3) хотима (концовка). Бунда шу нарсага ҳам эътибор бермоқ керакки, ҳар бир ҳикоя цикли муайян мавзуларга бағишланган ва уларни аниқлаш Ўрхун матнлари композицион таркибининг барча унсурларини синчиклаб ўрганиш натижасидагина мумкин бўлади»¹.

Шу ўринда Б.Я.Пропнинг бир фикрини ҳам эслаш ўринли, зеро, рус халқи эртаклари асосида чиқарилган бу хулосалар универсал характер касб этади. У ёзади: «Эртақ одатда айрим бошланғич вазият билан бошланади. Оила аъзолари саналади ёки бўлғуси қаҳрамон (масалан, аскар) унинг номини келтириш ёки мавқеини эслаш билан киритилади. Гарчи бу вазият функция ҳисобланмаса-да, шунга қарамай, у муҳим морфологик элемент саналади»².

Туркий халқлардаги сеҳрли эртақлар ҳам аynи шу хусусиятларга эга. Ҳатто, дostonлар композициясида ҳам шу ҳол кенг такрорланади. Юсуф Хос Ҳожиб асарида ҳам аynи бошланма мавжуд. «Қутадғу билиг»нинг дастлабки қаҳрамони ҳам худди фольклордагидек «намоён» бўлади: у асарга «бег» лавозимида, Кунтуғди номи билан «кириб келади». Иккинчи қаҳрамоннинг киритилишида ҳам шу ҳол такрорланади. («Бир Айтолды атлығ эр эрди йётиг»). Ҳар икки қаҳрамонни тингловчи (ўқувчи)га таништиришда эртақ бошланмаси (зачинлари) каби «Бир бор эди, бир йўқ эди...» етишмайди холос. Ойтулдиннинг фавқулodда («ғайритабий») хусусиятлар эгаси сифатида талқин қилиниши ҳам эпик аъналар фонида тасаввур этилади:

Қамуғ түрлүг эрдәм түгәл өгрәниб

Йурыр эрди эрдәм әлигкә алыб³.. (454)

Барча хил санъат-хунарни тугал ўрганиб,

Санъат-хунарларни қўлига олиб (яъни эгаллаб) юрар эди
Маълумки, эртақ қаҳрамонларининг ҳаракатга келишида «оила аъзоларидан бирига нимадир етишмайди, у нимагадир эга бўлишни истайди»⁴.

Стеблева И. В. Поэтика "Кутадгу билиг". – СТ, 1970, № 4, с. 29

Проп Б. Я. Морфология сказки. Издание 2-е, – М.: Наука, 1969. – с.29.

Мисолларнинг барчаси асосан қуйидаги китобдан олинган. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадгу билиг (Саодатга йўловчи билм), транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Т.: Фан, 1971. Бундан кейин байтлар сирасигина кўрсатиб кетилади. Бошқа манбалардан олинган мисоллар алоҳида кўрсатилади.

Уша китоб, 37-бет.

Бу нарса келин (ёки дўст, умуман инсон), сеҳрли воситалар, масалан олма, сув, от, килич ёки уларнинг рационал шакллари пул, тирикчилик воситалари ва бошқалар бўлиши мумкин¹.

Достоннинг Кунтуғди элиг ҳақидаги дастлабки сўзи туркий халқлар эпосидаги бошланма (зачин)лар функциясига тўла мувофиқдир:

Бэг эрди ажунда бөгү билгэ баш,

Бу бэглиг үзэлэ ажун болды йаш, (398)

Бу Кунтуғды эрди аты бэлгүлүг,

Ажунда жавыкмыш қуты бэлгүлүг. (399)

Жаҳонга билағон, доно саркор бек бўлган эди,

Бу(нинг) беклиг(и) даврида олам яшариб кетди.

Бу (бек) Кунтуғди эди, оти таникли эди,

Оламда донг таратган ва бахту давлати барқарор эди.

Гарчи шундан кейин Кунтуғди энг юқори нукталардаги мақтовлар билан сифатланса-да, у асарда энг камҳаракат, фаолияти нисбатан чегараланган қаҳрамондир. Аслида шу ҳолатнинг ўзида ҳам эпик анъаналар таъсирини илғаш мумкин, чунки «халқ бирлиги ғоясини ўзида сингдирган эпик ҳукмдорнинг ўзи, одатда, айрим эпик сюжетлар ривожиди фаол ўрин тутмайди». В.В.Пропп айтган «нимагадир интилиш истаги»га келганда шуни айтиш лозимки, у ўзбек халқ эртаклари учун ҳам хосдир.

«Қора мушкул от» эртагида подшо фарзандли бўлишни истайди. «Жўрахон»да эса бой ҳар йили йўқолиб қоладиган тойчаларини топиш орзуси билан яшайди. Қаҳрамонларни дастлабки ҳаракатга ундаган нарса ана шу истакларни рўёбга чиқариш мотивидир. Достонда Кунтуғди истаги эса шундай ифодаланади:

Кэрэк бир мэнэр эмди өдрүм киши,

Уқушлуғ билиглиг кишилэр башы (415).

Энди менга сара бир киши лозим,

Заковатли, билимли, кишилар саркори.

Фольклор асарларида истак етакчи қаҳрамоннинг ўзигагина боғлиқ ва бутун сюжетдаги ҳаракатлар тизими мана шу истакнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган воқеалар тафсилотининг тасвирига қаратилади.

¹Уша жойда.

Албатта, ёзма адабиётда фольклорга хос бўлган барча унсурларнинг айнан такрорланиши шарт эмас, бу ерда кўплаб ўзига хосликлар намоён бўлиши мумкин. “Кутадғу билиг” муаллифи ҳам буни жиддий тарзда назорат қилади. Агар фольклор мотивининг айнан ўзи олинганида Кунтуғдиннинг истаги кифоя қилиши мумкин эди. Аммо бу фольклордаги реаллик билан ёзма адабиётдаги бадиий реаллик хусусиятларини тенглаштириш, аниқроғи улар орасидаги тафовутни инкор қилишга оилиб келган бўлар эди. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Ҳожиб бундай ўринларда ҳаётий реалликка устуворлик беради. Истақ эгаси сифатида яна бир қаҳрамон – Ойтўлди ҳам намоён бўлади:

Өзингә бақыб айды мән ма бу күн,
Түмән эрдәмүм бирлә халқда бурун.
Нәкү-тэг йурыр-мән бу йәрдә куруғ,
Элигкә барайын, қылайын тапуғ.
Элигкә тосулсун бу эрдәмләрим
Ачылсун мәниң кәтсү эмгәкләрим. (455 – 457)

Ўз-ўзига (қараб) айтди: Мен-ку бу кунларда
Бехисоб санъат-хунарларим билан халқдан ажралиб.
Нима учун юрибман бу ерда бекорга,
Элиг хузурига борайин, (унга) хизмат қилайин.
Элигга ярасин бу санъат-хунарларим.
(Элиг) хурсанд бўлсин, менинг ташвишларим кетсин.

Фақат бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ҳукмдорнинг фарзанди йўқ. Фарзандсизлик мотиви ҳам эпослар учун хослигини алоҳида таъкидлаш эҳтиёжи бўлмаса керак. Нисбатан кейинроқ, Ойтўлди вафотидан сўнг, унинг ўғли Ўғдулмишга йўналтирган нутқидагина Кунтуғдиннинг Ўғдулмишни ўғил қилиб олганлигини илғаш мумкин:

Атаң өлди эрсә атаң - мән сәңә
Аталық қылайын оғул бол мәнә (1530)
Отанг ўлган бўлса, мен сенга отаман,
(Мен) оталик қилайин, (сен) менга ўғил бўл.

Бироқ, уни ўғилликка қабул қилиш сабаблари баёнида биз фольклор анъаналаридан кўра кўпроқ ёзма адабиёт принципларини ҳис қиламиз.

Ойтўлди адолатпарвар, меҳрибон, ўзгадарнинг меҳнатини кадрлашни уддасидан чиқа оладиган шахс сифатида

Ойтўлдининг вафоти учун каттик кайғуради. Унинг ўғлига шунинг учун ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Отасидан ажралиб қолган ўғилга тасалли беради. Айни пайтда мана шу ҳолатда Ойтўлдининг ўз ёнида узоқ муддат бирга ҳамкорлик қилган дўстга рнисбатан буюк бир ҳурмат ва садокат ҳам акс этади. (1569-1577-байтлар).

Кунтуғди назарида бошқалар меҳнатини кадрламайдиган кишалр инсон деган нмга номуносибдир.

Ўгдулмиш билан боғлиқ ҳолда дастлаб кўзга ташланадиган нарсa унинг ёлғиз ўғил ҳамда *фавқулодда* (халк эпосларидаги «ғайритабиий» хислатларга аналог сифатида) хусусиятларга эгалигидир. Достоннинг кейинги қисмларида бу фавқулоддаликка яна эътибор қаратилган. У Ўгдулмиш тимсолидаги мукамалликдан ҳайрат тарзида кўринади:

Атаң олди қалдың сэн оғлан кичиг
Кичигкэ бэдүгтин болур йол кэчиг. (1764)

Атаң өгрэтүмэди эрдэм билиг
Тэгүмэди андын сэнэ өг билиг.

Нэ-тэг-мэт йумытты бу эрдэм сэнэ
Айу бэргил эмди муны сэн мэнэ (1766).

Отанг ўлиб кетди, сен (эса) гўдак қолдинг,
Кичикларга улуғлардан йўл-йўриқ бўлади.

Отанг сенга хунар ва илм ўргата олмади,
Сенга ундан ақл ва илм ўрганиш насиб бўлмади.

(Шундай экан) сенда бу санъат-хунарлар қаердан
жам бўлди?

Булар ҳақида сен менга гапириб бер.

Ойтўлдининг мана шу «кичкинагина» ўғли ғайриодатий тарзда ҳамма нарсага ўта кучли қобилият кўрсатади. «Барча халқларнинг эпик асарлари учун қаҳрамоннинг дастлабки ёшлигида, кўпинча болалик чоғида, кўп ҳолларда катталар ҳам улдасидан чиқмайдиган ишларда қаҳрамонлик кўрсатиши характерлидир».

Ўгдулмишнинг “қаҳрамонлиги” албатта, жисмоний кучларни кўрсатиш ва синовдан ўтказиш билан белгиланмайди. У ўзидаги бу хислатларни интеллектуал соҳада намоён этади. Шу ўринда Ўгдулмишнинг асарда “АҚЛ” тимсолида намоён бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўгдулмишдаги салоҳиятни, ақлий қувват даражасини кўрсатиш учун Юсуф Хос Ҳожиб ўзига хос шаклларни ишга солади. Шулардан бири бевосита муаллиф нуктаи назарининг ифодаланиши билан алоқадор. Бундай ўринларда тавсиф ктакчи мавке тутади.

Бошқа бир шакл эса Ўгдулмишдаги юксак ақлий имониятларни савол-жавоблар воситасида кўрсатишга қаратилган. Бу савол-жавоблар Кунтуғди элиг ҳамда донишманд Ўзгурмиш ораларида бўлиб ўтади. (Сал олдинроқ, Ойтўлди вафот этмасидан бурун бундай шакл Ойтўлди ва Ўгдулмиш мулоқотларида ҳам қўлланганини кўриш мумкин).

Элиг Ўгдулмишга бир қатор саволларни беради. Ўгдулмишнинг жавобларидан унинг нақадар доно ва билимдон, зукко ва сермулоҳаза, одам ва оламга хос ҳодисалар моҳиятини билиш ва талқин қилишидаги фавқуллоддалик англашилиб туради. Алоҳида таъкидлаш лозимки, буларнинг барчаси инсондаги жисмоний қудрат ҳамда фазилатлар тасвири ва тасдиғи учун эмас, балки инсондаги маънавий олам ҳодисалари билан алоқадор бўлган хусусиятларини кўрсатиб беришга қаратилган. Жумладан, элигнинг инсондаги нафи кўп бўлган фазилатлар нимладардан иборат? деган саволига Ўгдулмиш шундай жавоб қайтаради: Инсондаги энг улуғ фазилат эзгу қилиқ ва гўзал хулқдир. Бундан кейин шарм-ҳаё, ростгўйлик келади. Мана шу яхши фазилатлар қайси одамда жам бўлса, ўша одам бахтга эришади. Хулқ гўзал кишини барча халқ севади, бундай кишилар ҳар доним тўрдан жой олади. Шарм-ҳаёнинг шарофати шундаки, у кишини ҳамма нолойиқ, ярамас ишлардан тийиб туради. Аслида киши учун уятсизликдан ярамасроқ иллатнинг ўзи йўқ. Ростлик, шарму ҳаё ҳамда гўзал хулқ бирикса, бу улуғ саодатдир.

Элиг ундан ёмон ва фойдаси бўлмаган хусусиятларни ҳам сўрайди. Ўгдулмиш булар қаторида ўжарлик, ёлғончилик, бахиллик ва очкўзликни санаб кўрсатади.

Элигнинг саволлари ниҳоятда хилма-хил. Уларнинг айримларини келтириш билан бу саволларнинг мазмун ва моҳиятини тўлароқ тасаввур қилишимиз мумкин бўлади:

Инсон онасидан билимдон бўлиб туғилладими ёки у билимни ёши етилгандан кейин ўрганадими?

Отанг вафот этганида сен ҳали анча кичкина эдинг. Шунга қарамасдан бунчалик кўп билимни эгаллашга қандай қилиб улгурдинг?

Билим билан укув-идрокнинг фаоки борми? Бу фврк нималарда кўринади?

Кўнгил хушлиги деганда нимани тушуниш керак, кўз муддаси нималардан иборат?

Яхши кўришнинг белгилари қанақа бўлади?...

Мана шу саволларга жавоб бериш асносида Ўгдулмиш ўзидаги “фавқулудда” хислатларни намоён этади.

Яна бир марта таъкидлаш ўринлики, фольклордаги қаҳрамоннинг фавқулудда хислатлари, кўпрок унинг жисмоний жиҳатдан куч-қудратининг чексиз-чегарасизлигини кўрсатишга қаратилади (Алпомишнинг бобосидан қолган ва ҳозиргача (унгача) ҳеч ким ҳатто жойидан ҳам силжитишни уддалолмаган ёйни қўлга олиши, Қоражон билан кўришишдаги қудратининг намоён бўлиши, алпларга қарши бир ўзининг кураши...). Фольклор қаҳрамонларининг ўтда ёнмас, сувга чўкмас, ўқ ўтмас бўлиши ҳам ана шу талаб натижаларидир. Юсуф Хос Ҳожиб эса мана шу мотивни ўз достонининг табиатидан ва ўз олдига қўйган бадий-эстетик ниятидан келибчиққан ҳолда қаҳрамонининг ақлий имкониятларини тавсифлаб бериш учун йўналтиради. Натижада, Ўгдулмиш бизнинг кўз ўнгимизда ҳозиржавоб, билимдон, доно, қатъиятли бир инсон сифатида намоён бўлиб бораверади.

2.1. Синов мотиви

Фольклор асарларидаги асосий композицион халқалардан бири **кураш** билан белгиланади. В.Я.Пропп қаҳрамон ва унинг зидди (антогонист) орасида бевосита кураш бир неча шаклларда намоён бўлишини кўрсатади:

1. Улар очик майдонда курашади...

2. Улар мусобақалашади...¹

Бу жиҳатдан Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш муносабатлари характерлидир. Эртақлардан фарқли равишда бу кураш оғизда, яъни сўз билан бўлади. Унинг моҳиятини эса Ўзғурмишнинг элиг саройига – шаҳарга таклиф этиш ташкил этади.

¹Уша китоб, 49-50-бетлар.

Эртақларда антогонист ҳар доим енгилади. Қаҳрамон ғолиб бўлади. Ўғдулмиш ҳам «енгади», Ўзғурмиш «енгилади». У шаҳарга боришга розилик беради. Шундай қилиб элиг Кунтуғдига етишмайдиган нарса ҳам ўз ўрнига тушади. Бу мотивни В.Я.Пропп «дастлабки кулфат ёхуд етишмовчиликнинг тугатилиши» деб баҳолаган эди.

Эртақлардаги «қийин вазифани бажариш» «Қутадғу билиг»да кураш билан қўшилиб кетган. Кураш эса энди жисмоний эмас, балки маънавий олам билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Аниқроғи, у китобда мунозара қилмоқ шаклида намоён бўлади.

«Одғурмиш Ўғдулмиш бирлэ муназара қылмақыны айур», «Ўғдулмиш Одғурмишқа экинч муназара қылмақын айур» (3881-4776-байтлар) боблари ва Ўғдулмишнинг учинчи марта Ўзғурмиш ҳузурига бориши (4867-4903 байтлар) ана шу мунозараларга бағишланган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўринларда қаҳрамонларнинг ўзига хос сифат ва фазилатлари уларнинг ақлий заковатида, фикрлаш тарзида, суҳбатдошига бўлган ўзига хос ижтимоий-маънавий муносабат ва баҳоларида ёритиб берилади.

Фольклор асарларида (жумладан эртақларда) топширик бериш ва бу топширикнинг бажарилиши алоҳида аҳамиятга эга ва у кўпинча воқеа ривожини ва қаҳрамон тақдирида муҳим ўрин тутди. Топширик (синов)нинг ўзи эса ғоят хилма-хил бўлиши мумкин: емак-ичмак билан синаш; олов билан синаш; топишмоқ айтиш ва бошқалар. Уларни бажариш топширик (синов)нинг бажарилишини таъминлайди. Юсуф Хос Ҳожиб асарида бундай мотив икки кўринишда намоён бўлади.

1. Кунтуғди ва Ойтуғдиларнинг жумбокли ҳаракатларида;

2. Ўғдулмишнинг Ўзғурмишни шаҳарга ундаши ва уни кўндириб олиб келишида.

Ҳаракатдаги қаҳрамонлар фаолияти, янада аниқроғи, уларнинг вазифа (функция)си нуктаи назаридан ҳам «Қутадғу билиг»да фольклор изларини кўриш мумкин. Факат бу функциялар асарда анча мураккаб шаклларда юз беради.

Умуман олганда, «Қутадғу билиг»нинг ниҳоятда содда сюжет тузилиши ва ўзига хос композициясида туркий фольклорнинг қадим анъаналари жуда устивор ҳолда намоён бўлади. Мулоҳазаларимизни асар композиция ва сюжетида алоҳида ўрин

тутадиган айрим мотивлар ҳақида батафсилроқ тўхтаб, шулар асосида баён этишга ҳаракат қиламиз. Булар:

1. Синов мотиви.
2. Тонг-сахар мотиви.
3. Туш мотиви.
4. Учлантириш мотиви.

Китобимизнинг кейинги саҳифаларида бу мотивларнинг намоён бўлиш шакллари кузатишга ҳаракат қиламиз.

Фольклор асарларидаги асосий композицион элементлардан бири қаҳрамоннинг муайян синовдан ўтиши билан алоқадор. Масалан, «Бектемир тўғри майдонга борди-ю, бор кучини тўплаб туриб қирқ кулоқли олтин соққани даст кўтариб осмонга иргитиб юборди» («Бектемир ботир»), «Лўнда полвон кетаётса, рўпарасида икки қўлига тегирмон тоши кийган бир киши катта тоғни миниб кела берибди. Лўнда полвон: - Қани икковимиз курашиб кўрайликчи? Агар мени йиқитсанг, Лўнда полвонни ҳам йиқитасан, - дебди. Лўнда полвон тоғ минган полвонни чунон кўтариб урибдики, бир қарич ерга кириб кетибди».

Кунтуғдиннинг Ойтўлдини ва аксинча, Ойтўлдиннинг Кунтуғдини синаган лавҳалари аслида фольклордаги ушбу хислатларнинг аналоглари сифатида баҳоланмоғи керак. Аммо ёзма адабиётдаги ушбу мотивдан фольклордаги барча деталь ва маъноларни талаб қилиш ўринли бўлмас, шунга кўра ҳам, эртақлардаги қаҳрамон синови аниқ деталлар орқали амалга оширилса, «Қутадғу билиг»да бу нарсани икки шаклда намоён бўлади: бир байт доирасидаги сўз билан эслаб ўтилади холос:

Камуғ түрлүг ишкә сынады элиг

Тиләк-тәг түгәл булды тапнур эриг (605).

Элиг (Ойтўлдини) турли ишда синади,

Хизмати(ни) қилувчи кишини тилагидагидек топди.

Яна қаранг:

Бир анча йурыды сынады элиг

Қамуғдын түгәл булды булмыш эриг (749).

Ойтўлди бир муддат шу тарика юрди, элиг уни синади,

Ўзи етишган кишини барчадан етук топди.

Айни тавсиф Ўгдүлмиш учун ҳам берилади:

Сынады бу элиг көр Өгдүлмишиг

Көнилик узә булды барча ишиг (1685).

Элиг Ўгдулмишни синади, кўр,

Барча ишларининг тўғри эканлигини кузатди.

Ўрни келганда айтиш лозимки, синашнинг донишмандлик, маънавий камолат билан алоқадор жихатлари «Кутадғу билиг»да кўпроқ акс этган;

Некү тэр эшитгил Өтүкән бэги

Сынаб сөзләмиш сөзни йэтрүб өги (1928).

Ўтукан беги нима(лар) дейди, эшитгин,

(У) сўзни синаб мулоҳаза билан сўзлабди:

Некү тэр эшитгил сынамыш киши

Сынаб эдгү эсизни билмиш киши (2180).

Синаган киши нима дейди, эшитгин,

Синаб яхши-ёмонни билган киши.

Аслида Ойтўлдининг давлат тимсоли эканлигини кўрсатиш ва Кунтуғдининг адолат рамзларини тушунтириш эпизодлари (606-820-байтлар) ҳам ана шу синов мотивларидан ташкил топган.

Дастлабки сахна Ойтўлди билан алоқадор. Унинг қисқача баёнини шундай келтириш мумкин:

Элиг бир куни Ойтўлдини таклиф этади. Ойтўлди келиб, ўзи олиб келган бир тўп (копток)нинг устига ўтиради. У элиг саволларига жавоб бераркан, элиг сўздан тўхташи билан кўзларини юмиб олади. Кунтуғди кулиб қараганида Ойтўлди юзини тескари ўтиради. Элиг қаттиқ ғазабланади. Ойтўлдини ўзига ниҳоятда яқин тутганидан пушаймон бўлади.

Ана шундан кейингина Ойтўлди ўзининг жумбоқли хатти-харакатларини изоҳлаб беради:

Муну мэн ма эмди сэнэ кэлдугум,

Мениң қылқым эрди бу көргуттугум (645)

Орун бэрдиң ашну мэн олтурмадым

Орун йоқ мэнэ сэн муны уқ тэдим

Тобық йэрдэ урдум бу сөз бэркиту

Өзум йаңзағыны сэнэ көргиту

Нэ-тэг ким орунсуз тобық йувлынүр,

Аның-тэг ма давлат өзум тэзгинүр

Сэвэ бақтың эрсэ көзум йумдугум

Сэнэ көргитүр-мэн нэкү эрдүгүм

Бу кун мэн ма давлат қарағу саны

Мэнэ ким илинсэ тутар-мэн аны

Йана сөзләдиң сән йәмә сөзләдим
Сэвә бақтың эрсә йүзүм кәзләдим
Өзүм көргитүр өз қылыңчын сәнә
Айур кылқым ирсәл ынанма мәңә.

Мана, энди менинг хузурингга келишим(нинг сабаби),
Менинг сенга намойиш қилганларим менинг одатим эди.
Сен ўзинг бердинг, аввалига мән ўлтирмадим.
Чунки менга ўрин йўқ, сен буни тушуниб ол, демокчи бўлдим.
Ерга тўп (копток) қўйишимда шу мазмуннинг сири бор эдики,
Ўзимнинг нимага ўхшашлигимни сенга кўрсатмоқчи эдим.
Тўп (копток) (бир барқарор) ўринсиз думалаб юргани каби,
Мән [яъни давлат] ҳам унинг каби (ўринсиз) кезаман.
Илтифот билан боққанингга кўзимни юмганим (сабаби),
Сенга ўзимнинг қандайлигимни кўрсатмоқчи эдим.
Бу кунларда мән [яъни давлат] ҳам бир кўр киши кабирман,
Ким менга илашиб қолса, унга қаттиқ ёпишиб оламан.
Сән яна сўзладинг, мән ҳам сўзладим,
Сән илтифот билан боққач, мән юзимни яширдим.
(Бу билан) мән сенга ўз қилиқларимни кўрсатдим,
Менинг барча қилмишларим жафо, менга ишонма, дедим.

Бундай жумбокли ҳолатлар туркий эпик асарларнинг кўпида учрайди. Аммо ҳозир ушбу тезис исботи билан шуғулланмасдан, мавжуд ҳолатнинг Кунтуғди элиг тимсолида яна бир марта тақдорланишига назар солайлик. Мана шу ҳолат:

Элиг бир кун олдруб өзи йалңузун
Эвин қылды хали ирикти узун (750)
Оқыды көр Айтолдықа қылды йол
Бу Айтолды кирди қазуштурды қол
Элиг өтру турды адақын өру
Элиг сөзләмәди бир анча туру
Бақыб көрди элиг көзин имләди
Ишарат билә кәлгил олдур тәди
Бу Айтолды олдурды акру амул
Көзин йәркә тикди тарутты көңул
Элигкә бақа көрди йашру көзун
Қашы көзи тугмиш ачытмыш йузин
Кумуш курси урмыш узә олтурур
Бу курси адақы уч адры турур

Бэдуг бир бичәкиг әлигдә тутар
Солындын урагун оңындын шакар
Аны көрди эрсә бу Айтолды чын
Катыг көркты өзкә куды алды тын.

Әлиг бир куни ёлғиз ўзи ўлтириб,
Уйини (барчадан) холи қилди, узок муддат (ёлғизликда)
сиқилди.

Кўргин, у Ойтўлдини чақирди, унга (киришга) йўл
берди,

Ойтўлди кирди, қўл қовуштириб турди.

әлиг қаршисига келиб тик турди,
Әлиг бир муддат сўзламай турди.
Әлиг унга қараб, қўзи билан имлади,
Ишорат билан келгин, ўлтиргин, деди.
Ойтўлди оҳиста, эҳтиёт билан ўлтирди,
Кўзини ерга тикди, юраги сиқилди.
Кўз қири билан әлигга қараб кўрди,
(Әлиг) қош-қовоғини солган, юзини буриштирган (эди).
Кумуш курси қўйиб устида ўлтирарди,
Бу курсининг оёғи уч айрилиқ эди.
Қўлида улкан бир пичоқ тутган,
Сўл томонида – уроғун (бир хил дори), ўнгида эса шакар
(шарбат).

Уни кўргач Ойтўлди чиндан (ҳам)
Ўзидан қаттиқ кўрқди, чуқур нафас олди.

Ойтўлди ушбу ҳол сабабини сўраганида Әлиг шундай
изоҳлайди:

Бу курси узәлә өз олдурдуқы
Адақы уч-ул көр э көңлум тоқы
Қамуғ уч адақлығ эмитмәс болур
Үчәгу турур туз қамытмас болур
Қалы уч адақта эмитсә бири
Экиси қамытар учар ул ары
Қамуғ уч адақлығ көни туз турур
Қалы болса төрт көр бир эгри болур
Қайу нән туз эрсә қамуғы уз-ул
Қамуғ уз көру барса қылқы туз-ул
Қайу нән эмитсә көр эгри болур
Қамуғ эгриләр эсиз урғы болур

Қайу туз эмитсә турумас тушәр
 Қайу туз көни болса тушмәс сэрәр
 Мәниң қылқым ул көр эмитмәс көни
 Көни эгри болсә көнилик куни булар йўк
 Көнилик узәлә кәсәр-мән ишиг
 Адырмас-мә бәгсиг йа қулсығ кишиг
 Бу бөгдә бичәк ким әлигда тутар
 Бычығлы кәсигли турур әй үнәр
 Бичәк-тәг кәсәр-мән бычар-мән ишиг
 Узатмас-мә даъва қылығлы кишиг булар йўк
 Шакар ул киши йәр аңа куч тәгиб
 Төрү бұлса мәндин қапугқа кәлиб
 Шакар-тәг сучину барыр ул киши
 Сәвинчлиг болур анда йазлур қашы
 Урағун йәмә ул кишиләр ичәр
 Өзи кучкәй эрсә көнидин качар
 Мәнә кәлсә тутшу төрү бәрсә-мән
 Урағун ичәр-тәг ачыр көрсә-мән
 Бу қашым туғуги бу көркәсузлукум
 Күчәмчи кәлиркә бу йүзәсузлукум
 Кәрәк оғлум эрсә йырақ йа йағук
 Кәрәк барқын эрсә кәчигли қонук
 Төрүдә әкигу мәңә бир саны
 Кәсәрдә адын булмағай ул мәни (803)

Мен устнга ўлтирган бу курсининг
 Оёғи учтадир, кўргин, әй кўнгил тўким.
 Барча уч оёқли нарса силжимас бўлади,
 Ҳар учаласи (поялари) баробар, қимирламайдиган бўлади.
 Агар учала поядан бирортаси оғса, силжиса,
 Қолган иккаласи ҳам силжийди, у курси йиқилади.
 Барча уч пояли (оёқли) нарса тўғри ва рост туради,
 Агар тўрт (пояли) бўлса, кўргин, бири эгри бўлади.
 Қайсики нарса тўғри бўлса, унинг бутун борлиғи фузун
 бўлади,
 Агар кўра билсанг, барча фузун (нарса)нинг килмишлари
 рост бўлади.
 Қайсики нарса оғадиган бўлса, у эгри бўлади, кўргин,
 Барча эгриларнинг эса ёмон уруғи бўлади.

Қайси бир тўғри (нарс) оғса, у яшамайди, йиқилади,
Қайси бир тўғри (нарс) рост бўлса, йиқилмайди, барқарор
туради.

Менинг қилиқларимни кўргин, у оғмас, тўғридир,
Хоҳ тўғри, хоҳ эгри бўлсин, ҳукм чиқариш пайтида.
Ишни адолат юзасидан ҳал қиламан,
Бег (сифат) ёки қул (сифат) кишиларни ажратиб,
фарқлаб ўтирмайман.

Мен қўлимда тутиб турган ханжар (сифат) пичок эса
Қирқувчи ва кесувчи бир нарсадир, эй униб-ўсувчи.
Пи .оқдек кесаман, ишларни бичиб ташлайман,
Даво-туҳмат қилувчи кишининг (ишини) узатиб, чўзиб
ўтирмайман.

Шакарни шу киши ейдики, унга мабодо зўрлик-зулм ўтган
бўлса,

Ва даргоҳимга келиб мenden ҳақ-адолат топса.
У киши шакардек чучук бўлиб [яъни шод бўлиб] кетади,
Севинчга тўлади ва хурсанд бўлади.
Уроғун (бир хил дори)ни шундай киши(лар) ичадики,
Унинг ўзи зўравон-золим ва тўғрилиқдан қочадиган бўлса.
Жанжаллашиб менга келса, мен ҳукм қилсам,
Менинг назаримга тушса, уроғун ичгандек ачийди [яъни
азият чекади].

Бу қовоғимнинг солиқлиги, бу кўрксизлигим,
Зўравонлиқ қилувчиларга менинг юз хотир қилмаслигимнинг
рамзидир.

Хоҳ ўғлим бўлсин, хоҳ йироқ, хоҳ яқин кишим бўлсин,
Хоҳ чакмоқ каби ўткинчи меҳмон бўлсин.
Адолат борасида ҳар иккаласи мен учун бирдек,
Ҳукм буюришда улар мени ўзгача кўрмайди.

Кўриниб турибдики, Кунтуғдиннинг хатти-ҳаракатларида ҳам,
унинг атрофидаги ёхуд у ишлатган предметларда ҳам катта бир
жумбоқ – рамзлар мавжуд. Кунтуғдиннинг ўз баёнидан маълум
бўладики, унинг уч оёқли курси-тахтда ўтиришининг боиси
дунёдаги «бор уч оёқли нарсалар мустаҳкам бўлади». Қўлдаги
пичок эса адолат тўғрилиқ тимсолидир. Шакар яхшилиқ қилган
ва яхшилиқ кўрган кишиларга, заҳар эса зулм-зўравонлиқ қилган,
тўғрилиқ йўлидан чекинган шахсларга мўлжалланган.

Туркий, фақат туркий эмас, жаҳон халқлари эртаклари, эпосларидаги жумбоқ-рамзлар кам учрайдиган ҳодиса эмас. Уларни ўзбек халқ эртакларида ҳам тез-тез учратиш мумкин.

Эртақлардаги «жумбоқ» мотивига тўхтар экан, фольклоршунос Ғ.Жалолов улар «идеал ижобий қаҳрамонни синаш, унинг доно, кўрқмас, билимдон киши эканлигини, тадбиркорлигини намоиш этиш учун ишлатилади», – деб қайд этади. Шунингдек, бу хил эртақларни **топишмоқ эртақ** деб аташни таклиф этади. Аммо таркибида жумбоқ бўлган эртақлар ғоят хилма-хилдир. Ҳатто олимнинг ўзи ҳам уларнинг «метафорик формаси» ҳақида гапириб ўтади¹.

«Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди» китобининг муаллифлари ёзишади:

«Топишмоқли эртақларда ўткир зехн ва донишмандликни нақл этиш асосий ўрин тутати... «Аёз», «Давлат мирза», «Давлатли киши», «Эркисиз фолчи», «Донишманд аёл», «Гулфараҳ» қабилар шундай эртақлар бўлиб, уларда ҳикоя қилинган доно, ақлли, идрокли кишилар халқ орзусининг тимсоли сифатида намоён бўладилар».

Назаримизда, бу хил эртақларга нисбатан, «жумбоқли» сифати ўринлироқ кўринади. Зеро, биринчи ҳолатидан кўра, бу ерда бир оз эркинлик бор.

Ўзбек топишмоқларини ўрганган З.Хусаинова «мураккаб сюжетли топишмоқлар» ҳақида гапириб жуда гўзал бир мисол келтирган. Мана у:

Қиз тушини чечасига айтиб тургани:

Оч газадан чанг чиқди,

У нимадир, чечажон?

Жўра отли бир чиқди

У нимадир, чечажон?

Ёлғиз отли бир чиқди

У нимадир, чечажон?

Адир ўти чангиди

У нимадир, чечажон?...

Чечаси тушини жўраб тургани:

Оч газадан чанг чикса,

Жовчи келар, она қиз.

Жўра отли бир чикса,

Жалолов Ғ. Ўзбек фольклорини жанрлараро муносабат. – Т.: Фан, 1979. 128-30-бетлар.

Куда келар, она қиз.
Ёлғиз отли бир чикса,
Куёв келар она қиз.
Адир ўти чангиса,
Қўй келади, она қиз¹.

Бу хилдаги шеърӣй жумбоқли айтишув “Жорхун Мастон” дostonидаги Юсуф Хўжа ва Ғани айтишувида ҳам учрайди. «Жумбоқли» ҳолатлар «Зевархон» дostonида ҳам мавжуд².

Аслида бу эпик қахрамоннинг жисмоний-маънавий қудратини кўрсатувчи синаб кўриш мотиви билан боғланиб кетади.

«Жумбоқли» ҳолатларни ўзида мужассам этган айрим афсоналар бизга тарихий асарлар орқали етиб келган. Ат-Табарийнинг «Тарих ар-расул ва л-мулк» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи») китобида шундай афсоналардан бири келтирилган:

«...Филипп Дорога бож тўлар экан, Филиппнинг вафотидан кейин тахтга чиққан Искандар Дорога бож тўламай қўйибди. У Доронинг элчиларига «олтин байза» («олтин тухум») килувчи товукларни сўйиб еганман, энди «олтин байза» тўлай олмайман дебди. Ғазабланган Доро Искандарга «гуй» билан «чавгон» (тўп билан таёқ) ва кунжут юборибди. Бу билан у «сен биласан, гуй билан чавгонни олиб ўйна, лекин билгинки, менинг аскарларим кунжут доноларидек ҳисобсиздир» демоқчи бўлибди. Искандар «совға»нинг сирини тушунса ҳам, унга бошқача талкин бериб, тўп юмалокдир. Доро менинг тўпдай юмалок ер юзини эгаллаб олишимни эътироф қилибди, аскарларнинг кунжутдан қўплиги ҳеч нима эмас» деб уларни паррандалар олдига сочган экан, бир зумда еб битиришибди...».

Жумбоқ (топишмоқ) ва унинг ҳаётдаги ўрни ҳақида фикр юритиб З.Хусайнова ёзади: «Топишмоқ қадим замонларда давлат иши учун ҳам аҳамиятли ҳисобланган. Жумбоқни очувчиларга, жумбоқнинг аҳамиятига қараб, мукофотлар берилган».

Хусайнова З. Ўзбек топишмоқлари. Тошкент. Фан. 1966. 26-27-бетлар.

Зевархон. — Тоҳир ва Зухра. Дostonлар. Айтувчи Раҳматулла Юсуф ўғли, нашрга тайёрловчи М. Саидов, — Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрети, 1974, 106-107-бетлар.

Баъзи маълумотларга қараганда, жумбоқ айтишишда ғолиб чиккан шахсни бирор кўрғонга бошлик қилиш одати ҳам бўлган¹.

Буни эътиборга тутадиган бўлсак, «Қутадғу билиг»даги жумбоқ мотивининг қадимий илдиэлари туркий халқлар оғзаки ижоди ва қадим ўтмиш ҳаёти билан зич алоқадорликда пайдо бўлганини тахмин этиш кийин эмас. Ҳар ҳолда Кунтуғди ва Ойтўлди орасидаги жумбоқли савол-жавоблар ўша топишмоқ айтишувларини ҳам ёдга солади. Фақат, алоҳида таъкидлаш лозимки, бунда ҳам адабиётга, хусусан XI асрдаги адабиётга хос бўлган асосий мотивлар – юксак гуманизм, инсон ва жамият тақдирига масъуллик шу парчада ҳам бош планга олиб чиқилган.

Шу ўринда туркман эртақларини ўрганган М.А.Сақалиннинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади:

«Қутадғу билиг»даги қаҳрамонни синаш мотивини кузатиб, унинг фольклор жанрларидаги ушбу мотивнинг аналоғи сифатида юзага келганини қайд этиш мумкин. Зеро, «ҳар қандай адабий композиция ўхшашликларига ва ҳаёт, унинг кетидан эса санъаткор танлаган махсус, аҳамиятли, «гапирувчи вазиятни» яратадиган реал қирраларга таянади» (235, 95).

Фольклор жанрларидаги синов шакллари ғоят хилма-хил бўлиши мумкин. Уларни дастлаб:

а) қаҳрамоннинг жисмоний кудратини;

б) унинг маънавий камолотини синаш тарзида ажратиш мумкин.

«Қутадғу билиг»даги синов мотиви кейинги туркумга мансуб ва бу асарнинг жанр хусусиятларига ҳам, муаллифнинг ғоявий бадний ниятларига ҳам уйғун ва мосдир.

Синаш мотиви «Қутадғу билиг» таркибидаги икки хил кўринишга эга:

1. Бевосита анъаналарга тўлиқ бўйсинувчи шакл: бу туркумга Кунтуғди ва Ойтўлдининг ўзларига хос бўлган реал ва рамзий маъноларни англатиш эпизодлари мансуб.

2. Анъанага таянувчи, бироқ синовнинг тасвирини эмас, фақат тавсифини бериш билангина чегараланадиган шакл: бу синовга Ойтўлди ва Ўғдулмишнинг синалгани ҳақидаги эслатмалар мансубдир. Бу синовларнинг элиг томонидан амалга оширилганини ҳам қайд этмок керак.

Синаш мотивида фольклор ва ёзма адабиёт орасидаги бир қатор ўзига хосликларни ҳам қайд этиш мумкин.

Фольклор асарлардаги синов топширик берувчи ва уни бажарувчи орасида бўлади, ҳамда топширик берувчи ва унинг ижорчиси бошқа-бошқа кишилардир. «Қутағу билиг» да эса, аксинча, топширик берувчи (Қунтуғди ёки Ойтўлди)нинг ўзи айни пайтда унинг ижорчиси ҳамдир.

«Қутағу билиг»даги ушбу мотив тўлалигича рамзий образларга таянади. Шу далилларнинг ўзиёқ, бу образлар ва улар мансуб бўлган мотивнинг жуда қадимда шаклланган анъана заминида юзага келганини кўрсатиб туради.

Ушбу мотивнинг туркий фольклор ва адабиёт тарихида мустаҳкам ўрин тутиши икки омил билан изоҳланади:

1. Унинг барча туркий халқлар фольклорида мавжудлиги;
2. Ушбу мотивнинг деярли барча эпик жанрларда амал қилиши.

Демак, Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз бадий изланишларида фольклордаги «тайёр» воситалардан муайян даражада фойдаланиб, ўз бадий максadini оригинал тарзда амалга оширишга эриша олган.

Бу ўринда «тайёр восита»ларнинг фақат шаклий-функционал моҳият касб этишини ёдда тутиш жоиз. Унинг мазмун компоненти мутлақо янги ва бу борадаги барча изланиш ва кашфиётлар фақат ва фақат Юсуф Хос Ҳожибнинг номи билан боғлиқдир. Бу ҳолат мазкур мотивнинг ёзма адабиёт мулкига айланишида индивидуал ижод қонуниятлари билан уйғунлашганлигини, шунинг учун ҳам мазкур ҳолатлар тасвирида алоҳида ижодкорнинг хусусий бадий-эстетик ёндашувлари ҳақида гапириш ўринли ва табиий бўлади.

2.2. Тайёргарлик мотиви

«Қутағу билиг» сюжетидаги оғзаки ижод анъаналари ҳақида гапирганда қаҳрамонларнинг сафарга тайёргарлик ҳолатини ва сафарга чиқиш муддатини ҳам кузатиш ўринли бўлади. Фольклорда, одатда, бу пайт эрта тонг – сахар бўлади.

Агар туркий фольклор намуналари кўздан кечириладиган бўлса, унинг деярли барча жанрларида сахар – тонгнинг отиши билан боғлиқ мотивларнинг тез-тез такрорланиб туришини кузатиш мумкин:

Ўзбек халқ кўшиқларида:

Саҳарда сайраган булбул,
Худога нола айлайдир.
«Нодонга кўнгил берсанг,
Юрак бағрингни доғлайдир»¹.
Эрта билан сўлар анжирнинг доли,
Минг жоним ёқмас ҳам кишининг ёри,
Кишининг ёрига ёр деб бўлами,
Кўнгил бериб, вафодор деб бўлами?!².

Ушбу мотив аллалар учун ҳам хос. Эртакларда ҳам мазкур мотиқдан унумли фойдаланилганлиги кўриниб туради. Ҳатто, халқ мақолларида ҳам тонг, саҳар, эрталаб мотивлари асосида юзага келганлари кам эмас:

Саҳар турганнынг ризки саккиз.
Эрта чиксанг, олдиндан кун чиқар,
Кеч чиксанг, олдиндан тун чиқар.
Эрта юрса, йўл очилар.
Эртаги насибадан қолма, кечки насибага борма.
Эрталабки вақт – нақдгина бахт.
Кун ғамини саҳар е, йил ғамини баҳор е.

Ўзбек халқ дostonларида ҳам бу мотив фаол тарзда қўлланади: ҳам тонг отган пайт билан алоқалантирилади.

«Алпомиш чўпонларнинг қўшхонасида ухлаб ётди. Кечаси файзи саҳар вақтига етди, саҳар вақти чўпонларнинг қўшхонасида ётиб бир туш кўрди. Излаб бораётган Барчин ёри ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ гукқан вақтда бу ҳам бир туш кўрди».

«Маликайи Айёр»да Авазнинг ҳар галги янги саргузаштларнинг боши ҳам «тонг отгандан кейин» бўлади. Айни мо ивнинг «Кунтуғмиш», Суманбар», «Зевархон» дostonлари учун ҳам хослигини қайд этиш ўринли бўлади.

Агар диққат билан кузатилса, эрталаб (тонгда, саҳарда) бўлган воқеалар муайян бир воқеа-ҳодисаларнинг бошланиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юз беради:

«Кун чикди, оламга ёйилиб келаётир эди. Равшанбек ҳам йўл билан зўр бериб бораётир эди, олдидан бир отли кела берди.

Оқ олма қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. Тўпловчи М.Алавиёв., Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – 18-бет.

Хоразм кўшиқлари. Тўпловчи ва таҳрир қилиб нашрга тайёрловчи Ж. Кобулниёзов. Тошкент. Фан, 1965. – 48-бет.

Равшанбек караса, бир одам, ёлдор, думдор бир жийрон отни йўргасига солиб, селкиллаб, ҳа деб йўрғалатилади, олдинги босгани орқасига кетади, юрган йўли ўнгмайди, сакраб аввалги ўрнига тушади, кейин кетса кетади, илгари ўтмайди, шундай қилиб кичаб келаётибди» (72. 82).

Бу жиҳатдан «Равшан» достонидаги қуйидаги мисралар ҳам характерлидир:

От боради ариллаб,
Отган ўқдай шариллаб,
От алқими – тонг шамол,
Мис қарнайдай зариллаб.

Муайян бир воқеанинг саҳар билан алоқасини таъкидлаш «Далли» достонида ҳам бор: Ғўрўғлининг Даллини олиб келиш ҳақидаги таклифи ҳам «эрта билан туриб» айтилади.

Ҳасан ҳатто дуонинг ҳам саҳар бўлишини талаб этади:

Боғларда бор, ота, чаман навбаҳор,
Мен кетарман, ота, шаҳарма-шаҳар.
Дуо қилгин, ота, холисалиллоҳ,
Ҳасанни дуо қил, ота ҳар саҳар.

Мавзу ва функция жиҳатдан халқ эпосларидаги баҳор ҳам тонг (саҳар) мотивининг айна дейиш мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам тақдир (айниқса яхши тақдир) ўз ибтидосини топади. Аксинча куз (қиш) мана шу тақдирнинг амалиётдаги ўзгариш, кўпинча салбий натижаларга ишора қилади.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрар булбуллар,
Биз бўламиз паризодга хизматкор,
Келсин деб чорлайди малика айёр.

Халқ қўшиқларида саҳар, баҳор мотивларининг параллел қўлланиши ҳам кузатилади:

Аввал оқшом юрганидан саҳар яхши,
Зимистонда юргандан баҳор яхши.
Ёмон хотин қўлидан бол егунча,
Яхши хотин қўлидан заҳар яхши.

Ушбу параллелизм замиридаги қиёсга эътибор бериладиган бўлса, оқшом – зимистон – қиш – хаҳар – ёмон, саҳар – баҳор – бол – яхши тазодлар силсиласини ажратиш мумкин бўлади. Бу ердаги «яхши» ва «ёмон» оддий сифатларгина эмас, айна пайтда – инсон тақдирининг атрибутлари ҳамдир.

Шор фольклорларида «тоғ эгалари»нинг баҳорда – дарахт шохларидаги корлар тўкила (эрий) бошлаганида¹ аксинча, «кишиларга зарар етказувчи» сув эгаси бўлган аёлнинг кузда кўриниши айтилади. 589 йилда ёзилган бир уйғурча шеърда юксалиш ва инкироз саҳар ва шомга боғланиши қайд этилган.

Саҳар мотивига зид ҳолдаги образнинг мавжуд бўлишини тахмин қилиш мумкин. Чунки, халқ эстетикаси, кўпинча, ҳодисаларни бинар оппозиция орқали тасвирланишни маъқул кўради. Шу жиҳатдан қараладиган бўлса, фольклорларда саҳар, тонг отиш, эрталаб маъноларига зид сўзлар ва улар билан боғлиқ образларнинг бўлиши мутлақо табиий бўлади. Ўзбек халқ кўшиқларидаги шом. номозшом вақти бу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади:

Номозшом бўлди, шом бўлди,
Кўзим йўлингга зор бўлди.
Келар бўлсанг, тезроқ келгин,
Юрагим тўла қон бўлди.

«Саҳар» мотиви бутун туркий халқлар фольклори учун ҳам хос. «Девону луғот ит-турк»да:

Тан ата јорталім,
Бузруј қанін ірталім,
Јасміл бэгін орталім,
Эмді јігіт јууулсун.

Тонг отиши билан йўлга тушайлик,
Бузражнинг қонини (хунини) талаб қилайлик,
Унинг учун ўч олайлик, у ябоқулардан эди, ўлдирилди.
Басмиллар бегини ёндирайлик.

Энди йигитларнинг тўпланиши зарур².

Қозоқ халқ эпоси «Қўбланди ботир»да ҳам ушбу мотив тез-тез кўзга ташланади. Қўбланди ҳам доимо йўлга «Танг сарғайиб атқанда» чиқади.

Татар халқ оғзаки ижоди ҳам эрта тонг – саҳар мотивини мужассам этган хилма-хил жанрларга жуда бой. Биз бу ўринда фақат тўртликлардангина мисоллар келтириш билан чегараланганмиз:

Шорский фольклор. Записи, перевод, вступительная статья и примечания Н.П.Диренковой. – М.-Л.: изд-во АН, 1940. ХП. – с.261.

Кошгарий Маҳмуд. Девону лугат ит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Музаллибов. – Тошкент: Фан. т. III. 1963. 367-бет.

Иртэ генэ юлга чыксам,
Очирадым умырзаяга:
Бор карадым байга, бер факыйрге,
Факырь гомре уте заяга¹.

Ёкут олонхоларида ҳам айна шу мотив такрорланади. Жумладан, Пичен Ариғ ва унинг синглиси ок қоядан кўтарилган пайти куёшнинг гўзал доираси чиққан вақт эканлиги таъкидланади.

«От ўғли Аталами ботир» олонхосида ҳам қахрамон тақдирига таъсир этувчи еттита оккуш «кун чиқиш» пайтида келади.

Тонг отиши билан боғлиқ ҳолдаги тасвирлар силсиласининг қадимги тасаввурлар билан уйғунлигини ҳакас қахрамонлик достони «Алтин Ариғ»да ҳам кўриш мумкин

Адар таны атып турадыр,
Арығ кун сых турадыр².
Отар тонги отиб турадир,
Ёруғ кун порлаб турадир.

Ёки:

Атар тани атханда... .

Ушбу ифода ҳақида гапириб туриб, В.Е.Майногашева, «эхтимол, отувчи тонг ҳақида тасаввур бурятларда мавжуд бўлган қадимий миф билан боғланиб кетгандир», – деб ёзади³ (12. 539). Ҳар ҳолда «тонг отди» иборасининг ҳозирги ўзбек тилида фаол истеъмолда эканини қайд этиш мумкин. Ўзбекларда бу борада алоҳида мифнинг сақлангани маълум эмас. Аммо пайдо бўлиш моҳияти ва манбасига кўра бу иборанинг ўша бурят мифи билан бир нуктада бирлэшишига ҳам ҳеч бир монелик бўлмас.

Абакан татарларидаги «Картага Мерган» ҳақидаги достонда ҳам кизиқарли мисралар бор:

Бу кеча у уйда ётди,
Осмон оқарди – тонг отди.

Татар халык ыжаты. Кыска жырлар (дүртюллыклар). Томны төзүче, кереш мәкалә язучы, искәрмәләр хәзерләүче Илбарис Надилов. Казан. Татаристон китап нәшрияты, 1976. – 39-б.

Алтын-арығ. Хакасский героический эпос, Запись и подготовка текста, статья, пер. и комментарии В.Е. Майногашевой, – М. Наука. 1988. – с.23.

Ўша китоб, 539-бет.

Кун кўринди сочар нур.

Овга кетди баҳодир.

Тонг, сахар, эрталаб мотивларининг тақдир деб талкин қилиш учун талайгина асослар бор. Қуйидаги кўшиқларда тонгнинг отиши (сахар палласининг келиши) темаси янги тақдир билан алоқалантирилган:

Осмонда ой ётмасин,

Қиличда қон қотмасин,

Ёрим келган кечаси,

Сўфи азон айтмасин.

Диға, диға, диғажон.

Ёринг бўламан қачон?.

Шунингдек, сахар (тонг)га халқнинг алоҳида эътибор билан қараганини кузатиш мумкин. Халқ ўртасида «сахар саҳоба юради», деган тасаввур мавжуд.

«Сахар» мотиви ўзбек, шунингдек, туркий фольклорда ҳам махсус ўрганилган эмас. Аммо бошқа халқлар адабиётида бу мавзуга қизиқишни қайд этиш мумкин. Жумладан, рус фольклоршунослигида Г. И. Мальцевнинг рус халқ номаросим лирикаси тадқиқиға бағишланган ишида шундай кузатишлар бор. У «Сахар» мотиви асосида «ниҳоятда мураккаб тасаввурлар комплекси» ётишини қайд этади: «Бир кеча кундузлик циклда «тонг отар», куёшнинг чиқиши – бу «дастлабки» вақтдир, туғилиш, қайта тирилиш вақтдир, тақдир билан боғланган вақтдир. Тонг отар магияси айни шу тасаввурлар билан белгиланади. Ҳар қандай «бошланма» сифатида сахар сакраллаштирилади ва мифлаштирилади»¹. Олим сахар мотиви билан баҳор маросимида ҳам кучли яқинликларни кўради. Кўринадики, «Қутадғу билиг» сюжетидаги ушбу мотив типологик жиҳатдан бир хилдир. Бу нарса ушбу мотивнинг туркий адабиётида ҳам нисбатан қадимги даврларданок мавжудлигини кўрсаткичи бўла олади.

Тонг мотивининг бадий асослангани ҳам характерлидир. Ушбу мотивга эга бўлган фольклор асарларини кузатиш асосида айрим мулоҳазаларни баён этиш мумкин:

Мальцев Г.И. Традиционные формулы русской народной необрядовой лирики (Исследования по эстетике устно-поэтического канона). – Л.: Наука, 1989, с. 168.

1. Вокеа-ходиса содир бўлган муайян бир (ёки аниқ) вақтни қайд этиш:

Эрта билан тонг отиб кун чиқади.
Курук оғиз лапардан не чиқади.
Шўр-шўр ерингдан шўр чиқади.
Узук берсанг бизлардан пул чиқади.

2. Вокеа-ходисаларнинг боришига илоҳий таъсир кўрсатиш вақти сифатида қараш:

Саҳардаги дуо ижобат бўлар (халқ мақоли).

Худди шунинг учун ҳам «Далли» достонида Ҳасан дуонинг саҳар бўлишини талаб этади.

3. Ҳомий кучларининг мадал берувчи пайти деб баҳолаш:

Саҳар саҳоба юрди,
Ҳақ Расул худо бирди (р),
Ётган жойидан Аҳмаджон
Ё пирим деб ирғиб турди.
Қирқ йигитга хабар берди.
Қирқ йигитни уйғотди.

4. Инсон тақдирига таъсир этувчи сакрал ҳолат сифатида баҳолаш:

Лапар айтмоқ савобдир, саккиз ёшимдан айтдим,
Қўлларимда даста гул, субҳидамдан қайтдим,
Субҳидамнинг салқини синдирди гуллар баргини,
Кимга айтиб, кимга йиғлай бевафонинг дардини.

Агар ушбу сакрал ҳолат — вақт нисбатан эркинроқ шарҳланадиган бўлса, тўртликни шундай тавсифлаш мумкин, чамаси: лапар айтиш, яъни дил изҳорини қилиш савоб иш, шунинг учун ҳам мен саккиз ёшимдан (яъни жуда эрта) айта бошладим. Кўнгил истаги биринчи мухаббатга мушарраф бўла олмади, биринчи севги тақдири насиб этмади. Бундай тақдир машаққати (Субҳидамнинг салқини) кўнгил орзуларини чилпарчин килди. Энди бевафолик килган ёр дардини кимга айтиш мумкин?

Шу мезон билан «Кутадғу билиг» матнига ёндошиладиган бўлса, халқона анъаналар изи очик кўринишига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Жумладан, Ўгдулмиш Ўзғурмиш хузурига биринчи гал «қора занги», яъни тун пардаланган пайтда йўлга чиқади. Иккинчи марта йўлга чиқиши эса «қора тун этагини

кўтарган пайт»га тўғри келади. Учинчи ташириф ҳам яна эрта тонг – сахар тасвири билан алоқадор:

Сарыг сандвач ўтти ўнўн сайрады
Бэлиңлэб удунды усы кэлмэди.
Усы йитти артук узады гўни
Көшүш болды арзун йаруғу күни
Қалык йыртты кэдмиш кара көңләкин
Ачылды йарук йүз көтүрди эгин
Күлэ бакты өрлэб талу кыз йүзи
Йаруды бу дунйа ири ҳам кузы
Йана қопты йунды тонанды түгэл
Намаз қылды өзкә йоруб эдгү фал
Атын тутты минди бир оғлан билә
Қадашы тапа барды сәвнү күлө
Сарик булбул наво қилди, овоз билан сайради,
(Ўғдулмиш) чўчиб уйғонди, уйқуси келмади.
Уйқуси қочди, туни жуда чўзилиб кетди,
Орзу билан ёрийдиган куни [яъни тонг отиши] азиз
бўлди.

Осмон кийган қора қўйлағини йиртди,
Ёруғ юз [яъни куёш] очилди, коматини кўтарди.
Тўқис қиз [яъни куёш] кўтарилиб юзи кулиб боқди,
Бу дунёнинг кунгай (ва) кун тушмас ерлари ёриди.
Яна турди, ювинди, тугал кийинди,
Ўзи учун эзгу фол йўриб [яъни яхши ниятлар қилиб]
намоз ўқиди.

Ушбу парча таҳлилидан олдин яна бир нуктага эътибор бермоқ лозим. Қадимги туркларда «Тонг нурлари илоҳасига мадҳия»¹ («Гимн богине утренней зари») мавжуд бўлган (19. 325). Ушбу мадҳия матнига зеҳн солинса, қадимги туркларда алоҳида ва мустақил Тонг тангриси мавжудлиги ва бу тангрининг Кун тангри. Ой тангрилар билан бир комплексга мансублигини тасаввур этиш қийин эмас.

Батен Л. Человек и понятие истории у тюрков Центральной Азии в УП в – в кн.: Зарубежная тюркология, вып. 1. Древние тюркские языки и литературы. – М.: Наука, 1986, с 325.

Ушбу матн мазмуни айрим қайдлар қилиш имконини беради:

1. Тонг тангриси Кун. Ой тангрилари билан бирга тасаввур қилинади ва унинг соляр мифлар комплексига бориб тақалишини тасдиқлайди.

2. Тонг тангрисининг алоҳида, аммо анъанавий эпитетлар («йидлиғ», «йипарлиғ») олиши унинг анча қадимий ва мустаҳкам тасаввурлар комплекси билан боғланиши ҳамда унга нисбатан алоҳида илоҳий, муқаддас эътиқодлар юзага келганини кўрса ади.

Агар «Мадхия» матнининг VII асрга мансублигини ҳисобга олсак, туркий халқлардаги тонг (сахар) мотиви улар яратган бадий ижод намуналарининг кўп қадим даврлари билан боғланишини тасаввур этиш қийин эмас.

Ана шундай мулоҳазалардан кейин яна «Қутадғу билиг»даги ушбу мотив ифодасига қайтадиган бўлсак, асарда ушбу мотивнинг нисбатан яхлит ва қадимий шакллари сақланганини кўрамыз.

Юқорида «Қутадғу билиг»дан келтирилган парчада ҳам тонг-сахар мотиви яқка, алоҳида ҳолда келаётгани йўқ. У тун-қоронғулик билан бирга бир бутунликни ташкил қилган ҳолда кўринмоқда. Бунинг устига ушбу парчада Куёш деталининг мавжудлиги ҳам эътиборлидир. Ўгдулмишнинг Ўзгурмиш ҳузурига дастлабки отланишида Куёшнинг ботиши:

Йашық йанды йэркэ йакурды башын

Йаруқ дунйа мэнзи қарарды эшин

Куёш қайтди, бошини ерга яқинлаштирди,

Ёрур жаҳон юзи зулмат пардаси билан қарайди. (3244)

туннинг чўкиши:

Қуды этти кэсмэ йаруқ йүз туды

Сэвуг зулфы толды йуқару қуды (3245)

(Осмон) зулфини туширди, ёруғ юзини ёпди,

Севимли зулфи юкори ва қуйини қоплади [яъни оламини
қоронғилик қоплади].

кўтарилиши:

Бэлиңләб удунды көтүрди башын

Қара заңи қылмыш йүзини эшин (3247)

Чўчиб уйғонди, бошини кўтарди,

Қора ҳабаш юзини пардалабди [яъни зулмат кетиб тонг
ёриша бошлабди].

ва ниҳоят яна Қуёшнинг чиқиши:

Тома турку қалқан кетурди ушун

Йарук йўз куләр-тэг йаруды ажун (3249)

Гирдак заррин қалқон [яъни қуёш] қаддини кўтарди,

Кулувчи чиройли юз каби (бўлиб) олам ёришди.

деталлари мавжуд. Ўгдулмишнинг кейинги тараддуди олдидан ҳам ушбу манзара янги истиора ва ўхшатишлар асосида такроран чизилади.

Юқорида кўрганимиз туркий халқлар фольклорларига мансуб турли жанрлардаги асарларда тонг – саҳар мотивининг алоҳида, мустикал равипда амал қилганини кузатдик. Бу ҳолат, назаримизда ушбу мотив тараққиётининг нисбатан кейинги даврлари билан алоқадордир. Умуман, ушбу мотив асосидаги кузатишларимизни шундай умумлаштириш имконига эгамиз:

1. Тонг-саҳар мотиви мифологик қарашлар заминида пайдо бўлиб, узоқ ривожланиш ва такомил йўлини босиб ўтган.

2. Унинг деярли барча туркий халқлар фольклорларида, бунинг устига аксарият фольклор жанрларида учраши ушбу мотивнинг асоси қадим фольклор аънаналари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади.

3. Ушбу мотив ниҳоятда мураккаб ва қадимий тасаввур ва эътиқодлар комплексидан дифференция йўли билан ажралиб чиққан. Ушбу жараённинг натижаси сифатида тонг (эрта, эрталаб, саҳар, баҳор, ёз) ҳамда тун (оқшом, шом, куз, киш) мотивлари алоҳида-алоҳида ва мустикал тараққиёт йўлига кирган.

4. Уларнинг кейинги тараққиёт босқичларида, ривожланиш ва такомил жараёнида турли трансформацияларга учраганлиги, ўзларининг семантик доираларини кенгайтирганлиги ва кўпинча дастлабки тасаввур доираси ва маъно оттенкаларидан узоқлашиб кетганлиги ҳам кузатилади.

5. «Қутадғу билиг» ёзма адабиёт намунаси бўлишига қарамай, ўзида фольклор аънааларининг нисбатан қадимий шакллари сақлаганлиги учун ҳам ушбу мотив унда ўзининг синкретик ҳолати билан намоён бўлади.

6. Асардаги ушбу мотивнинг функция ва семантикаси унинг қадимий шакллари (хусусан, мифларда сақланиб қолган шакллари) функция ва семантикасига тўла мос келади. Уни

конкрет тарзда «эзгу бошланма» дейиш мумкин. Бу бошланма фақат муайян воқеа-ҳодасаларнинг бошланиши (Ўгдулмишнинг Ўзғурмиш томон жўнаши)нигина эмас, рамзий тарзда Ўгдулмиш ва Кунтуғдиларнинг кейинги тақдирлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Зеро, Ўгдулмишнинг ҳар гал сахар йўлга чиқиши фақат ўзининг иши ўнгидан келиши (инсон тақдирига таъсир этувчи сакрал факт)гина эмас, балки Ўзғурмишдан ёрдам олишнинг қулай фурсати (ҳомий кучларнинг мадад берувчи вақти) билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

7 Буларнинг ҳаммаси «Кутадғу билиг»даги ушбу мотивнинг бевосита туркий фольклорлардаги аналогик мотивлар билан бир ўзанда туришини, унинг функционал ва семантик хусусиятлари бевосита туркий фольклор материаллари билан белгиланишини очик-ойдин кўрсатиб туради.

2.3. Кураш мотиви

Ушбу мотивнинг “кутадғу билиг”да намоён бўлиши ҳам ўзига хос жиҳатларга эга. Достон фалсафий-дидактик йўналишга эга бўлганлиги учун ушбу мотив асарда маънавий фазилатларнинг моғиятини идрок этиш, тушуниш ва талкин қилишдаги турлитуман нуктаи назарларни ўртага қўйиш ва уларнинг ўзига хос талқиғиларини ҳимоя қилиш тарзида намоён бўлади.

Ушбу мотивнинг намоён бўлиши кўпроқ Кунтуғди билан Ойтўлдиннинг, кейинроқ эса Ўзғурмиш билан Ўгдулмишнинг мунозаралари тарзида кўзга ташланади. Муаллифнинг ўзи ҳам айти мана ўшу ҳолатни алоҳида (“улар орасида мунозара савол-жавоби бўлиб ўтгани тарзида ҳикоя қилибди”) таъкидлайди.

Кураш мотивининг ўзига хос таркибий бўлаклари мавжуд. Бу душманга қарши юриш, унга рўпара келиш, душман билан олишув ҳамда ғалабага эришиш сингари қисмларга эга бўлади. Агар буни “Алпомиш” мисолида кузатадиган бўлсак, Алпомишнинг Қалмоқ юртига жўнаши, аввал Қоражон, кейин бошқа алплар билан рўпара келиши, Барчин қўйган шартларни бажариш давомидаги зиддиятлар, қўйилган шартларнинг бажарилиши ва ўз мақсадига эришуви тарзида қайд этиш мумкин. Шундай экан, бу деталларнинг Юсуф Хос Ҳожиб асаридаги намоён бўлиш шакллари ҳақида нималарни айтиш мумкин бўлади?

Бу саволларга жавоб бериш учун яна дoston саҳифаларини варақлаш талаб этилади. Маълумки, Ўгдулмиш билан Ўзғурмишнинг юзма-юз рўпара келиши Ўзғурмишнинг элиг ёзган макутбни Ўзғурмишга етказиш мақсадида ўз қариндоши ва буюк донишманд, зоҳид Ўзғурмишнисиёрат қилишга борган чоғида юз беради.

Бу тафсилотлардан олдин битта ҳолатни алоҳида эсга олишга тўғри келади. Ўгдулмиш сафарга тайёрланар экан, элиг уни руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор беради. Уни ўз мақсади йўлида оғиммасликка, бу йўлда собит бўлишга даъват этади. (Қалдирғочнинг Ҳакимбекка берган ўғит ва таъналарини эсга олайлик). Энг муҳим ва кизикарили ўрни шундаки, элигнинг Ўгдулмишга мурожаатида бир қатор ундалмалар тилга олинади. Булар орасида унинг ақл-заковати, донолигига берилган баҳолар усувор мавқе тутади. Шунга қарамасдан, улар орасида бевосита қаҳрамонлик, аллиқ сифатларига дахлдор бўлган “тўнга” (3238) атамаси ҳам қўлланади. Бу “ботир”, “баҳодир” деган маъноларни англатади. Элиг нутқидаги бошқа бир қатор эпитетлар ҳам ҳам Ўгдулмишга йўналтирилгани эътиборлидир:

Мунар мэнзэр эмди бу сөз бэлгүлүг,

Эшитгил муны сэн, эй эрсиг, күлүг (3128)

Муҳаккак (уш)бу сўзлар энди бунга монанддир,

Сен бу (сўзлар)ни эшитгин, эй мард, машхур:

Айни мана шундай сифат ва фазилатларнинг Ўзғурмишга нисбатан ҳам қўлланиши эътиборлидир (тетиг – 3158, ури – 3188, тўнга – 3225).

Кажимий қаҳрамонлик дostonларининг акс-садолари, назармизда, Ўгдулмиш билан Ўзғурмиш суҳбатларининг номланишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу суҳбатга “Одғурмыш . Ўгдулмиш бирлэ муназара қылмақыны айур” (“Ўзғурмиш Ўгдулмиш билан мунозара қилишини айтади”) деб сарлавҳа қўйилган.

Одатда икки муҳолиф томон бир-бирига юзланганида суҳбатдоши (ракиби)нинг айрим камчиликлари ва заиф жиҳатларига урғу беради. Дostonда бу ҳолат Ўгдулмиш тилидан Ўзғурмишнинг ҳозирги ҳолатига ачиниш, қариндошга қайғуриш кайфиятининг изҳори тарзида юзага чиққан.

Ўзғурмиш эса бу мулоҳазаларни рад этар экан, ўзининг тоғ орасида юришини, зоғидлик йўлини танлаганлигини тушунтиради, изоҳлайди. Мана шу шаклда эса у ўзи танлаган йўлни *ҳимоя қилади*.

Ўгдулмиш навбатдаги саволни беради (демакки, курашни давом эттиради). Энди у Ўзғурмишнинг онгу шуурига таъсир ўтказишни кўзлай бошлайди. Шунинг учун ҳам у кишиликнинг биринчи белгиси бошқаларга наф етказишда, оила қуришда, фарзандларни тарбиялашда дея қайд этади. Ўзғурмиш бунга нисбатан оила муаммасининг оғирилигини, фарзанд тарюияси нинх лятда кийин иш эканлигини уктиради.

Кэмэ мунди сақын киси алғучы

Тэңиз отра кирди кэмэ миңүчи

Оғул қыз төрусэ кэмэси сынур

Кэмэ сынса сувда тириг ким қалур

Оғул қыз атасын суйурқағу-ул

Оғул қыз атасы йэми ағу-ул (3341–3343)

Хотин олувчи кема минди, деб ҳисобла,

Кема мингувчи (эса) денгиз ўртасига киради.

Ўғил-қиз туғилса, кемаси синади,

Кема синса, сувда ким тирик қолади.

Ўғил-қиз отасини ёрлақаша керак,

Ўғил-қиз отасининг хўраги оғудир.

Мана шу лавҳаларда бевосита ёв ва ёвнинг хислатлари, ғанимга қарши кураш ва бундаги журъат ва жасорат ҳақидаги мулоҳазалар ҳим эътиборли:

Йағы-ул эриг йатса одғурғучы

Мунын эрдэмин элкэ билдургүчи

Йағы болмағынча эр эрсиглики

Қачан бэлгурэр элдэ аты көки

Өкүш болса эмди бу эрдэм кимин

Өкүш болды тэнсиз йағысы аның

Кимин эрдәми болса аслы ағы
Йәтиз эл кишиси ул эркә йағы

Кәд эркә болур көр йағы бәлгүлүг
Йавузқа йағы йоқ йавуз эр өлүг

Қайу эркә душман йумытса қалын
Ул эр эрдәми эрдә артуқ билин

Йағы бирлә тэгшиб эр аты бәдур
Йағысыз киши аты копмас йатур

Нәкүтәр эшитгил кур эрдәмлүг эр
Бу эрдәм билә эр тиләк арзу йәр

Нәкүәр болур көр миң эр душманы
Миң эр сөзләмәсә кунингә аны

Бәри-му болур көргил ытка қайар
Удула эшитсә миң ытлар уни (3368–3377).

Мардни ётганида уйғотувчи [яъни оёққа турғизувчи] жангдир,
Нуксон, фазилатларини элга билдирувчи.
Жанг бўлмагунча эрнинг мардлиги,
Элдаги оти, насл-насаби қачон билинади.
Кимнинг энди (бундай) хислатлари кўп бўлса,
Унинг ёви бехисоб кўп бўлади.
Кимнинг хислатлари бўлса, асли тоза (бўлса),
Бутун эл одамлари у кишига ёв бўлади.
Яхши кишининг муайян ёви бўлади, кўр,
Ёвузга ёв йўқ, ёвуз киши ўликдир.
Қайси эрга (қарши) кўп душман жамланса,
У эрнинг хислатлари бошқаларникидан ортиқ деб билгин.
Ёв билан тўқнашиб эр оти кўтарилади,
Ёвсиз кишининг оти кўтарилмайди, ётади.
Ботир, шижоатли эр нима дейди, эшитгин,
Шижоат билан эр тилак, орзусига етади:
(Бир) мард киши минг кишига нечук душман бўлсин,
Минг киши кунига уни сўзламаса [яъни ҳасад қилмаса].
Бўри итга қайрилиб қарармиди, кўргин,
Кетидан минг итнинг овозини эшитса (ҳам).

Албатта, икки донишманд ўртасидаги суҳбатда бир-бирларига нисбатан ниҳоятда эҳтиром билан муносабатда бўлиш етакчи ўринда туради. Улар бир бирларига “кўрки ой”, “бўғу” – доно, “кулуг” – “шуҳратли”, “номдор”, “кўнгли туз” – “кўнгли тўғри”, “эй қадаш” – “эй қариндош” сингари сифатлар билан мурожаат этишади. Айни пайтда уларнинг нутқида “эран” – “мард”, “эрсиг эрим” – “мард баҳодирим”, “эрсиг тўнга” – “мард баҳодир” сингари ундалмалар ҳам фаол қўлланган. Назаримизда, айна мана шундай ундалмалар ҳам бевосита халқ оғзаки ижодиждаги қаҳрамонлик дostonларида фаол қўлланган ҳамда Юсуф Хос Ҳожиб улардан пухта баҳраманд бўлганлиги учун ҳам “Кутадғу билиг”нинг поэтик матнидан муносиб ўрин олган.

Одатда кураш ва турли шартларнинг бажарилишида учлик мотивининг қўлланиши ҳам тасодифий эмас. Бу ҳолат “Кутадғу билиг”да ҳам мавжуд. Бу мотивга алоҳида тўхташ зарурати бўлганлиги учун унга кейинги фасллардан биридан жой ажратамиз. Бу ерда эса Ўзгурмишў ва Ўгдўлмиш орасидаги оғзаки мунозараларнинг уч марта рўй берганини қайд этиш билан кифояланамиз.

Ушбу мотив қўлланган ҳолларда фолклорда томонлардан бирининг ғалабаси асосий ўрин тутати. Твабийики, бу етакчи қаҳрамонлар сомига алоқадор бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб асарида эса бундан бошқачароқ ечим кўзга ташланади. Адиб донишманд одамларнинг ўзаро учрашувидан фақат уларн нг ўзлари эмас, балки барча, бутун инсоният ҳам наф кўради, деган худлосага келади.

2.4. Туш мотиви

Туш мотиви ҳам фольклорда кенг қўлланади. Туркий халқлар оғзаки ижодида бу мотивнинг ниҳоятда хилма-хил кўринишларини қайд этиш мумкин. «Юсуф ва Аҳмад»да Гуласал ойимнинг кўрган туши Аҳмадбек ва Юсуфбекларнинг келажак тақдиридан башорат беради. Уларнинг Мирза Махмуд қўлига асир тушишлари туш орқали рамзий тарзда ифодаланади¹.

Юсуф ва Аҳмад. Достон. Айтувчилар: Мухаммадқул Жомрод ўғли Пўлкан ва Фозил Йўлдош ўғли; ёзиб олувчи Ҳоди Зариф; нашрга тайёрловчи Б.Саримсоков, масъул муҳаррир Т.Мирзаев. – Т.: 1987. 81-82-бетлар.

Тушнинг «Алпомиш» достонида Барчин ва Алпомишлар руҳи сифатида талкин қилиниши ҳам мавжуд. Туш мотивидаги асосий деталлардан бири таъбирдир. Чунки ҳар бир туш ўз образлар системаси ва қаҳрамонга муносабат нуктаи-назаридан турлича таъбирга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам Барчин «тушни яхши йўйинглар» деб махсус таъкидлайди.

Туш билан боглиқ мотивлар оғзаки ижоднинг деярли барча жанрларига у ёки бу тарзда ўз таъсирини кўрсатган, улардан тегишли ўрин олган. Яна «Юсуф ва Аҳмад»га мурожаат қилайлик. Гўзалшоҳ аёнларига қарата шундай дейди:

Халойиклар, ухлаб ўзим туш кўрдим,
Мен тушимда қўл қабоҳат иш кўрдим.

Бу тушнинг дoston воқеаларининг кейинги ривожини учун ўрни ниҳоятда катта. Шу дostonнинг ўзида туш мотивининг такрор қўлланганини кузатишимиз мумкин. (Гулалас ойим туши, Юсуфбек туши...) туш мотиви фақат ўзбек халқ оғзаки ижоди учунгина эмас, туркий халқлар, шунингдек, умумжаҳон фольклори учун ҳам типологик хусусиятларга эга.

Туш қаҳрамон тақдиридаги муайян жиддий ўзгаришлар билан алоқалантирилади. У, одатда, тўлалигича рамзларга таянади. Рамзлар доимий ёки муваққат бўлиши мумкин.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек фольклоридаги туш мотивининг бадий-эстетик вазифаларини истёдодли олим Жаббор Эшонкул деярли бор қамрови билан жуда кенг планда таҳлил қилиб берган¹.

Маълумки, Маҳмуд Қошғарий ўз «Девони» таркибида кўпгина халқ дostonларидан парчалар ҳам киритган. Профессор Абдурауф Фитрат «Девон» материаллари асосида тиклаган дostonларидан бири «Овдан урушга» деб номланган. Бизнинг мавзумиз учун эътиборли бўлган айрим парчалар мана шу тўртликлар билан бошланади:

Ўқлачим эрик бўлди,
Эрик бўлгу йери кўрди.
Булут ёрўб кўк ёртўлди,
Туман тўрўб толи жағди.

Шўх, ўйноқи отим суръат билан чопди, югуришда ўзди.

Эшонкул Жаббор. Фольклор: образ ва талкин. – Тошкент, Насаф, 1999; Эпик тафаккур гадрижи. – Тошкент. Фан.2006; Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талкини. – Тошкент, Фан, 2011.

Булут кўтарилиб, туман тушиб дўл ёққани учун у шундай шўхланишни муносиб топди.

Кеча туруб йурир эрдим,
Қара, кизил бўри кўрдум.
Қатиғ йани кура кўрдим
Қайа кўруб баку ағди.

Кечаси туриб йурар эдим
Қора, кизил бўри кўрдим,
Берк қоттик ёйимни курдим,

Мени кўрган бўри катта бир тош кўриб тепасига чикди.

Филология фанлари докторлари Т. Мирзаев ва Б. Саримсоқовлар ушбу парчаларнинг туш кўриш мотивидан иборат эканлигини тахмин қилишган. Туш мотиви ва юқоридаги парчалар таҳлили муносабати билан улар ёзишади:

«Туш мотиви асосан қадимги инсонларнинг туш ҳақидаги магик қарашлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган бўлиб, кейинчалик бу қарашлар кишиларнинг эстетик талаблари натижасида эпос таркибидан мустақкам ўрин олган. Мана шунинг учун ҳам бу мотивнинг тарихий излари ўта қадимий бўлиб, эпосда у кучли эстетик функцияни бажаради. Хабар туш мотивида ҳамма вақт рамзий характерда берилади. Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги тўртликларда тасвирланишича, булутларнинг пайдо бўлиб, кўк юзини қоплаб олиши тинч мамлакат устига душман лашкарининг бостириб келишини аңлатади. Ҳаво туманлашиб, жала ёғиши қабила бошига оғир кулфат тушушини, қаҳрамон отининг шўхлик қилиши унинг майдонда чопишини аңлатади. Демак, 1-2-тўртликлар ов тасвири бўлмай, балки яқин ва ўрта Шарқ халқлари эпоси учун типологик ҳодиса бўлган туш кўриш мотивидан иборат».

Иккинчи тўртликда эса тушнинг рамзий маъноси янада кучаяди. Қаҳрамон тушида иккита бўрини кўриб қолади-ю, уларнинг бири қора, бири қизил рангда эди. Ота-боболаримизнинг қадимий тасаввурларига кўра қора ранг оғирчилик, ўлим каби маъноларни аңлатган. Қора бўри эса душманни аңлатади. Қизил рангнинг қон тўкилиши, уруш бўлиши ва ниҳоят, ғолиблик рамзи эканлигини назарда тутсак, кизил бўри душман билан бўлажак жанг ғалаба билан тугашига ишорадан бошқа нарса эмас.

Туш мотиви «Қутадғу билиг»да ҳам мавжуд.

Маълумки, асар ниҳоясига яқин, доно Ўзғурмиш қаттиқ касал бўлади. Умри охирлаётганини сезиб донишманд дўсти Ўгдулмишга киши (юмушчи) юборади. Унинг саломатлиги, кайфиятини суриштиради. Мана Ўзғурмиш жавоблари:

Ўзғурмиш жавоб берди, айтди: сабаб (шуки),

Ўлимни худо тушимда аён қилди.

Туш кўрдум, тушимда менга маълум бўлди,

Менга ўлишим тушунарли бўлди, эй баҳодир.

Ўгдулмишнинг қаттиқ қистови билан Ўзғурмиш ўз кўрган тушини айтиб беради:

Нарвон кўрдим, унинг поғонаси элликта (эди)

Тиклаб қўйилган, баланд ҳамда кенг (эди)

Энди бир-бир поғона босиб унга кўтарилдим,

Бошигачайин бир неча поғона санадим.

(Нарвоннинг) бошида бир қассоб менга сув берди,

(Уни) олиб, тугатиб ичиб, ўзим қондим,

Шундан сўнг кўкка ҳаволаб учдим,

Юқорилаб, ўзим сингиб кўринмай кетдим.

Кейинги суҳбатлардан маълум бўладики, тушнинг таъбири ҳам хилма-хил. Юқоридаги тушнинг ўзини икки қариндош – Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш тамомила бошқа-бошқа тарзда йўядилар.

Аслида туш таъбирлэш ҳам қадим-қадимларга бориб тақалади. Унинг туркий халқлар орасида ҳам жуда узоқ ўтмишдан келаётганлигини тахмин қилиш мумкин. Зеро, муайян анъаналар бўлганки, туш таъбири билан боғлиқ бўлган махсус китоблар яратилган. Мана шулардан бири – бизга маълум бўлган «Ирқ битиг»дир. «Ирқ битиг» - фол, таъбир китоби деган маъноларни билдиради. Туш таъбири билан боғлиқ китоблар кейинги даврларда анча кўп яратилган, аммо «Қутадғу билиг»дан олдин пайдо бўлган таъбир китобларининг ёзма ҳолда етиб келганлари орасида биринчиси «Ирқ битиг»дир. Бу китобни биз ўзбеклаштирилиб «Адабий мерос» саҳифаларида нашр этган эдик. Кейинчалик у «Қадимий ҳикматлар» китобига ҳам киритилган. Бундай китобларнинг бошқа намуналари ҳақида проф.Н.Раҳмонов атрофлича маълумотлар берган.

Мазкур «Ирқ битиг»ида ҳам сувнинг тугаши машаққат деб изоҳланади. Қолаверса, халқ ўртасида сув киши умри сифатида талқин этилади.

Юсуф Хос Ҳожиб гушларни одатдаги тушлар ва шайтондан бўладиган дейилувчи тушларга ҳам ажратади. Аслида шу қарашнинг ўзидаёқ анъанавий тасаввурлар ётади. Қаранг:

Омонат ўйласам, банданинг жони,
Ҳамроҳ бўлгай мўъминларнинг имони.
Гоҳи туш раҳмони, гоҳи шайтони,
Тушман фолнинг бўлмас асло ёмони,
Ихтиёр ўзингда энди, баччажон.

Тушга ёндашишда ҳам Юсуф Хос Ҳожиб анъана ўзанидан четга чиқмайди. Аввало, туш йўриғи «телим-турлуг» экани таъкидланар экан, адиб тушларни кечаси ва кундузи қўрилишига, ейилган овқат ва фаслга, кишининг жинси ва ёшига боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Йил фасли ёз бўлса, туш қўрувчи йигит бўлса,
Тушида сарик, ол ё заъфарон, арғувон (ранглар) кўрса,

Сафроси кучайган бўлади, эй доно.
Ўзини бўшатиши, тарангбин истеъмол килиши керак.

Йил фасли куз бўлса, одам ўрта (яшар) бўлса,
(Тушида) қора кўрса, тоғ ё қудуқ, қавак кўрса,

Савдоси кучайган бўлади, эй қариндош.
Дори ичиши, мияси (димоғи) ни тозалашп керак, эй биродар.

Қиш (фасли) бўлса ҳамда туш қўрувчи қари (бўлса),
Оқар сув ё муз, қор, жала тушига кирса,

Унинг балғами кучайган бўлади, кўр,
Иссик(лик) нарса едириш, дори-дармон ичказиш керак.

(Тушинг) тағин бир (хил) и пойма- пой ва бетартиб бўлади.
Бу тушга таъбир бўлмайди, эй феъли афзун.

Кечаси (бир нималарни) ўйлаб ётса, уни туш(да) кўрса,
Унга ҳам унинг баробарига мос келадиган таъбир йўқ.

Тагин бир (хил) туш борки, уни кўрса, (бу туш) шайтондан
бўлади,
Туш кўрувчи бу (туш)ни кўрса, сувга ювинади.

Яна хунарини кўрса, тушида кўради,
Унга ҳам таъбир йўқ, эй феъли мағрур йигит.

Бунинг барчасини билиш, фаросатни етказиш керак,
Ажратиш, сайлаш керак, шундагина туш таъбир қилса
(бўлади).

Таъбирчи ҳаким нима дейди, эшитгин,
Ким туш кўрса, (уни) сўрайдиган одам керак:

Туш кўрсанг, билиб-билмайин йўйма,
Тушни қандай йўйса, у шундай бўлади.

Тушда алам кўрса, жавоби севинчдир.
Севинч кўрса, йиглаб қайғу топади.

Тушга таъбир бир хилгина эмас,
Буни яхши ўйлаш керак, эй феъли равшан.

Қора авом тушига таъбири бўлакдир,
Беклар туши бўлак бўлади, (унга) бошқача(рок) қара.

Тушда севинч, ўйин, рақслар кўрса,
Алам-қайғуларга шубҳа(ланиб юришга йўл) очилади.

Яна тушда йиғласа, алам кўрса,
Роҳат билан шодланади, минг(лаб) севинч(лар) топади.

Яна (шундай) туш бўлади(ки), назар сол, таъбири
Ўзгалар учун бўлади, фойдаси сеники бўлмайди.

Энди бу туш одамига қараб таъбир қилинади,
Унга яхши (таъбир)ни (айтиладиган) бўлса, фаросат
яқинлаштиради.

Туш шундайки, назар сол, уни (бир одам) кўрса, беклик
топади,
Шу тушнинг ўзгинаси бошқа бир (киши)ни хаста қилиб
кўяди.

Бу(лар)нинг барчасини билиш керак, эй қариндош,
Шундан сўнг тушни йўйса (бўлади), эй биродар.

Булардан кўринадики, Юсуф Хос Ҳожиб тушга бир неча
йўналишда ёндаша олган. У тушни халкнинг қадимги тасаввур ва
этиқодлари фонида ҳам, XI асрдаги тиббий-фалсафий қарашлар
асосида ҳам баҳолашга ҳаракат қилади. Адиб туш кўришнинг
хилларига баҳо берар экан, аспиди материя (инсон жисми) ва у
туфайли келиб чиқадиган ҳолат ва туйғулар ифодаси устида
тўхтади. У тушларнинг дастлабки таснифчиси ҳамдир. Юсуф
Хос Ҳожиб тушларни:

- а) инсоннинг ёш хусусиятларига;
- б) таъна аъзоларининг тиббий ҳолатларига;
- в) киши мижозининг турига;
- г) йил фаслларига кўра тавсифлайди ва таснифлайди.

Равшан жон узилди, қуни тунади (яъни тунга бадал бўлди),
Худо номини ёд этиш билан нафас олиши тўхтади.
Покиза руҳ юқорига (аъло маконга) интилди,

Жон (руҳи)и учиб кетди, қуруқ келбати қолди.
Бўлмагандек ва туғилмагандек жон (руҳ) йўқолиб кетди,

Энди кўнгли тўғри киши нима дейди, эшитгин,
Ҳақиқатан ғафлат уйқусидан уйғонган киши:

Жасаднинг макони териладиган эшикдир(яъни қабристондир),
Покиза руҳнинг макони арши аълодир.

Келбат қуруқ қолди, жон учиб кетди,
Руҳ қаерга борадиган бўлса, уни худо билади.

Ўрни арши аълода бўлса, эҳ, қандай муқаддас бахтдир,
(Агар) эгилса, тубан кетса, бир бало бўлади.

Бу парчадаги «жоннинг учиб бориши», бунинг устига унинг «адизлик (юксаклик, яъни азизлик) тилаши», унинг йўналиши пастдан юқорига (ердан осмонга) эканлигини кўрсатади. Охирги мисрадаги таъкид (пастга, куйига кетса ют бўлади) ҳам бу фикрни яна бир марта тасдиқлайди. Бунинг устига нарвон деталининг ўзи ҳам ҳаракат йўналишини аниқ кўрсатиб туради. Нарвонга Юсуф Хос Ҳожибнинг икки қаҳрамони икки хил муносабатда бўлади. Ўгдулмиш нарвонга кўтарилиш, бахт, эзгуликнинг ортиши деб қарайди:

Шату түштә ыызз-ул ағары йаны
Бирәр бағна сайу ағырлық өни

Нәчә ағса анча ағырлық булур
Ажун малы кут кыв булур өз өни. (5918)
Нарвон тушда кўтарилиши баробарида азизликдир,
Биттадан поғона санаб (кўтарилиш) ҳурмат белгисидир.

Қанча кўтарилса, (шунча) ҳурматга эришади,
Ўз улушинча қаршисида дунё моли, бахт-саодат топади.

Ўгдулмиш назарида эса бунинг талқини бошқачарок:

Эдиз бағналиғ мән шату көрдүкүм
Тириглиғ турур эй кадаш йордүкүм.

Шатунуң башынга тәги йукладым
Йашымны түгәттим, тириглиғ йәдим. (5927)

Менинг баланд поғонали нарвон кўрганлигим,
(Менинг) таъбир қилишимча, тирикликдир, эй қариндош.

Нарвоннинг бошигачайин юқориладим (бунинг сабаби),
Ёшимни тугатдим, тирикликни (яъни ризкни) едим.

Нарвоннинг икки оламини боғловчи восита сифатида тасаввур қилиниши жаҳон халқлари учун типологик умумийликка эга. Инглиз олими Жеймс Жорж Фрэйзер бу борада қатор параллелларни келтиради:

Греция ва Италияда шундай тасаввурлар борки, гўё Якоф (Ёкуб) ўт- ўлансиз тепаликларда тунаганидан тушида ер ва осмон оралиғидаги нарвондан тушиб-чикаётган фаришталарни кўради.

Худо ва ўлганларнинг руҳи фойдаланиши мумкин бўлган бундай нарвонларнинг мавжудлигига ишонч ер юзининг бошқа қисмларида ҳам учрайди. Фрейзер Африка, Индонезия, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё халқлари тасаввурларида шундай ўхшашликларни ҳам қайд этади. (309. 270-273)

ушдаги нарвон детали Шарқ халқларининг кўпида учрайди. У корейс мифологиясида ҳам қайд этилган. Шу ерда кизиқарли бир нукта борки, у қуёш култи билан боғланиб кетади:

«Маълумки, кадимги маданиятларда юқориликка кўтарилиш осмонга чиқишни англатган. Тепалик (тоғ, нарвон, ва бошқа)да бўлиш Узоқ Шарқ аъаналарида Қуёш билан кўшилишни ҳам англатиши мумкин».

Тоғ, дарахт тепасига нарвон ёки арқон билан чиқиш мотивларининг шомоний аъаналар силсиласидаги ўрни ҳам катта бўлган. Булардан кўринадики, Ўзғурмишнинг ўз тушини Кунтуғди элиг билан учрашганидан кейин кўриши тасодифий эмас. Бу ерда асарнинг ҳозирги сюжети қурилишида ва талқинида реал эпик шахсга айланган образ, қадимда бевосита Қуёш (Кун) культининг ўзига алоқадор бўлган мифологик мавкега эга бўлганини яна бир марта кўрсатиб туради.

«Қутадғу билиг» сюжетидаги туш мотивини кузатиб шундай хулосаларга келиш мумкин.

«Қутадғу билиг»даги туш мотиви асар сюжетининг ривожига алоҳида ўрин тутди ва муҳим композицион вазифани бажаради.

Бу вазифа, биринчидан, асардаги воқеаларнинг кейинги ривожига кўрсатган таъсири билан белгиланса, иккинчидан, асардаги икки етакчи қаҳрамон образларининг тегишли қирраларини очиб бериши билан характерланади.

Туркий ёзма адабиётнинг XI асрдаги энг йирик ёдгорлиги бўлган «Қутадғу билиг»даги туш мотиви миллий-адабий аъаналар заминидан юзага келган ва бу аъаналарнинг ўзи ҳам анча қадимги даврларга бориб тақалади.

Туш мотивининг «Девону луғот ит-турк» асаридаги бадиий парчаларда мавжудлиги ва бу мотив билан алоқадор образлар

комплексининг бевосита миллий-адабий анъаналар билан зич алоқадорлиги туркий адабиётнинг бу борадаги бой тажрибаларидан далолат. Демак, «Кутадғу билиг»да намоён бўладиган ушбу мотив, унинг асар сюжет ва композициясидаги ўрни ҳеч тасодифий бўлмасдан, аллақачон миллий-адабий тажрибалар жараёнидан ўтиб келган.

Юсуф Хос Ҳожиб маҳорати шундаки, туш мотиви билан боғлиқ образлар талкинида бутунлай фольклор анъаналарига таяниб туриб, халқона тасаввур ва эътиқодларга суянадиган образларга янгича маъно ва талқинлар бера билди.

Асардаги туш таъбири билан боғлиқ талқинларнинг туркий адабиётдаги янги ходиса, шунга кўра уларнинг ниҳоятда муҳим ва аҳамиятли эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Зеро, бу таъбирлар XI асргача бўлган тасаввур ва эътиқодлар асосида шаклланган бўлиб, муайян даражада уларни умумлаштиради, туркий халқларнинг ўша даврдаги дунёқарашларини акс эттиради. Улар бу борада кейинги даврдаги далил ва маълумотлар, айниқса, уларнинг миллий анъаналар билан алоқадорлик даражаларини белгилаш учун ўзига хос «ўлчов бирлиги» вазифасини адо этиши мумкин.

Асардаги туш мотиви бевосита маросим ва майший ҳаётдан чиқиб келадиган, улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган айрим тасаввур ва эътиқодлар комплексини муайянлаштиришда ҳам алоҳида ўрин тутати. Хусусан, сув ва нарвон деталлари шундай хусусиятга эга. Улар пайдо бўлиш манбасига кўра, қадимий анимистик тасаввурлар даври билан алоқадор. Сув ва нарвон қадим мифологик қарашлар силсиласига уланади. Сув нариги дунё, ҳаёт ва ўлим мазмунини ташиша, нарвон куёш култи билан боғланиб кетган. Нарвон «Кутадғу билиг» таркибидаги факат Ўзғурмиш ҳаёти билангина эмас, уни асарнинг етакчи образи Кунтуғди билан ҳам боғлаш вазифасини адо этади. Бу боғланиш рамзийлик асосида юзага келади ҳамда кўп жиҳатдан шомонлик даври билан алоқадор.

Ўзғурмишнинг нарвон орқали (осмон)га кўтарилиши рамзий тарзда унинг Куёш (Кунтуғди) билан қўшилиб кетишини англатади ва асарда ниҳоятда кучли эмоционал-экспрессив маъно касб этади. Агар Кунтуғдининг АДОЛАТ ва Ўзғурмишнинг ҚАНОАТ тимсоли эканлигини хотирласак, бу маъноларни илғаш осон кечади ва унинг аҳамияти янада ортади.

«Қутадғу билиг»даги туш таъбирини билдирувчи ҳоллар халқ таъбирчилиги тарихининг қадимий, кўз илғамас даврларини аниқлашга ҳам хизмат қилади.

2.5. Учлантириш мотиви

Учлантириш мотивининг фольклор асарлари учун тўла ҳослигини таъкидлаш эҳтиёжи йўқ. Уч ака-ука, уч йўл, уч шарт... мотивларини эслашнинг ўзи кифоя

Учлантириш мотиви «Қутадғу билиг»да асосий мотивлардан ҳисобланади. Айтиш мумкинки, асардаги охириги қаҳрамон – Ўзғурмишнинг «Қутадғу билиг»даги ўрни ва вазифаси бевосита шу мотив асосига қурилгандир.

Маълумки, Ўгдулмиш Ўзғурмишга элиг таклифини айтиш ва уни шаҳарга чорлаш учун уч марта уриниб кўради ва охириги марта борганидагина мақсадига эришади. Ўгдулмиш биринчи марта қаттиқ қаршиликка учрайди. Таклиф рад этилади. Аммо ана шу таклиф ва унинг қабул қилинмаслиги зиддиятлари асосида Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг энг муҳим фалсафий-эстетик қарашларини баён этади. Бу қарашлар элиг Кунтуғдиннинг мактуби ва зоҳид Ўзғурмишнинг жавоби шаклида берилади.

Ўгдулмишнинг иккинчи марта сафари ҳам муваффақиятсиз тугайди. Аммо унинг Ўзғурмиш билан суҳбат-мунозаралари асосида муаллиф – Юсуф Хос Ҳожиб ниҳоятда муҳим композицион-бадий вазифаларни ҳал этади. Ўзғурмишнинг эл-юрт орасига аралашининг тартиб-низоми қандай бўлади? деган саволига жавоб баҳонасида жамиятдаги турли ижтимоий табақа ва гуруҳларга тавсиф бериб чиқади, ижтимоий ҳамда шахсий турмуш этикетларини санаб кўрсагади. Ниҳоят, учинчи уриниш Ўгдулмишга муваффақият келтиради. Ўзғурмиш шаҳарга боришга, ўзининг доно маслаҳатлари билан Ўгдулмиш ва элигга – Кунтуғдига ёрдам беришга рози бўлади. У шаҳарга келиб икки донишмандга инсонийликдан, чин одамгарчиликдан ҳаётий сабоқлар беради.

Кўриниб турибдики, учлантириш мотиви шаклан фольклордаги шу мотивдан фарқ қилмайди, унга тўла мувофиқ келади. Бу мувофиқлик замирида эҳтимол, уч рақамига бўлган сакрал-рамзий муносабат ҳам ётар¹. Зеро, асарда «3» сонига

Бу ҳақда батафсил маълумот учун қаранг: Жўраев М. Эртақлардаги анъанавий уч йўл мотивининг генезиси. – ЎТА 1983, №3. 31-37-бет.

нисбатан алоҳида, муқаддас қарашнинг очик излари бошқа ўринларда ҳам кўзга ташланади. Шунга кўра, бировнинг яхшилигини бирга уч қилиб қайтариш лозим (1843). Ҳатто кишига наф бермайдиган хусусиятлар чегараси (1639-байт), кўпчиликни ўзига бўйсундиришнинг йўл-йўриғи (2034), яхши фазилатлар рўйхати (2369), кишининг ҳалокатига сабаб бўладиган кишилар миқдори (2663)... ҳам учта. Фақат жамиятдагина эмас, табиатда ҳам уч сони ҳоким:

Ҳақиқат йўлдуз ҳақиқат йўли бил

Ҳақиқат кўзга йўлдуз ҳақиқат қўшқани бил (138).

Ҳақиқат от ҳақиқат сув ҳақиқат болди йўл

Ҳақиқат болди тўпрак аҳун болди йўл (139).

Агар шу қарашлар мантиқидан қилиб чиқариладиган бўлса, Кунтуғди ўтирган тахтнинг рамзий маънолари сал англагандай бўлади. Ахир, у ўтирган тахтнинг оёғи ҳам учта-да! Аммо ўша ўринда «3»га Юсуф Хос Ҳожиб шундай изоҳ беради:

Қадам ҳақиқат аҳамияти эмас болур

Ҳақиқат турур тўз қамитмас болур (787).

Барча ҳақиқат нарса қўлжимас бўлади,

Ҳақиқат учала (поялари) баробар, қимирламайдиган бўлади.

Хуллас, «3» рақамидан фольклор асосларини излаш ва далиллаш эҳтиёжи йўқ. Фақат Юсуф Хос Ҳожибнинг ана шу фольклор аъёнчаларига таяниб туриб, рамзий образлар моҳиятини очишда унумли фойдаланганини таъкидлаш керак. Назаримизда, тахтнинг ҳақиқат бўлиши рамзи остида бир қатор ҳалқона тасаввур ва эътиқодлар ётади.

1. Тахт ер юзасидаги тоғ билан тенглаштирилади. Тоғ эса дунё яхлитлигини тасаввур қилишнинг ўзига хос шакллари билан бириктирилади. У олам дарахти (мировое дерево) рамзига тенглашади. (Тахтга эътиқод қилиш ҳақида қаранг: 99.) Фикримизни яна бир жиҳатдан асослашга ҳаракат қилайлик.

Маълумки, дунё дарахти оламнинг моделини ифода қилади. Бу моделини дунё ҳалқлари турлича тасаввур этади. Жумладан, шомонликнинг ҳам ўз қарашлари мавжуд. Унга кўра олам уч ярусдан иборат. Булар: осмон, ер юзаси ва ер остидир. «Қутадғу билиг»даги тахтнинг бундай қараш билан алоқалантирилишининг яна бир сабаби бор. Қўринадик, Кунтуғди (унинг айни пайтда Қўёш эканлигини ҳам унутмайлик)

тахтда ўтирганида, унинг қўлида ханжар бор эди. Шомонликнинг ташки атрибутларидан бири ҳам ханжар билан боғланади. Зеро, дастлаб «бичэг» деб юритилган ханжар, Кунтуғди тилидан боғдэ деб юритилади. Агар шомонларнинг пичоғи ҳам бўгдал деб юритилишини назарда тутсак, тахминларимизнинг фақат бир белгига таянмаётганлиги очиқ кўринади. Бунинг устига ана шу бўгдалнинг уч киррали эканлиги ҳам бежиз эмас¹. «Шомонийларнинг тасаввурича, – деб ёзади Т.М.Михайлов, – бўгда осмондан тушган, шунинг учун сеҳрли, илоҳий хусусиятларга эга бўлган ўқдир»². Ўқ эса «ханжар, найза, қилич сингари қуроллар билан бир хил семантикага эга». Ёш шомонларга ҳокимият ва ҳурмат белгиси сифатида ханжар тортиқ қилиниши ҳам муҳим.

2. Кунтуғди асардаги подшо, унинг рамзий маъноси эса Адолатдир. Асардаги асосий қаҳрамонлар Кунтуғдидан ташқари учтадир. Булар Ойтўлди, Ўгдулмиш ва Ўзғурмишдир. Агар уларнинг мувофиқ равишда Давлат, Ақл ва Офийат (Қаноат) эканлигини эътиборга олсак, курси-тахтнинг устидаги Адолат нима (ким)ларга таяниб турганлиги маълум бўлади.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Кунтуғди – элиг, яъни мамлакатнинг олий ҳукмдори. Ҳукмдор кимга таяниши мумкин: вазир ва сарой аъёнларига. Бу вазифани эса вазир Ойтўлди, унинг ўғли Ўгдулмиш ҳамда уларнинг қариндоши Ўзғурмишлар адо этади.

«Қутадғу билиг»да «3» рақамининг халқ рамзлари эстетикаси билан мувофиқлиги шубҳа уйғотмайди. Аммо бу мувофиқлик фақат уч рақамида деб ҳам ўйламаслик керак. Рамзларга нисбатан фольклор ва мифлардаги сакрал муносабат «Қутадғу билиг»да ўзига хос тарзда сакланиб қолган. Инсоний хислатларни иккига ажратиш, киши мижозининг тўрт тури, инсон тана аъзолари ва осмон жисмларини еттига ажратиш ва ҳоказолар шулар жумласидан.

Фольклор асарларидаги учлантириш мотиви, кўпинча йўл давомидаги уч тўсикни енгиш, муайян жой билан боғлиқ ҳолда уч шартни бажариш сингари ҳолатлар билан боғлиқ. «Қутадғу билиг»да эса ана шу мотив туфайли Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг

Михайлов Т.М. Бурятский шаманизм: история, структура и социальные функции. Новосибирск. Наука. 1987. – с. 184.

Ўша китоб, 37-бет.

ахлокий-таълимий ҳамда фалсафий-эстетик қарашлари баёнига кенг майдон топади. Турли мавзуларни бир мантикий ип шодасига чизиш ана шу мотив туфайлигина мумкин бўлади.

Булардан кўринадики, «Кутадғу билиг»даги фольклор мотивлари ҳар доим асар бадий матосида ниҳоятда муҳим композицион ўрин тутати ва катта маъно ташийдди. Умуман, асарнинг шаклий сюжет қурилиши айни тур-кий халқларнинг мифо-поэтик ижоди билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келган. Асардаги фольклор мотивларини эгаллаган мавқеига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Улардан бир қисми бевосита оғзаки ижод намуна-лари сақлаб келган анъаналарга мувофиқ бўлса-да, «Кутадғу билиг»да айни фольклордаги вазифаларни адо этмасдан («каҳрамоннинг фавқуллодда хусу-сиятлари, фарзандсизлик мотивлари), асардан табиий («онгсиз») ўзлашма сифатида намоён бўлади ва кучли композицион-семантик маъно ташимайди.

Иккинчи туркумга асарнинг бадий қурилишида мустақил, алоҳида ва муҳим ўрин тутувчи фольклор мотивларини киритиш мумкин. Бу туркумга синов тонг-сахар, туш, учлантириш мотивлари мансуб. Ушбу мотивларнинг айримлари бевосита асардаги сюжет ривожини таъминлашга бўйсундирилган бўлса, айримлари бошқа композицион-семантик вазифалар ижросига йўналтирилган. Улар асардаги сабаб-оқибат муносабатларининг реаллашувига ҳам хизмат қилади.

III БОБ. БАДИЙ ВАРИАЦИЯ

Вариация (лотин тилида *variatio* — "ранг-баранглик, ўзгариш, фарқ қилиш" маъноларини беради) — санъатда композиция яратишдаги шаклни ҳосил қилувчи усуллардан биридир. Унинг моҳиятини шаклий ўзгаришлар, алоҳида унсурлар орасидаги муносабат ва алоқаларнинг ранг-баранглиги ташкил этади. Мусиқа назариясида у "мавзунинг шаклан ўзгариши" тарзида баҳоланади¹.

Бадиий адабиётда, хусусан, фольклорда бу усулнинг ниҳоятда кенг қўлланилиши кўзга ташланади. Айниқса, нисбатан қадимги фольклор асарларининг матнларида бу усулнинг анча кенг ва ранг-баранг шакллarga эгалигини кузатиш мумкин. А.В. Кудияров унинг мўғул тилидаги фольклор намуналарида кенг тарқалганини кўрсатиб берган². (3.) А.А.Конунوف эса олтой эпик анъаналарида ҳам бу усулнинг анча фаол истеъмода бўлганини қайд этади³ (4). Биз "Алпомиш", шунингдек, "Гўруғли" туркум дostonларида, хакасларнинг "Алтин Ариғ", қирғизларнинг "Манас" дostonларида ҳам бу усулнинг анча фаол эканлигини кузатдик.

Ана шу фонда Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" дostonида мазкур усулнинг истифода этилиши мутлақо тасодифий эмасдир.

«Бадиий вариация айни фикрни турли бадиий-поэтик воситалар орқали изчил баён этишдир». Ушбу фикрни айтган А.В.Кудияров бадиий вариациянинг турк-мўғул эпоси учун тўла ҳослигини таъкидлайди. Аслида фольклор асарларида бадиий вариациянинг анча устувор тасвир принципларидан бири эканлигини кузатиш мумкин. Туркий, жумладан, ўзбек фольклори ҳам ушбу қонуниятларга тўла бўйсунди.

"Гўруғлининг туғилиши" дostonининг бошида Равшанбек қизилбошларнинг қўлига тушиб қолади, кўп хору зорликларни

Кудияров А.В. Художественно-стилевые закономерности эпоса монгольских народов // Фольклор: Образ и поэтическое слово в контексте. М., 1984. С. 10-17.

Конунوف А.А. Стилизовое варьирование в героических сказаниях Н. Улагашева на фоне алтайской эпической традиции. Автореферат канд. дисс. — М.: 2008 // <http://www.dissertat.com/content/stilevoe-variovanie-v-geroicheskikh-skazaniyakh-n-ulagashева-na-fone-altayskoi-epicheskoi-tr>

tr

Bağın: http://slovari.vandex.ru/книги/Словарь_изобразительного_искусства/_Вариация/

бошдан кечиради. Унинг оғир рухий ҳолати дostonда жуда таъсирчан тарзда ўз ифодасини топган:

Не савдолар тушди менинг бошимда,
Ҳеч ким раҳм айламас кўзда ёшимда,
Ҳасрат ўти урди ичу тошимда,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Кўпайишиб икки кўлим боғлади,
Лолулашиб бағру дилим доғлади,
Чалқайиб ўзларин баланд чоғлади,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Қизилбоши экан ғалча, тил билмас,
Ғажир бойкуш экан, айтгани қилмас,
Талтайиб туркманни кўзларга илмас,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Қизилбоши экан авбош, баччағар,
Бир занги сифатли, кўзлари чоғар,
Бари бирдай ақли калта, энағар,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Қизилбоши экан олакўзликлар,
Кимлигини билмас оша сўзликлар,
Тишлари оқчиган, қораюзликлар,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Яккалашса келар эди зўрлигим,
Водариғо, кўрсатмадим эрлигим,
Асир қолиб, келди қаттиқ хўрлигим,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Душманимдан оларманми оримни,
Эшитмайди булар қилган зоримни,
Бек Равшан дер етирмишам коримни,
Қизилбошга банди бўлдим, найлайин.

Кўриниб турганидай, матндаги асосий фикр Равшаннинг кийин ахвога тушиб қолгани, бу ҳолатда нима қилишини билмай қолган рухий вазияти тасвирини беришдан иборат. Мана шу фикр халма-хил шакл ва воситалар орқали акс эттирилган.

Дастлаб содир бўлган воқеа ҳақидаги ахборот берилган. Асосий фикр банд охиридаги мисрада (“Қизилбошга банди бўлдим, найлайин”) акс этган.

Кейинги банд ҳам мана шу фикрни ривожлантиради. Бу ерда ҳам асосий фикр содир бўлган воқеа ҳақидаги маълумотдан иборат. Аммо бу ерда воқеанинг содир бўлиш ҳолати, вазияти кшрсатиб берилмоқда.

Учинчи банддаги асосий фикр ҳам содир бўлган воқеа ҳақидаги хабарни билдириш бўлса-да у ракибнинг табиатига ҳос бўлган айрим изоҳларнинг киритилиши билан бойитилган. Уларнинг ўр ва қайсар (“ғалча, тил билмас, ғажир бойкуш, айтгани қилмас”)лиги, кеккайиб юришлари ва бошқаларни назар- писанд қилмасликлари (“Талгайиб туркманни кўзларга илмас”) кўрсатиб ўтилган.

Тўртинчи ва бешинчи бандда ҳам яна ғанимларнинг бемаза хислатлари (авбош, баччағар, занги сифатли, кўзлари чағир, ақли қалта, олақўзли, оша сўзли, тиши оқчиган, қора юзлилиги)га алоҳида урғу тушади. Бу билан бандиликда қолган Равшаннинг рухий ҳолати ҳақидаги хабар янада маҳзунроқ тус олади.

Олтинчи байтдаги асосий фикр ҳам Равшаннинг қизилбошга банди бўлганлигини билдиришдан иборат. Фақат бу ерда қаҳрамоннинг имкон ва имконсизлик ўртасидаги ҳолатига эътибор тортилган.

Охириги банд ҳам шу фикрни такрорлайди. Унда олдингилардан фарқли равишда умид ва умидсизлик оҳанглари кўшилади. Демак, матннинг асосий ғояси турли шаклларда, хилма-хил усуллар ва воситалар орқали тасвирланади. Бир фикрнинг бундай жилваланиши, албатта китобхон (тингловчи)ни бефарқ қолдирмайди. Бадиий вқариация айни ҳодисанинг ранг-баранг ракурсларда эътиборга ҳавола эта олиши билан тасвирга ўзгача руҳ ва жозиба бағишлайди.

Бу ҳолат «Қутадғу билиг» бадиий тасвир принциплари орасида бадиий вариациянинг салмоқли ўрин тутиши тасодифий эмаслигини кўрсатади. Айрим мисолларга мурожаат этайлик:

Бәгин кулда адра билумас өзүм,

Чығайыҭ байунда сәчүмәс көзүм.

Ўзим бекни кулдан ажрата билмайман,

Кўзим камбағални бойдан фарқлай олмайди.

Гап ўлгандан кейин кишиларнинг ҳаммаси баробар бўлиб қолиши устида кетмокда. Аслида биринчи мисранинг ўзи бу фикр тасдиғи учун кифоя қилади. Аммо кейинги мисранинг мавжудлиғи ушбу фикрни яна бир марта кучли равишда таъкидлайди.

Эътибор берилса, биринчи мисра мазмуни кейинги мисрада айрим яқин маъноли сўзлар орқали бериляпти. Улар: бэг: бай, кул, чигай, адыр: сәч сўзларидир. «Кўз» ҳам аслида метонимик кўчишга таянган ҳолда (бутуннинг бўлағи сифатида) «ўзум» ифодалаётган маънога тенглашади.

Бадий вариациянинг дастлабки поғонаси аслида синоним сўзлардан фойдаланиш билан бошланган дейиш хато бўлмас. Чунки дастлаб синонимлардан фойдаланиш орқали айна фикр ва тушунчани турли шаклларда ифодалаш имконияти юзага келган:

Мэниндин нэрэк эмди өт, сэв, ириг,

Бу өдлэк аты таб сэнэ, эй тириг.

Мендан ўгит, панд, насиҳат нега керак,

Бу даврон ўгити сенга кифоя, эй тирик.

Бу ўринда от, сэв, ириг сўзларининг ҳаммаси бир синонимик қатор мансуб. Аммо бадий вариацияни синонимлардан, аниқроғи сўз синонимиясидан фарқлаш лозим. Синонимлар бир тушунчани ифодалаш учун хизмат қиладиган ўзаро яқин маъноли (маънодош) сўзлардир. Бадий вариациянинг мақсади эса муайян тугалланган фикрни янги ифодаларда кўрасатишга қаратилган. Шу маънода уни фикрлар синонимияси деб агаш мумкин бўлади.

Эътибор беринг:

Нэчэ ма кичик эрсэ душман сэнэ,

Аны сэн улуғ тут, эй эрсиг төңэ. (3353)

Сенинг душманинг канчалик кичик бўлса (хам),

Уни сен улуғ деб бил, эй мард баҳодир.

Душманнинг катта-кичиклиғи бўлмаслиғи аён ҳақиқат. Шунга кўра ҳам шоир кичик душман сени ғафлатда қолдирмасин, уни доимо улуғ кучга, катта қудратга молик деб бил деб огоҳлантиради. Айна шу фикр кейинги байтда яна қайтарилади.

Аммо бу кайтарик олдинги фикрни янада ривожлантиради, унга аниқлик бағишлайди:

Чибун болды душман йағанка бэдүг,
Исирса йағанни сочытур көд өг. (3354)

Чивин филга катта душман бўлди,

Чақса филни жуда (хам) хуркитади (яъни кўркитади) бил.

Ана шундан кейин шоир ўз фикрини якунлашга ҳаракат қилади, олдинги мулохазаларини умумлаштиради. Бунинг учун эса қуйидаги мисраларни келтиради:

Кичиг душманым тэб осанма узун,

Нэлүг қоркайын тэб күвәнмә сөзүн. (3356)

Йағын болды эрса осал болмағыл,

Йағыка йағы бол, түзүнга түзүн. (3357)

Душманым арзимас деб узок ғофил бўлма,

Нега кўркайин деб сўз билан керилма.

Ёвинг бўладиган бўлса, ғофил бўлмагин,

Ёвга ёв бўл, яхшига яхши (бўл).

Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги мисраларини кузатайлик. Унда шоир ҳукм эгалари халққа эзгулик қилиши лозим деган фикрни турли шаклларда келтиради:

Кимүн давлати баш котүрсә өрү,

Камуғ эдгү қылғу бундунка төрү. (532)

Кимун әлги болса будунка узун,

Силиг болсу қылкы қылынчы түзүн.

Йорық болса кимүң будунка сыры,

Сүчиг тутсу тил, сөз не қусқы уры. (534).

Кимнинг давлати зиёда бўлса,

У халққа мутлақ эзгу сиёсат юритиши керак.

Кимнинг қўли халқ учун узун бўлса [яъни ким

халкни идора қилса]?

Унинг хулки хуш ва феъл-рафтори тўғри бўлиши керак.

Кимнинг сир-асрори халққа аён бўлса,

Тил ва сўзи ширин, мулойим, хушмуомала бўлсин.

Биринчи байтнинг иккинчи мисрасидаги “халққа факат яхшилиқ қилсин” тарзидаги маъно кейинги байтнинг иккинчи мисрасида янада ўзига хос тарздаги тасвир билан берилмоқда. Бу ердаги эзгуликнинг кўриниши айрим хулқ-атвор тарзи (“Силиг болсу қылкы қылынчы түзүн”) мисолида ёритилган.

Ушбу байтларнинг биринчи мисралари хукм эгаларига қаратилган бўлиб, уларнинг ифода тарзи мутлако бошқа-бошқадир. Кейинги мисралар эса эзгуликка ундашдан иборат. Биринчи байтда тўғридан-тўғри эл-халққа эзгулик қилишга, эзгу сиёсат юритишга чакирик ифодаланса, иккинчи мисрада у хатти-харакатларнинг ёқимли бўлишига талаб шаклини олган. Бу ерда урғу кўпроқ феъл-атворга тушмоқда. Охирги байтда эса эзгулик тил – нутқ одоби билан алоқалантирилган.

Энди беклар ҳақида айтилган қуйидаги мисраларга эътибор берайлик:

Бу бэглэр өт – ул, өтка барма йағуқ,

Қалы бардың эрсэ күйүрмэк ануқ (639).

Осал болма бэглэр күйэр өт турур,

Күйэр өтка йакса ангар йүт турур.

Бака көрсэ бэглэр күйэр өт сани,

Басынса үзэр баш, сөрэр өз қаны (641).

Бу беклар мисли бир оловдир. сен бу оловга яқин борма.

Агар борсанг, унинг куйдириши аниқ.

Ғофил бўлма, беклар бамисоли ёниб турган бир ўтдир,

Ким куяр ўтга яқинлашса, унга бало ёпишади.

Боқиб кўрсанг, беклар ёниб турган ўт кабидир,

Агар уни боссанг, бошни узади, киши қонини сўради.

Ушбу мисолимизда ҳам ҳар уч байтнинг биринчи мисралари бекларни ўт (олов)га ўхшатишни мақсад қилиб қўйган. Аммо уларнинг бирортасида ҳам сўзлар айнан такрорланмайди. Фақат ўхшатиш қўшимчаларининг ўзиёқ ҳар уч байтда уч хил кўринишга эга. Биринчи мисрада бу вазифани «ул» боғланмаси адо этган.

Кейинги байтда эса уни «турур» кўмакчи феъли бажаради. Охирги байтда эса ўхшатиш маъноси «саны» сўзи орқали рўёбга чиққан. Ҳар учала байтнинг кейинги мисралари эса олдинги мисра мазмунини изоҳлаш, шарҳлаш учун хизмат қилади. Уларнинг шакл ва мазмунларидаги айирма жуда очиқ кўриниб турибди.

Бекни ўт, оловга ўхшатиш бошқа бир ўринда ҳам учрайди:

Қарақа билиг бэрди билги ачуқ,

Бушар өдтэ бэглэркэ барма йағуқ. (763)

Тақы йақшы аймыш билиглиг бөгү,

Бушар өдтэ бэглэр болур от ағу.

Қалы болса бәгләр бушуб өвкәлиг,
Йақын турма анда, э қылқы силиг.
Бушар болса бәгләр кәлиб өвкәси,
Йырақ турғыл анда тәгүргәй йаси.
Мунар мәнзәтү кәлди эмди бу сөз,
Көңүлкә алынғыл, көдәзгил кәд өз:
Бушар өдтә бәгләркә барма йагук,
Қалы бардын эрсә ужузлук анук.
Күр арсланка охшар бу бәгләр өзи,
Бушурса кәсәр баш, э билги йарук. (769)

Билимли равшан (киши) омийга (шундай) таълим берди:
Дарғазаб бўлганда хеч қачон бекларга якин борма.
Билимли доно (бу ҳақда) янада яхшироқ айтибди;
Дарғазаб бўлган пайтида беклар олов (ва) оғу бўлади.
Агар беклар дарғазаб бўлиб қаҳрга кирса,
У чоғда якин турма, эй хулки хуш (киши).
Беклар қаҳрга келиб, дарғазаб бўладиган бўлса,
У(лар)дан йироқ тургин, бўлмаса зиён етказадилар:
Мана бу сўз энди бунга ўхшатиш учун мос келди,
Уни дилинга жойлаб ол ва ўзингни сақлагин:
Дарғазаб бўлган пайтида бекларга якин борма,
Агар боргудек бўлсанг, қадрсизлик (насибанг бўлиши) турган гап.
Беклар – бу юракли арслонга ўхшайди,
Уларни ғазабга келтирсанг, бош кесади, эй равшан фикрли.

Олдинги мисолимизга беклар тўғридан-тўғри оловга қиёсланган эди. Ушбу ўхшатиш ушбу мисолда ҳам мавжуд. Аммо эътибор берилса бу ерда ҳар қандай бек ва ҳар доим эмас, фақат аччиқланган пайтдагина бек оловга ўхшайди деган таъкид мавжуд.

Биринчи байтда дарғазаб беклар олдида эҳтиёткорлик лозимлиги «барма йағук» тарзида уқтирилса, учинчи (765) байтда у «Йақын турма анда» шаклини олган. Кейинги (766) байтда эса бу огоҳлантириш «Йырақ турғыл анда» тарзида шаклланади.

Дастлабки байтда тўғридан-тўғри «Бушар одтә бәгләркә барма йағук» дейилади. Кейинги байтда эса шунинг сабаби кўрсатилади («Бушар одтә бәгләр болур от, ағу»), 763-байтнинг иккинчи мисраси 768-байт бошида айнан, хеч ўзгаришсиз такрорланади. Аммо унинг кейинги мисраси ушбу қақариқни изоҳлайди, унга аниқлик киритади.

Унинг айрим намуналарини кузатайлик:
Эрәжләргә авныб осал болғучы
Өлүм тутса удтур йәтимәс күчи (1128).

Өкүш нәнкә тодмас көзи суқ киши,
Ажал тутса өкнүр этүмәс иши.

Йайығ кутқа авныб күвәнүр күр эр,
Йағыз йәр катында йүрәкин йарар. (1130).

Ҳаловат-неъматларга маст бўлиб ғафлатга ботган киши,
Ўлим тутгач, кўзи очилади, лекин (ҳеч нарсага) кучи етмайди.
Талай нарсаларга тўймайдиган кўзи суқ киши,
Ажал тутгач ўкинади, лекин ҳеч тадбир қила олмайди.
Ўткинчи давлатга овуниб юрувчи кеккайган, мағрур киши,
Қора ер қатида юраги ёрилади [яъни дили азият чекади].

Гап инсон умрининг мазмун ва моҳияти, аниқроғи, уни беҳуда ўтказмаслик устида боряпти. Модомики, инсон тирик экан, у беҳуда ишлардан, роҳат-фароғатларга маҳлиёликдан тийилмоғи лозим. Акс ҳолда, умр сўнгида унинг қўлидан ҳеч бир иш келмай қолади. Дастлабки байтнинг умумий мазмуни шу.

Кейинги байт ҳам шу фикр тадрижга қаратилган. Фикр тақрорланади. Аммо бу фикрнинг ифодаси мутлақо бошқача. Бу ерда очофатлик. кўзи суқлик билан тириклик кечираётган шахс қораланади. Унинг умри охирида ўкиниш, пушаймон қилишдан наф бўлмаслиги таъкидланади.

Учинчи байт ҳам мазкур фикрни акс эттиради. Фақат бу ерда у ўткинчи мол-дунёга хирсу ҳавасни кучайтириб, шундан хурсанд бўлиб юрган шахс тимсолини кўрсатишга қаратилган. Натижа эса яна бир хил: кўзи очик кимсаларга тупроқ остидаги азоб ва пушаймонликнинг нафи бўлмаслигини уқтиришдан иборат. Демак, инсон ўз умрини инсонларга мос ва муносиб бўлган ҳаётгагина бағишлаши, унга монелик қиладиган ишлардан, хатти-ҳаракатлардан ўзини асрамоғи жоиздир.

Биз ҳозиргача айрим мисралар орасидаги бадийи вариацияларни кузатдик. Улар байтнинг ўзига тўлалигича тааллуқли бўлиши ҳам мумкин:

Өрүң сүт билә кирсә эдгү кылык,
Өлүм тутмағынча эвүрмәс йорык. (866)
Таду бирлә катлыб төрүмиш қылынч,

Өлүм бузмағынча бузылмас эринч.
Каринда торүмиш кылынч, огрәтиг,
Йағыз йәр қатында кәтәр, әй тәтиг. (868)

Яхши қилиқ оқ сут билан кирса,
Ўлим келиб тутмагунча ўз тарзини ўзгартирмайди.
Мижозга аралашиб яратилган қилиқ
Ўлим бузмагунча асло бузилмайди.
Қоринда вужуд бўлган қилиқ, одат,
Қора ер қатида кетади, эй тетик.

Аслида ҳар учала байт ҳам айни фикрни такрорлаяпти. Улар туғма яхши одамдан доимо яхшилик, аксинча, туғма ёмон одамдан фақат ёмонлик келади деган фикр исботи учун келтирилган.

Байтлараро мантикий такрорлар фақат сўз вариацияси орқалигина шундай катта кучга эга бўляпти. Улар айни фикрни даражама-даража юқорига олиб чиқаяпти, ўқувчига шу тарзла кучлироқ таъсир қилиш имконига эга бўляпти.

Бадий вариация фақат фикрнинг янги жиоларда кўриниши, фикр ва тафаккур рақсигина эмас, у айни пайтда муайян бир фикрнинг исботи, унинг далили вазифасини ҳам этиши мумкин.

Мана бир мисол:

Ташын кормәгил сән, эй элиг, кишиг,
Кішнинин ичин көр, йашутлуғ ишиг. (5001)
Нәчә көрклүг эрсә қағун таш йүзи,
Йыды йа бадызы йа мәнзи түзи.
Ичиндә татығ болмаса ул қағун,
Аны таштын атғу болур, эй сығун. (5003)

Сен кишининг сиртини (яъни зоҳири)га бокмагин, эй элиг,
Кишининг иш(ларини яширган ичи (яъни ботин)га бок.
Қовуннинг ташқи кўриниши канчалик чиройли бўлса (ҳам),
Ҳиди ёки сурати ёки бутун шакл и (манзур бўлса) ҳам.
У қовуннинг ичида мазаси бўлмаса.

Уни четга итқитиш керак бўлади, эй буғу.

(яъни буғу қаби зийрак).

Бу ерда гап инсоннинг маънавияти, унинг ички олами ҳақида бормоқда. Инсоннинг сурати (сирти) ва сийрати (ички олами) бир хил бўлиши керак. Аммо ҳаётда ҳар доим ҳам шундай бўлвермайди. Баъзан ташқи киёфа билан ички олам мутаносиб

бўлмаслиги мумкин. Шоир мана шу кузатишлари учун асос сифатида табиатда учраб турадиган ҳодисалардан бирини эсга олмоқда. Ковуннинг ташқи кўриниши ва ичи (мазаси) ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бўлавермаслиги мумкин. Шоир аслида шунинг ўзи билан ҳам киёяланиши мумкин эди. Бирок, исботнинг янада тушунарли, аниқ ва тушунарли бўлиши учун ковунга хос бўлган бошқа хусусиятлар ҳам тўла камрови билан берилиши мақсадга мувофиқ бўлган.

Инсон яратилишига кўра ниҳоятда мураккаб ва сирли хилқатдир. Ташқи киёфасига қараб туриб унинг шахсияти ҳақида, маънавий олами ҳақида мулоҳаза юритиш анча қийин. Шунинг учун ҳам инсон бу масалада адашмаслиги, чуқур кузатув ва мулоҳазаларга таяниши шарт.

Бу фикрлар асардаги энг йирик донишмандлардан бири – Ўзгурмишга оид. У ўз фикрларини мамлакат ҳукмдорига билдирмоқда. Адиб дидактик ғояларни, ўз панд ва насиҳатларини бир хил маромда ифодаласа ўқимишли бўлмаслигини, кишилар эътиборига тушмаслигини яхши билади. Шунинг учун ҳам уларни халқона тасаввур ва тафаккур андозаларига мослайди.

Юсуф хос Ҳожиб инсоннинг шакли-шамойили билан унинг ички олами ҳар доим мос бўлавермаслигини, улар ўртасида айирма ёки зиддиятлар кўпроқ учрашини таъкидлаш истагидадир. Дастлабки байтда бу умумий тарзда акс этган. Кишининг ташқи кўринишига, киёфасига, сурагига қараб туриб унинг сийратига баҳо бериш ўринли бўлмайди. Шоир бунинг учун ниҳоятда мос ва муносиб киёс топади. Бунинг учун қовуннинг кўриниши эслатилади. Қовуннинг ташқи кўриниши қанчалик чиройли бўлмасин, барибир, ҳали бу нарса унинг ҳар томонлама муносиблигини англатмайди. Ҳатто унинг сўйилмай турган ҳолдаги хиди, кўриниши ҳам ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Зеро, қовуннинг мазаси яхши бўлмаса, бу сифатлар ҳеч нимага арзимаيدди. Бундай қовунни иткитиб юбориш керак бўлади.

Биз олдинги бобларда Юсуф Хос Ҳожибнинг халқ мақолларидан фойдаланишдаги ўзига хосликларидан бири ўз фикрини мақоллар ёрдамида хилма-хил тарзда ифодалай олиш ҳам эканлигини кўрсатган эдик. Бу ерда ўша фикрни яна ривожлантиришга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларини келтиришдан олдин махсус таъкидловчи мисраларни

келтиради. Ўша мисралар «Нэку тэр...», «Мунар мэнзэр эмди...» сингари сўзлар билан бошланади. Бу ифодалар асарда икки юздан ортиқроқ марта қўлланган бўлишига қарамай, бирор мисрада уларни айнан такрорлангани учрамайди.

Факат «Нэку тэр...» деб бошланадиган мисралардан айрим намуналар келтирайлик:

Нэку тэр, эшитгил, бу эл, кэнт бэги. (213)

Нэку тэр, эшитгил, билигилг киши. (258)

Нэку тэр, эшитгил, сақынук киши. (1049)

Нэку тэр, эшитгил, бу байт айғучы. (2884)

Нэку тэр, эшитгил, киши одруми. (3327)

Нэку тэр, эшит, көңли алчақ киши. (4450)

Нэку тэр, эшит, тынла билги батығ. (5589)

Асарда айна мана шу шаклдаги эслатмаларнинг умумий саноғи икки юздан ортиқроқ. Шунга қарамай, уларнинг бирортаси ҳам айнан, сўзма-сўз ҳолда такрорланган эмас. Мисралардаги яқинликни ҳис этган китобхон, уларнинг якунида фикрий янгиликка ундайдиган бошқа-бошқа сўз ва ифодаларга дуч келаверади. Ўзаро яқин поэтик манзаралар тасвирида кутилмаган сўз ва иборалар қўлланаверади.

Бугина эмас, асарда стандарт ҳолат («стандартное положение»)ларда ҳам ҳар доим янгим вариацияларни қўллашга мойиллик сезилади. Биргина табиат тасвирини эсга олайлик. Асарнинг «Кириш» қисмидаги «Баҳор мадҳияси» ҳисобга олинмаса, «Қутадғу билиг»даги табиат тасвири одатда қаҳрамон «Ўғдулмиш» ҳаракатлари билан бэғлик ҳоллардагина берилади. Шунда ҳам биз фақат тун ва тонг тасвирлари билан танишамиз.

Ишнинг биринчи бобида (49-50-бетлар) тонг-сахар тасвирига оид бир парчани (4859-4864) келтирган эдик. Бу ерда Ўғдулмишнинг Ўзғурмиш ҳузурига дастлабки ташрифи арафасидаги тасвирни кузатайлик:

Илал тэб туруб чикты Огдүлмиш-э,

Ул эдгү қылынч бирлэ игдилмиш-э. (3242)

Атын мунды эвкэ йүз урды туруб,

Кэлиб түшти кирди йақа қур йарүб.

Йашық йанды йэркэ йақурды башын,

Йарук дунйа мэнзи қаради эшин.

Қуды этти кэсмэ, йарук йүз туды,

Сэвүг зулфы толды йукару куды.

Туруб йунды кылды бу йатгу намаз,
Тошэк кулды, йатты, удыб барды аз.
Бэлинлэб удунды, котүрди башын,
Қара заны қылмыш йүзини эшин.
Туруб йунды, кылды йана тан намаз,
Дуъа кылды тасбеу йэмэ кодты аз.
Толса турку қалқан корүрди ушун,
Йарук йүз күлэр – тэг йаруды ажун.
Эдэрлэды тэркин атыны тутуб,
Қадашы тана барды эвдин туруб. (3250)

Ха, албатта, деб Ыгдулмиш туриб чиқди,
У (пундай) эзгу хулк билан тарбияланган (эди).
Отини минди, туриб уйга томон йўналди,
Келиб (уйига) тушди, кирди, ёқа, белбоғини ечди.
Қуёш қайтди, бошини ерга якинлаштирди,
Ёруғ жахон юзи зулмат пардаси билан қорайди.
(Осмон) зулфини туширди, ёруғ юзини ёпди,
Севимли юзи юкори ва қуйини қоплади (яъни оламни қоронғилик
қоплади).

Туриб таҳорат олди, хуфтан намозини ўқиди,
Ўрин (килишларини) сўради, ётди (бир) оз ухлаб кетди.
Чўчиб уйғонди, бошини кўтарди,
Қора хабаш юзини пардалабди (яъни зулмат кетиб тонг ёриша
бошлабди).

Туриб таҳорат олди, яна бомдод намозини ўқиди,
Тасбеҳ ўғириб дуо қилди, яна бир оз кутди.
Гирдак зарин қалқон (яъни қуёш) қаддини кўтарди,
Кулувчи чиройли юз каби (бўлиб) олам ёришди.
Туриб отини тезлик билан эгарлади,
Уйидан чиқиб қариндоши томон кетди.

Ушбу парчани тузилишига кўра бир неча қисмларга
ажратиш мумкин:

1. Қаҳрамоннинг ўзи уйи томон йўналиши (3242-3243-
байтлар).
2. Туннинг чўкиш тасвири. (3244-3245).
3. Ухлашга уриниш ва уйқу. (3246).
4. Тонгнинг ота бошлашига ишора. (3247).
5. Қаҳрамоннинг руҳий ҳолати. (3248).

6. Тонг отиши. (3249).

7. Каҳрамоннинг йўлга тушиши. (3250).

Ўгдулмишнинг иккинчи марта йўлга чиқиши ҳолатини кузатиб, улардаги тасвирнинг айти принципларга таянишини кўриш қийин эмас. Биз белгиланган композицион қисмлар бу ерда (3858-3867-байтлар) ҳам айнан такрорланади. Аммо бу такрорлар фақат принцип ва мантикқагина тегишли бўлиб, сўзларнинг ўзи деярли янгича ифода шаклларига эга бўлади.

Биринчи ҳолда туннинг чўқиши Қуёш (йашық) номини келтириш билан бошланса, иккинчи ҳолда у истиоравий тарзда «Румый қызы» дейилади. Биринчи тасвирда тун «Йарук дунйа мэнзи қарарди эшин» дейилса, кейингисиде «Ажун қыртышы болды зани йўзи» шаклини олади.

Ёки тун биринчи ҳолда «севиқли маҳбубанинг сочи рангини олган» бўлса, кейинги ҳолда у «қора қуш тусига киради».

Бундай ўхшашликларни яна келтириш мумкин. Ҳатто учинчи ташриф тавсифида ҳам бундай яқинликлар жуда очиқ кўринади. Бироқ уларнинг бирортасида ҳам айнан такрорланадиган кенг манзаралар учрамайди. Ўша манзараларнинг умумий кўриниши такрорланса-да, унинг деталлари, кичик бўлаклари мутлақ янги бўлади.

Юсуф Хос Ҳожиб китобхон зехнини синовдан ўтказаетгандек бўлади. Айти тасвирни ўқиб туриб унинг такрорланаётгани мутлақо сезмай қолинади. Бунга эса шоир бадий вариациялар орқалигина эришган.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш жоизки, Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб мазкур тасвирлар кейинги давр адабиёти вакиллари учун ҳам яхши ўрнак ва намуна мактаби вазифасини адо этган. Биз буни Хужандий ижоди мисолида кўришимиз мумкин.

...Саҳар вақтинда ким султони ховар
Жамолидин жаҳон бўлди мунаввар.

Олиб найза иликга хусрави Чин,
Щабаш султонини қавди жаҳондин.

Шаҳи машрик алам оламга урди,
Сипохи занги қўрқуб юз ёшурди.

Чикарди эрса шоҳ ханжар белиндин,
Ҳабаш султони қочти Рум элиндин.

Сипоҳи турк буддиси сипоҳи,
Азимат тутти ҳиндулар сипоҳи.

Хуруси субҳдам фарёд ошурди,
Кеча зоғи юмурткасини ёшурди.

Мазкур байтларнинг барчасидаги асосий фикр тонг тасвирини беришга қаратилган. Хўжандий сахар пайтдаги қуёшнинг илк намоён бўлиш ҳолатини истиоравий тасвирларга ўраган ҳолда бошлар экан, Қуёшни Шарқ султони (“султони Ховар”) деб атайти. Қуёшнинг сахар пайтида ўз нурларининг сочишини адиб “Жамолидин жаҳон бўлди мунаввар” дея баҳолайди. Бу Қуёш ўз ўрнига келди, тонг отди, қуёш кўринди демакдир. Шоир бу тасвирдан қаноат ҳосил қилмайти. Тонг палласини янада янгича, янада яхшироқ тасаввур қилиш имконларини қидиради. Энди шоирнинг кўз олдига жанг майдони келади. Бу майдонда икки бир-бирига душман бўлган томонларнинг аскарлари рўпара келишади. Бу майдонда Чин ва Ҳабаш султонлари ўз кучларини кўрсатиш учун шай турибди. Мазкур тасвирлар замирида юқорида айтганимиздек истиоравий тасвир етакчилик қилади. Шунда “хусрави Чиннинг тонг, қуёш ҳамда “Ҳабаш султони”нинг тун, қоронғилик тимсоллари эканлиги маълум бўлади. Бу ҳақиқатда ҳам ҳарбий кучлар тўқнашган жанг майдонини эслатади; Чин ҳоқони қўлига найза олиб ҳабаш султонини қувишга тушади. Яъни зулмат, қоронғилик кундуз, ёруғлик олдиди тоб беролмасдан чекинади. Демак, бу ерда ҳам гап тонгнинг отиши, туннинг кетиши устида бораёттир.

Кейинги байт ҳам мазкур мавзунини давом эттиради. Бу ерда янги синонимлар ўша фикр ифодасига бўйсундирилади. “Ховар” ўрнига “Машрик”, “султон” ўрнига “шаҳ” сўзлари истифода этилади. Тасвирлашдаги асосий услуб бу бандда ҳам сақланади. Тонг лавҳаси ҳарбий атамалар воситасида тасвирланишда давом этади: Шарқ шоҳи дунёга ўз байроғини ўрната бошлади. Бундай асаъсаю дабдабани кўркмайдиган ғаним борми, зангиларнинг сипоҳи – лашкарлари кўркқанларидан қоча бошлашади (“юз

яшурди”). Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам асосий ҳукм шу: кечанинг ўрнини кундуз олмақда.

Жанг давом этади шох белдаги ханжарни қўлига олади, яъни қуёшнинг нурлари заминга етиб кела бошлайди. Буни кўрган ҳабаш султони Рум мамлакати (коронгилик салтанати)дан кўч-кўронини кўтаришга мажбур бўлади. Хулоса яна такрорланади: тун ўрнига кундуз келди.

Сипохи турк бўлдиса сипохи.

Азимат тутти ҳиндулар сипохи.

Тўнг отишнинг асосий аломатларидан бири хўрознинг қийкиригидир. Парчанинг сўнгги байтида поэтик вариация мана шу детал орқали амалга ошади. Сахарнинг хўрози товушини кучайтирган бир пайтда коронгилик (“кеча зоғи”) маҳв бўлади (“юмуртқасин яширди”)¹.

Аслида Юсуф Хос Ҳожиб томонидан келтирилган ҳамда муайян бир фикрнинг якуни ёки тасдиғи вазифасини адо этадиган тўртликлар ҳам кўпинча, олдиндан давом этиб келаётган муайян бир фикрнинг вариацияси сифатида кўзга ташланади. Масалан:

Билиглиг, уқушлуғ билиб билса иш,

Билиглиг, уқушлуғ қилср қылса иш. (3127)

Ишни билса, билимли, заковатли билади,

Иш қилса, билимли, заковатли килади.

Билим, ўқув ва идрокни улуғлашга қаратилган ушбу фикрлар кейинги мисраларда, тўртлик шаклида яна такрорланади. Аммо бу мантиқий такрор холос. Уларнинг ифода тарзи мутлақо ўзига хосдир:

Билиг бирлэ йазлур қамуғ тэрс түгүн,

Билиг бил, уқуш уқ, тирилгил оғүн. (3129)

Билиг ишкэ тутғыл тақы бил күни,

Тақы огрэн тур осанма бу күн. (3130)

Ҳамма қаттиқ тугун билим туфайли ечилади,

Билим бил, заковат ўрган, оқилона яшагин.

Билимни ишга солгин, тағин ҳар кун ўрган.

Тағин ўргана Бер, бугун ғофил бўлма.

Ходжанди. Латафатнаме. Книга о красоте. Введение, транскрипция и перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И. Фазылова. Тошкент, Фан, 1979, с. 38-39.

Айрим тўртликларда маснавийдаги баъзи мисралар тўлиғича такрорланиши ҳам мумкин:

Маснавийда:

Нэ корклүг сэвинч-ул киши адрылыб,
Саламат қавушса тил эйү кэлиб. (3256)

Не эдгү болур-ул қадашдын йыраб,
Барыб тэгсэ тушса йағуқлук улаб. (3257)

Қандай ажойиб севинчки, киши айрилиб
Истаб келиб, саломатлик билан (яна топишса),
Қандай эзгу (иш) бўладики, қариндошдан айрилиб,

Яқинлик боғлаб, бориб етишса (яъни кидириб топса), учрашса.

Инсон зоти борки, айрилиқ азоби уни эзади, яқинларидан узоқда бўлиш унинг руҳиятига салбий таъсир ўтказади. Аммо бу айрилиқларнинг сўнгида у ўз яқинларининг ҳузурига кела олса, улар билан кўришиш бахтига муяссар бўлса, бу ҳақиқий қувонч бўлади. Шоир уни ярашиқли севинч (“Нэ корклүг сэвинч”) деб баҳолайди. Ҳар икки байтга ҳос умумийлик шундаки, уларда яқинларнинг ўзаро кўришишлари, саломат ва осойишта ҳаёт кечиришлари улуғланиб, тақдирнинг турли тақозоларига кўра айрилишнинг ҳар қандай кўриниши қораланади. Энг муҳими, унда бир-бирларидан узоқлашган яқин кишиларнинг кўнглида яқинлик қилишга интилиш ҳиссининг мавжудлиги олқишланади. Ҳар икки байтда ҳам шу мавзу устувор бўлишига қарамасдан, уларнинг биринчисида умумийлик (ҳар қандай одам – “киши”), иккинчисида эса хусусий бир ҳолат “қадашдын йыраб” кетган кишиларнинг кўнгилларида яқинлик қилиш истагининг бардавом бўлиши кўрсатилади.

Айни мавзу Юсуф Хос Ҳожибнинг навбатдаги тўртлиги учун ҳам ҳосдир:

Камуг ғайиб өзлэр корүшсэ өзүн.
Сақынч болды қысға, сэвинчи узун. (3260)
Нэ корклүг болур, кор, киши адрылыб,
Саламат қавушса эки өз өзүн. (3261)

Ҳамма ғойиб (яъни айрилган) кишилар ўзаро кўришишса,
Аллам қиска, севинч узун бўлади.
Қандай ажойиб бўлади, кўр, киши айрилиб,
Икковлон ўзаро саломат топишса.

Маснавийда:

Киши сэвсэ ʔайбы, кор, эрдэм болур,

Кими сэвмэсэ эрдэм огтэм болур. (521)

Киши севса, (севимлининг) нуксони фазилат бўлиб кўринади,
(Агар) ким севилмаса, фазилатлари нуксон кўринади.

Тўртликда:

Көңүл кимни сэвсэ мун эрдэм болур,

Қамуг тэтрүси он куқузы толур.

Көңүл кимни сэвсэ камуғы сэвуг,

Кс эр көзкэ урса кор нмэз болур. (524)

Кўнгил кимни сувиб қолса, унинг нуксонлари ҳам

фазилат кўринади,

Барча терсликлари ўнг (кўриниб) раҳналарга (яъни

камчиликлари) тўлади.

Кўнгил кимни севиб қолса, унинг бутун борлиғи

севимли кўринади,

Кўриб турган кўз олдида урса, кўрмагандай бўлади

(яъни унинг айблари кўринмайди).

Тўртлик тилга олинган мавзунинг олдин кўрсатилмаган кирраларини кўрсатиш билан бошланади. Маснавий байтларида олдин яқин бўлиб, кейин бир-бирларидан муайян сабаб ёки тақдирнинг тақазоси билан айрилиб кетган кишилар устида сўз юритилган. Тўртликнинг объекти эса ҳар қандай сабабга боғлиқ бўлмаган ҳолда анча вақт ва масофа айирмасига тушиб қолган кўпчилик кишилар (“Қамуғ ғайиб өзлэр”)дир. Маснавийда ўзаро айрилиб қолган кишиларнинг қайта кўришиши хурсандчилик ва севинчга сабаб бўлиши қайд этилади. Айни мана шу фикр тўртликда янада ихчам, чиройли ва таъсирчан ифодасини топган: “Сақынч болды қысға, сэвинчи узун”.

Иккинчи байт билан тўртликнинг иккинчи ярми орасида матний яқинлик жуда кучли равишда сезилади. Уларни ёнма-ён қўйсақ бундай яқинликни янада аниқроқ тасаввур этишимиз мумкин бўлади:

маснавийда	тўртликда
<i>Нэ көрклүг сэвинч ул киши адрылыб</i>	<i>Нэ көрклүг болур, көр, киши адрилиб.</i>
<i>Саламат қавушса тилайү кэлиб,</i>	<i>Саламат қавушса эки өз өзун</i>

Такрорнинг шеърий асар табиаи билан сиғишмаслиги бор гап. Аммо Юсуф Хос Ҳожиб асаридаги бундай яқинликларнинг асар бадииятига ҳалакит бераётгани ҳақида гапириш ўринли бўлмайди, аксинча, бундай матний ва фикрий яқинликлар адибнинг тасвирлаш маҳорати, туркий тилнинг ички имкониятларини намойиш этишга бўлган астойдил ҳаракатини кўрсатади, холос.

Умуман. ўрта асрлар адабиётини кузатиб уларда такрорланиб турадиган вазиятлар, ўхшаш тасвирларни кўплаб учратиш мумкин. шунга қарамасдан ушбу вазиятлар, тасвирларда нимадир янги бўлади. нимадир кашф этилади. Ана шу «нимадир» китобхон фикрини янгликка, ўхшаш нарсалар орасида такрорланмас, янги ҳодисаларни ажратиб олишга ундайди. Назаримизда, ушбу ҳодиса моҳияти Юсуф Хос Ҳожибнинг бир тўртлигида жуда яхши ифодаланган:

Эди ма батыг хандаса сақышы,
Анын тэзгинүр, көр, ҳакимлар башы.
Акын-тэг барыр бу йэти кат көкүг,
Адырты сачым-тэг бирәр сақышы. (2747)

Ҳандаса ҳисоби жуда ҳам чуқурдир,
Ҳакимларнинг боши шу билан айланади (банд бўлади).
Бу етти қават кўкни селдек босади,
Унинг ҳар бир амали жала томчиси каби фарқланади.

Эътибор берилса, охирги мисрада ўрта аср фалсафасининг, дунёқарашининг, адабий-эстетик дидининг ўзига хос калити берилган. Олам ҳодисалари «жала томчиси каби фарқланади». Энди икки жала томчиси орасидаги реал фарқларни тасаввур қилиб кўринг. Уларни аниқ тасвирлаш имкондан ташқари нарсадир. Айни пайтда ҳар икки томчининг тамомила бошқа-бошқа эканлиги ҳам ҳақиқат. Бу ерда мавзу ва ҳолатларнинг янгилиги эмас, аксинча айни мавзу ва ҳолатларнинг янгича шаклларда тақдим қилиниши муҳимдир.

Қуйидаги мисолда Юсуф Хос Ҳожиб бахт-саодат ва давлатнинг азиз ва муқаддас эканлигини қайд этади.

Арығ-ул бу қут қыв арығлық тиләр
Сүзүг-ул бу давлат сүзүгни йулар (2071).

Бахт ва қут пок нарса, у покизаликни талаб қилади,
Давлат – мусаффо, ҳалол, у софлик, ҳалолликни талаб қилади.

Кейинги мисраларда эса мана шу кайд катъий хулосаларга айланиб боради. Бунинг учун эса яна бадийи вариация ёрдамга келади. Энди мана шу мукаддасликка зид бўлган ҳодисалар кўрсатиб берилади:

Бэги ичгүчи болса муфсид отун

Қамуғ ичгүчи болды будны бүтүн (2072).

Беги ичағон, фасодчи, пасткаш бўлса,

Борлиқ халқининг барчаси ичағон бўлади.

Бирники мингга, мингники туманга деган гап бор халқ орасида. Оддий одамлардаги камчилик ва нуксонларнинг ҳам зарари катта, борди-ю жамиятнинг энг масъул аъзоларида, жумладан, бошликларда шундай камчиликлар бўлса нима бўлади? Албатта, ёмон бўлади. Агар халққа бош бўладиган одам ичкиликка муккасидан кетган, фиску-фасодга берилган, пасткаш бўлса-чи? Унда халқнинг аҳволига вой. Бундай халқнинг пешонасида шўри бор, дейиш мумкин. Гап мана шу ҳақда кетяпти. Бундай кишилар мукаддас бахт-саодатга, давлат ва бойликка ҳам муносиб эмасдир.

Давлат ва бахт-саодат мукаддаслигидан кейин бу мисраларнинг келиши тасодифий эмас. Адибнинг назарида мукаддасликни сакловчи асосий кафолат – эл-юртнинг бошликларидир. Агар бошликнинг ўзи бунга номуносиб бўлса-чи?! Унда унга бўйсунадиган, ундан намуна оладиган халқнинг аҳволи ҳам шунга муносиб бўлади.

Кейинги байт мазкур фикрни бошқачароқ тарзда акс эттиради. Одатда, оддий халқнинг хато ва камчиликларини, номуносиб ишларини унинг бошлиғи тузатиб боради. Бекнинг ўзи номуносиб бўлса-чи?

Қара тэнсизин барча бэглэр этэр,

Бэги қылса тэнсиз аны ким йэтэр.

Қора авомнинг номаъкулчиликларини беглар тузатади,

Беги номаъкул иш қилса, унинг иложини ким қилади.

Бунинг учун кишиларда бошқача бир тажриба мавжуд. Одатда ҳар қандай кир, ифлосланган нарсаларни кишилар сув воситасида тозалаб, поклаб олишади. Тасаввур қилинг, мана шу сувнинг ўзи қирланган бўлса, унда нима қилиб бўлади?

Арығсызны йалңук сувун йуб арыр

Қалы артаса сув нэкүн йуб арыр

Киши иглэсэ от отачы бэрүр,
Отачы игингэ эмин ким кылуp (2075).

Нопок нарсани халк сув билан ювиб поклайди,
Агар сув ифлосланса, у нима билан ювиб покланади?
Одам дардга гирифтөр бұлса, табиб дори-дармон қилади,
Табибнинг дардига ким дори-дармон қилади?!

Агар бошлиқнинг ўзи номуносиб хатти-ҳаракатлар эгаси
бўлса-чи?! Уни ким бартараф этади?!

Муаллиф фикрни яна давом эттиради. Энди мутлака янги
мисол келтирилади. Одатда, инсонлар яроксиз, кир нарсаларни
сув билан покиза қилишади., тозалашади. Агар сувнинг ўзи кир,
ифлос бўлса-чи?! Унда нима қилиш мумкин бўлади?!

Навбатдаги байтда эса фикрнинг янада қутилмаган бошқа бир
ифодаси тақдим этилади: Кимда ким касал бўлса, соғлиғини
йўқотса, унинг давоси учун табибга мурожаат этилади. Табиб уни
даволайди. Агар табибнинг ўзи касал бўлса-чи?! Уни ким
даволайди, тузата олади?!

Бадий вариациянинг кўринишлари ниҳоятда хилма-хил
бўлиши мумкин. Унингн икки байтдан бошлаб бир неча
саҳифаларни ҳам ташкил этиши кузатилади.

Қуйида бадий вариациянинг учта байт доирасида амал
қилганини кўраимиз:

Бор ичмэс кэрэк бэг фасад қылмаса
Бу эчки қылықдын қачар қут баса (2057)
Сүчигкэ сүчинсэ ажун бэглэри
Ачығ болды эл күн будун иглэри
Ойунка авынса ажун тутгучы
Элин бузды болды өзи қултгучы (2059)

Бек ичимлик ичмайдиган, фасод қилмайдиган бўлиши керак,
Бу икки қилмишдан қут тезда қочади.

(Агар) дунё беклари ичимлик (маишат)га берилса,
Эл ва халқнинг дардлари (қисмати) аччик бўлади.
Жаҳонгир киши айш-ишратга маҳлиё бўлса,
Элини бузади (хароб қилади),ўзи (эса) тиламчи бўлиб қолади.

Ҳар учала байтда ичкиликка ружу қўйган кишинг
тақдиридаги мушкулотлар мантиқий кетма-кетликда кўрсатиб
берилади. Дастлаб ичкилик ва фиску фасоддан тийилишга ундаш
мавжуд. Бунинг натижасига (*қачар қут*) эътиборни тортиш
асосий ўрин тутади. Кейинги байт эса айни мана шу ҳодисага

алоқадор бўлган фожианинг миқёсини кенгайтириб кўрсатишга қаратилган. Учинчи байтда ҳам шу фикрнинг янгича талқини тақдим этилган. Энди бу ерда фожианинг унга сабаб бўлган кишининг ўзини ҳам четлаб ўтмаслиги алоҳида кўрсатилган.

Мазхкур мисолодаги яна бир жиҳат ҳам эътиборга моликдир. Унда тилга олинаётган номуносиб ҳаракат эгасининг ифодаси ҳам янги-янги ифодалар орқали тақдим этилётгани кузатилади. Эътибор беринг, дастлабки байтда у “бэг” сифатида қайд этилади. Бу ерда шундай ҳаракат эгасининг ёлғизлиги, яккалиги, демакки, лзлиги ҳам назарда тутилган. Кейинги байтда эса у “*ажун бэглери*” кўринишини эга. Юқорида кўрсатиб ўтилган фожа миқёсини кенгайтириб кўрсатишда бу ифода алоҳида аҳамият касб этади. Охириги байтда эса “*ажун тутғучи*” вариантга устунлик берилади. Бошқа жиҳатларни таърифта ҳам такрордан қочиш янги ифодани юзага келтирганини, бунинг натижасида эса кўзда тутилаётган поэтик маънонинг кўзига ҳос янгича оҳор касб этганини пайкаш қийин эмас.

Умуман, фольклор асарлари учун ҳос бўлган бадий вариация Юсуф Хос Ҳожибнинг тасвир принципларидаги асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва асар бадийатининг юксак мавқе касб этишига ўзининг тегишли улушини қўшади.

Бадий вариация оғзаки ижод аъёнлари асосида ёзма адабиётга ўтган бўлиб, ўзининг асосий хусусиятларни индивидуал ижод соҳасида ҳам сақлаб қолган. Бу ерда у ижодкорнинг бадий маҳоратини аниқловчи шаклий кўрсаткичлардан бирига айланиб қолади.

Зеро, айни предмет, воқеа-ҳодиса ёки вазиятни ҳар галл янгича ифодалар билан тасвирлаш, аммо шунда ҳам унинг олдинги силсиласига алоқадор хусусиятларини сақлаб қолиш осон иш эмас. Булар ижодкордан ҳар томонлама маҳоратли бўлишни талаб этади. Мана шундай кескин ва қатъий талабларга дош бера олган адибгина бадий вариация имконларидан кенг ва тўла фойдалана олиши. Шу билан бирга ўзининг индивидуал маҳорат қирраларини ҳам атрофлича кўрсатишнинг уйдасидан чиқиши мумкин бўлади. Юсуф Хос Ҳожиб худди шу тоифага мансубдир.

Юсуф Хос Ҳожиб оғзаки ижодга ҳос бўлган тасвир принципларидан (бу ўринда бадий вариациядан) фойдаланиш билан ўзининг ахлоқий-таълимий қарашларини турли-туман

шаклларда тақдим қилиш имконларини топади. Улар адиб тақдим қилаётган бадий материалнинг осон ўзлаштирилишини ҳам белгилаб беради. Айни пайтда бир хил фикрнинг ранго-ранг шакллардаги бадий ифодаси мантикий мулоҳазалар рақсини жонлантиради, ана шундай фикрий ўйинлар ўз сеҳрига ўқувчи (китобхон)ни ҳам тартади, уни мафтун қилади. Эҳтимол, «Қутадғу билиг»даги «сеҳрли» нукталардан бири ҳам ана шу бадий вариация билан алоқадордир.

Буларнинг барчасида қадимги фольклор анъаналарининг излари очик кўриниб турибди. Демак, мазкур усул “Қутадғу билиг” матнида тасодифий бўлмасдан, қадимги туркий эпик анъаналарнинг янгича бир тарихий шароитдаги намоён бўлиш шаклидир. Унга ижодий ёндашган Юсуф Хос Ҳожиб асар поэтикасининг такрорланмас поэтик жаранг касб этишини таъминлаган.

Умуман, бадий вариация ҳам Юсуф Хос Ҳожибнинг тасвир принципларидаги асосий ўринлардан бирини эгаллайди ва асар бадииятининг юксак жаранг касб этишига ўзининг тегишли улушини қўшади.

ХУЛОСАЛАР

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони туркий ёзма адабиётнинг ниҳоятда мухташам ва доврукли обидасидир. Унинг бундай юксак мартабаларга эришуви адибнинг туркий халқлар фольклори билан ниҳоятда чуқурва жиддий танишуви, ўз асарида улардан ижодий фойдалангани, тасвир доирасига халқ оғзаки ижодига хос бўлган шакл ва усулларни дадил жорий этишга ҳаракат қилгани натижасидир.

Асарда фольклорга хос бўлган тасвир принциплари ҳам кенг қўлланган. Албатта, улар фольклорда қандай бўдса, шундайлигича эмас, балки Юсуф Хос Ҳожибнинг поэтик мақсади ва ниятига мос ва мувофиқ ҳолда қайта ишланган ва ёзма адабиёт талабалари билан уйғун тарздагина қўлланган.

Биргина асардаги ҳайвонот образларининг поэтикасидаёқ адабнинг бу борадаги маҳорати жуда ёрқин тарзда намоён бўлган. Адиб ҳайвонот образларидан ўз фалсафий-дидактик ғояларининг бадий жиҳатдан пухта ва пишиқ, ишонarli ҳамда таъсирчан ифодалашда жуда катта санъаткорлик билан фойдаланган.

Юсуф Хос Ҳожибнинг сўзга муносабатида, сўздан, хусусан, поэтик сўздан фойдаланишида ҳам фольклор анъаналарининг баракали таъсири сезилади. Сўз ва нутқ одоби масалаларида адибнинг бир томондан, фольклордаги мавжуд анъаналарга, иккинчи томондан, ёзма адабиётнинг ўзига хосликлари, ниҳоят учинчи томондан файласуф, мутафаккир шоир сифатида ўз кузатишларига таянгани кўзга ташланади. Буларнинг барчаси яхлит ҳолда асардаги юксак бадийиятнинг такрорланмас жаранг ва мутлақо янгича оҳорлар билан юзага келишида бош омил вазифасини адо этган.

Бу ҳолат «Қутадғу билиг»даги эпитетларнинг қўлланишида ҳам кузатилади. Уларга таяниб туриш айтиш мумкинки, Юсуф Хос Ҳожиб ўзига хос бўлган даврлардаги мавжуд оғзаки ва ёзма адабиёт анъаналарини пухта ўзлаштирган ҳолда ўз асарида туркий халқларнинг юксак поэтик иқтидорини кўрсатиб бера олган.

Шоирнинг юксак салоҳияти, сўзни ҳис этиш ва бошқаларга ҳам шундай бадий тароватни етказиш иштиёқи фольклордаги

бадий вариацияларнинг ёзма адабиётдаги такрорланмас намуналарининг яратилишига олиб келган.

“Қутадғу билиг” сингари фаясафий-дидактик йўналишдаги дostonнинг ўқимишлилиги, юксак бадияти, поэтик топилдикларнинг фавкулудда такрорланмас жарнги, инсон рухиятига кўрсатадиган таъсири Юсуф Хос Ҳожибнинг халқона анъаналардан пухта ва самарали фойдалана олиш маҳоратига уйғун ҳолда таъминланган.

XI-XII асрлардаги туркий халқлар ёзма адабиёти жаҳон маданияти тарихига ўзининг ниҳоятда кучли ривожни билан кириб келди. У кўп жиҳатдан кейинги даврлар адабиётининг тараққиёт йўлларини ҳам белгилаб берди. Бу давр адабиётининг энг асосий тархий маданий ҳамда адабий эстетик аҳамияти ҳам мана шунда. Ушбу давр адабиётининг бу қадар юксак даражага кўтарилишида эса ўтмишдаги миллий, айниқса, сўз санъати соҳасидаги анъаналар белгиловчи, хал қилувчи ўрин тутди.

XI асрда Ўрта Осиё ва шарқий Туркистонда юз берган кучли маданий ва илмий тараққиёт жаҳон халқлари тафаккури тарихида алоҳида ўрин тутди.

Араб халифалигидан ажралиб чиқиб амалда мустақил ижтимоий ва сиёсий ҳаётини қурган Ўрта Осиё халқлари илм-фан, маданият ривожини шундай юксакликка кўтардиларки, бу давр туркий халқлар тарихида буюк кўтарилиш даври бўлиб тарихга кирди.

Ана шу даврда Махмуд Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абулқосим Фирдавсий, Махмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк ижодкорлар ўзларининг ўлмас асарларини яратдилар.

Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Қутадғу билиг» асари ўша даврда вужудга келган қомусий асарлар силсиласидан муҳим ўрин олган. «Қутадғу билиг» бадиятида араб-форс адабиётининг, ҳинд-тибет ҳудудида амал қилган ижтимоий мафкуранинг таъсири ҳам мавжуд. Аммо унинг ўзагини соф туркий анъаналар, қадим миллий маданиятга бевосита дахлдор бўлган қадриятлар ташкил этади.

Қадимги туркий адабиёт («Қутадғу билиг» тимсолида) нинг кейинги давр туркий адабиётининг тараққиёт ва равнақидаги ўрни ва аҳамияти хаддан ташқари бекиёсдир. Унинг мазмун мундарижаси, образлилиги, услуби ўрта асрлардаги дидактик

достончиликка жуда кучли таъсир кўрсатди. XI аср адабиёти, хусусан, “Қутадғу билиг” ҳақида гапирганда, уни бемалол туркий ёзма адабиёт биносидаги тамал тошларидан деб айтиш мумкин ва лозим.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ниҳоятда содда сюжет тузилишига эга. Аммо ана шу содда сюжет тузилиши ҳам тўла тўқис туркий фольклор заминига таянади ва ундан ўсиб чиққан. Асардаги фольклор мотивлари тўлиғича ушбу фикрни тасдиқлайди. Умуман, асарда туркий фольклордаги (хусусан, эпослардаги) мотивларга кучли ҳамоханглик жуда кучли ва эркин тарзда намоён бўлган. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ана шу намоён бўлиш шакллариининг ўзи ҳам ниҳоятда хилма-хилдир.

Айрим мотивлар «Қутадғу билиг» таркибида оғзаки ижодга хос бўлган анъаналарнинг оддий («онгсиз») инерция сифатида юзага келган бўлса (ғайритабиий хислатлар, фарзандсизлик), баъзи бир мотивлар асардаги асосий композицион элементлардан бири сифатида намоён бўлади. Бунга синов, тонг сахар, туш, учлантириш мотивларини киритиш мумкин. Булар асарда алоҳида, муҳим ўрин тутати ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг боши, ривожланишига (тонг сахар, туш, учлантириш мотивлари) ёки қаҳрамон характеридаги муайян жиҳатлари (синов, туш мотивлари) очишга хизмат қилади.

«Қутадғу билиг»даги қаҳрамонни синаш мотивини кузатиб, унинг фольклор жанрларидаги айна мотивнинг аналоги сифатида юзага келганини қайд этиш мумкин. Фақат фольклордаги ҳам жисмоний, ҳам маънавий хусусиятларни синаш асосида юзага келган бу мотив «Қутадғу билиг» асарида фақат ва фақат ахлоқий-маънавий хусусиятлар синовига бўйсундирилган. Зеро, бу асарнинг бевосита мазмун моҳияти билан ҳам, унинг мақсад ва вазифалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага чиқади.

а. Тонг сахар мотиви ҳам «Қутадғу билиг» композицияси учун хосдир. Бу мотив ўзбек фольклорининг кўплаб жанрларига мансуб. У туркий халқларнинг деярли барчасида учрайди. Бу икки ҳолат ушбу мотивнинг нисбатан қадимий шаклланиш даврига ишора қилади. Шакл ва функция жиҳатидан баҳор (ёз) ҳам тонг мотивининг айнаидир. Уларнинг зидди сифатида окшом (кечаси, тун), куз (қиш) мотивлари юзага келган. Ушбу мотив бевосита инсон тақдири билан алоқалантирилади. Юсуф Хос

Ҳожиб ўз ижодида бу мотивнинг кўплаб кўринишларини табиқ эта олган. Улар воситасида эса ўзининг потик ниятларини янада гўзалроқ ва таъсирчанроқ тарзда ифодалашга эришган. Зеро, “санъатнинг асл кудрати – ҳар бир авлод онгида янгилашиб, ҳар бир кўнгилда рост мазмун касб эта олишида, ҳаётни, коса давронни бадний тимсолларда, кодларда муҳрланганида намоён бўлади. Бу ўринда ҳеч бир сунъийлик йўқ. Аксинча, ботиний мазмундан холи асар – санъатга бегона”¹.

Туркий фольклорда кенг тарқалган ва «Қутадғу билиг» композициясида асосий ўрин тутадиган мотивлардан бири тушдир. Туш қаҳрамон тақдиридаги ниҳоятда жиддий ўзгаришлар билан боғлиқ.

«Қутадғу билиг»даги туш мотиви асар сюжетида ривожда алоҳида ўрин тутайди ва муҳим композицион вазифани бажаради. Бу вазифа биринчидан, асардаги воқеаларнинг кейинги ривожига кўрсатган таъсири билан белгиланса, иккинчидан, асардаги икки етакчи қаҳрамон (Ўзғурмиш ва Ўғдулмиш) образларининг тегишли кирраларини очиб бериши билан характерланади.

Туркий эзма адабиётнинг XI асрдаги энг йирик ёдгорлиги бўлган «Қутадғу билиг»даги туш мотиви миллий-адабий аъёналар заминида юзага келган ва бу аъёналарнинг ўзи ҳам анча қадимги даврларга бориб тақалади.

Туш мотивининг «Девону луғотит турк» асаридаги бадий парчаларида мавжудлиги ва бу мотив билан алоқадор образлар комплексининг бевоқифа миллий-адабий аъёналар билан зич алоқадорлиги туркий адабиётнинг бу борадаги бой тажрибаларидан далолатдир. Демак, «Қутадғу билиг»да намоён бўладиган ушбу мотив, унинг асар сюжети ва композициясидаги ўрни ҳеч тасодифий бўлмасдан, аллақачон миллий-адабий тажрибалар жараёнида ўтиб келган.

Юсуф Хос Ҳожиб маҳорати шундаки, туш мотиви билан боғлиқ образлар талқинида фольклор аъёналарга таяниб туркий, халқона тасаввур ва эътиқодларга асосланган образларга янгича маъно ва талқинлар бера билди.

Асардаги туш таъбири билан боғлиқ талқинларнинг туркий эзма адабиётдаги янги ҳодиса эканлигини, шунга кўра уларнинг фақат адабий жиҳатдангина эмас, балки тарихий-этнографик,

миллий психологик нуқтаи назардан ҳам ниҳоятда муҳим ва катта аҳамиятга молик эканлигини ҳам таъкидлаш лозим. Зеро, бу таъбирлар XI асргача бўлган тасаввур ва эътиқодлар асосида шаклланган бўлиб, муайян даражада уларни умумлаштиради, туркий халқларнинг ўша даврдаги дунёқарашларини акс эттиради. Улар бу борада кейинги даврлардаги факт ва маълумотлар, айниқса, уларнинг миллий анъаналар билан алоқадорлик даражаларини белгилаш учун ўзига хос «ўлчов бирлиги» вазифасини адо этиши мумкин.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида намоён бўладиган сўз ва сўзга, хусусан, бадиий сўзга муносабатда ҳам фольклор анъаналарининг изчил давоми ва тараққиёти кўзга ташланади.

Умуман, «Қутадғу билиг»нинг туркий халқлар фольклори билан узвий алоқадорлиги, боғлиқлиги туркий ёзма адабиётнинг мазкур шоҳ асарининг ўзи мансуб бўлган халқ ҳаёти билан нақадар чамбарчас боғлиқ эканлигига ёрқин далилдир.

